Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 01.02.2017 й.Н ПҚ-2750 Қарорига мувофиқ туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш марказлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарувига ўтказилмоқда. Бу эса “ягона дарча” марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга нисбатан тизимли ёндашувни белгилаш имкониятини беради.

Банклар ва кредит бюрolari, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш “ягона дарча” марказлари зиммасига юклатилмоқда. Бундай чора тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг мавжуд тарқоқ тизими ўрнига янги, яхлит тизимни яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “ягона дарча” марказлари фаолиятига умумий раҳбарликни ҳамда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ваколатли орган этиб белгиланди.

“Ягона дарча” марказлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 16 турдаги рухсатномаларни бошқа идораларга бормасдан расмийлаштириш амалиёти тадбиркорлик субъектларининг вақти ва моддий сарф-харажатларини тежашга кўмаклашади.

## 1.2-жадвал

### Тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиладиган хизматлар<sup>9</sup>

№	Хизмат номи
1.	Тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимларига «фойдаланишга тайёр» шартларда улаш.
2.	Бино ва иншоотларнинг ташқи кўриниши ўзгартиришни (фасадни таъмирлашни) келишиш.
3.	Бино ва иншоотларни қайта-иҳтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш.
4.	Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат бериш.
5.	Ер участкаларини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома бериш.
6.	Бино, иншоот ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома бериш.
7.	Ипотека ва бино ва иншоотлар, шунингдек ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома бериш.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» - 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2412-сонли қарори

8.	Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш.
9.	Алкоголли маҳсулотлар билан умумий овқатланиш корхоналарида савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш.
10.	Кўчма савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш.
11.	Ташқи рекламани жойлаштиришга рухсат бериш.
12.	Турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш.
13.	Ер ости конларидан фойдаланишда бузилган ерлар рекультивацияси ўтказилганлиги тўғрисида хулоса бериш.
14.	Ўрмон фондига кирмайдиган ҳудудларда дарахтларни кесишга рухсат бериш.
15.	Сувдан маҳсус фойдаланиш ва истеъмол қилишга рухсат бериш.
16.	Ўсимлик дунёси объектларидан маҳсус фойдаланишга рухсат бериш.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январдан бошлаб “ягона дарча” марказлари орқали тақдим этиладиган лицензия ва рухсатномаларни қоғоз шаклидаги маҳсус бланкаларда мажбурий расмийлаштириш талаби бекор қилинади. Бунда берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот тизимлари мажмуаси орқали олиш имконияти яратилади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат ҳисобига қўйиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2486-сонли қарорини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли Ҳукумат қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини – юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишнинг мутлақо янги тартиби ўрнатилди<sup>10</sup>.


2017 йилнинг апрел ойидан бошлаб, бизнесни рўйхатдан ўтказиш механизминини батафсил ёритиб берувчи ягона ҳужжатни тасдиқлаш йўли билан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиботини тартибга солувчи 62 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди.

2017 йилнинг Феврал ойидан бошлаб “ягона дарча” марказлари барча тадбиркорлик субъектлари учун ягона рўйхатдан ўтказувчи орган этиб белгиланди, банклар ва кредит бюрolari бундан мустасно. Давлат статистика қўмитасининг фирма номини захира қилиб қўйишга доир, Давлат солиқ қўмитасининг тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирувчи якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишга доир, шунингдек Адлия

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори

вазирлигининг чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, ломбардлар, инвестиция фондлари, бозорлар ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишга доир функциялари 194 та “ягона дарча” марказларига топширилди.

### «ЯГОНА ДАРЧА» МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИНГ МЕХАНИЗМИ



Давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

1. Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими воситасида Ягона порталда;

2. Ариза берувчилар давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун тегишли (почта манзилига мувофиқ жойлашган жойдаги - юридик шахслар учун ёки доимий рўйхатда турган жойидаги ёхуд доимий яшаш жойидаги - жисмоний шахслар учун) рўйхатдан ўтказувчи органга ўзлари келиб муружаат қилган ҳолда.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали қуйидагилар амалга оширилади:

давлат рўйхатидан ўтказиш;

қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

қайта рўйхатдан ўтказиш;

давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божини тўлаш;

рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани эркин олиш;

якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисида ариза топшириш;

рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг белгиланган тартибдаги ҳамкорлиги;

рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларни, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларини тадбиркорлик субъектининг манзили (жойлашган жойи, яшаш жойи) ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

"тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинети"ни очиш ва ундан эркин фойдаланиш;

Реестрдан кўчирма, сўралаётган ҳужжат, тадбиркорлик субъектларининг рўйхати ёки сўралаётган маълумотнинг ва (ёхуд) ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома шаклидаги аниқ тадбиркорлик субъектлари ҳақида маълумот сўраш ва олиш.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”да назарда тутилган муддатларда амалга оширилади (1.3-жадвал).

### 1.3-жадвал

#### Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган муддатлар<sup>11</sup>

Т/р	Тадбиркорлик фаолияти шакллари	Давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган муддатлари
<b>I. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш</b>		
1.	Якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолияти субъектлари	реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда
2.	Тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шакллари	реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда
<b>II. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан қайта ўтказиш</b>		
3.	Деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолияти субъектлари бошлиғи ўзгарганда	реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда
4.	Таъсис ҳужжатларига устав фонди миқдорининг оширилиши, улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда	16 иш соатидан ошмаган вақтда
5.	Рўйхатдан ўтказиш маълумотларига (таъсис ҳужжатларига) киритилаётган бошқа ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилганда	реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда

2017 йилнинг апрел ойидан бошлаб, бизнесни рўйхатдан ўтказиш реал вақт режимида ариза юборилган пайдан эътиборан 30 дақиқа давомида амалга оширилади, қуйидаги икки ҳолат бундан мустасно – рўйхатдан ўтказилиши 16 иш

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори

соати давомида амалга ошириладиган устав фондининг оширилиши ва таъсисчиларнинг улушлари (ҳиссалари) бошқа шахсга ўтиши.

Ягона портал – [my.gov.uz](http://my.gov.uz) орқали автоматлаштирилган тизим воситасида рўйхатдан ўтказиш тартиботи ҳозир бўлган тартибда мурожаат қилишга нисбатан бир қатор устунликларга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан маълумотлар бериш учун тегишлича ставкалар бўйича давлат божлари ва йиғимлар тўланади.

#### 1.4-жадвал

### Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божлари ставкалари<sup>12</sup>

Тадбиркорлик субъектлари	давлат божлари ставкалари
хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун	ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этилганда энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари ва 500 АҚШ доллари, Интернет бутунжаҳон тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказилганда эса - ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этганлик учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида;
суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, ломбардлар, инвестиция фондларини, "Ўзбекизовқатзахира" мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарни, бозорларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик жамиятлари (шу жумладан холдинг) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органларини рўйхатидан ўтказганлик учун	ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этилганда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари, Интернет бутунжаҳон тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказилганда эса - ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этганлик учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида";
юримдик шахсларни - тадбиркорлик субъектларини, юримдик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни ҳамда юримдик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказганлик учун	ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этилганда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари, Интернет бутунжаҳон тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказилганда эса - ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этганлик учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида";

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори

Қуйидаги муҳим қулайлик мавжуд – рўйхатдан ўтказишга сўровнома танланаётган фирма номини автоматик тарзда текширишни инобатга олган ҳолда аризачи томонидан маълумотларни асосан очиладиган менюдан танлаш йўли билан онлайн тўлдирилади, бу эса ноаниқликларни бартараф этади, тақдим этилаётган маълумотларни стандартлаштиради ва уларни қайта ишлашни соддалаштиради. Шунингдек, бизнесни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан имзолаш талаб этилмайди, бунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ягона порталда унда кўрсатилган усуллардан бири орқали масофадан рўйхатдан ўтишлари лозим бўлади. Аризачиларнинг хоҳишига кўра, автоматлаштирилган тизим аризада кўрсатилган маълумотлардан келиб чиқиб шакллантирадиган, таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларида фойдаланиш ёки аризага сканер қилинган таъсис ҳужжатларини илова қилиш мумкин. Илк маротаба давлат божларини республикада фаолият юритиб турган электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш мумкин бўлади, бунда аризачидан белгиланган давлат божи ставкасининг 1 фоизи миқдоридан тўлов ундирилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) ўз фаолиятларини вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш тўғрисидаги аризани автоматлаштирилган тизим орқали топширишлари мумкин бўлади, бу эса ЯТТнинг солиқлар тўламаслик билан боғлиқ бўлган таваккалчиликларини соддалаштириш ва пасайтиришга ёрдам беради. Тадбиркорлик субъекти барча тегишли ваколатли давлат (лицензияловчи ва ҳоказо) органларини унинг манзили (жойлашган жойи, яшаш жойи) ўзгарганлиги тўғрисида автоматлаштирилган тизим воситасида бир вақтнинг ўзида хабардор қила олади, бу эса давлат органларига алоҳида хабарномалар жўнатишга зарурият қолдирмайди. Шунингдек, қайта ташкил этиш тўғрисидаги ахборотни босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисидаги талабни бекор қилади, бунда ахборотни кредиторлар танишиб чиқишлари учун Ягона порталда эълон қилиш етарли бўлади, бу эса тадбиркорлар харажатларини камайтиради.

Бизнесни рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асосларнинг батафсил рўйхати белгиланган. Демак, рўйхатдан ўтказиш учун сўровнома тўлдирилаётганда кўрсатилган маълумотлар автоматлаштирилган тизимнинг тегишли маълумотлар базалари бўйича автоматик тарзда текширилади.

Тадбиркорлик субъектига Тизим имкониятларидан фойдаланган ҳолда унга тааллуқли бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар давлат органлари томонидан сўралган ҳолатлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи берилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик субъекти эркин фойдаланиши тақиқланган ахборот бундан мустасно.

Юритилиши марказлаштирилган тарзда электрон кўринишда амалга ошириладиган Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрида (ТСЯДР) мавжуд бўлган долзарб маълумотларнинг шаффофлигини ва улардан эркин фойдаланиш имконини ошириш ўта муҳимдир. Ягона порталга жойлаштириладиган ва улар ўзгариши биланоқ ҳар соатда янгиланиб бориладиган маълумотларнинг энг кам ҳажми белгиланди. Демак, юридик шахслар тўғрисидаги қуйидаги ахборотдан оммавий фойдаланиш мумкин бўлади: номи, СТИР, мақоми (фаолият юритаётган, тугатилиш жараёнида, фаолиятини тўхтатган), ташкилий-ҳуқуқий шакли, мулкчилик шакли, устав фондининг миқдори, қимматли қоғозлари тўғрисидаги ахборот, манзили ва бошқалар; ЯТТлар қисмида эса: исми, фамилияси, СТИР, амалга оширилаётган фаолият тури, жинси ва бошқалар.

Рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ўртасидаги фарқланишларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг нисбатан устунлигини аниқлаш қоидалари белгиланган. Демак, таъсис ҳужжатларидаги маълумотлар бир биридан фарқ қилганида, рўйхатдан ўтказувчи органда сақланаётган ҳужжатлар нисбатан устунроқ кучга эга бўлади. ТСЯДРдаги таъсис ҳужжатлари ва ёзувлардаги маълумотлар бир биридан фарқ қилганида, ТСЯДРдаги ёзувлар нисбатан устунроқ кучга эга бўлади. ТСЯДРдаги ва 2017 йилнинг 1 апрелига қадар юритиладиган реестрлардаги ёзувлар бир биридан фарқ қилганида, ТСЯДРдаги ёзувлар нисбатан устунроқ кучга эга бўлади. Рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ўртасидаги фарқланишлар таъсис ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ёки қўшимчаларни киритиш йўли билан тадбиркорлик субъектининг ўзи томонидан амалга оширилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридан назарда тутилган, бизнесни рўйхатдан ўтказиш тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш давлат хизматининг – “бизнесни рўйхатдан ўтказиш”нинг шаффофлиги ва сифатини сезиларли даражада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда ривожлантиришга доир ҳаракатлар стратегиясида мамлакатнинг Жаҳон банки “Doing Business” тадқиқотларидаги давлат халқаро рейтингини оширишни таъминлашга оид вазифа қўйилган. Демак, корхоналарни рўйхатдан ўтказишнинг янги механизми Жаҳон банкининг навбатдаги “Doing Business-2018” тадқиқотларида “бизнесни рўйхатдан ўтказиш” меъзонига ижобий таъсир қилади.

Жаҳон банки услубиятига мувофиқ, бизнесни рўйхатдан ўтказиш янги тартибга кўра иккита жараёнда (биринчиси – барча рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиботларини автоматлаштириш билан реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиш, иккинчиси – тақдим этиладиган қоғоз ҳужжатларни камайтириш билан банк ҳисоб рақамини очиш) амалга оширилади. Бизнес юритишни бошлаш билан боғлиқ бўлган барча расмийчиликларни инобатга олган ҳолда корхонани очиш жараёни (*ушбу вақтга фирма номини захирага олиб қўйиш, рўйхатдан ўтказиш учун давлат божини тўлаш, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларини олиш, муҳрни тайёрлаш, солиқ органларида, статистика органларида ҳамда Халқ банкида ҳисобга қўйиш, шунингдек банкда ҳисоб рақамини очиш киради*) бир кундан кам вақтни талаб қилади.

Қуйидагилар давлат рўйхатидан ўтказишни, қайта рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади:

давлат божи тўланмаганлиги ёки унинг тўлиқ бўлмаган миқдорда тўланганлиги;

Тегишли бўлмаган рўйхатдан ўтказиш органига мурожаат қилинганлиги;

Қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 12 декабрь 2017 йил “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини имзолади. Хўш мазкур ҳужжатни қабул қилишга нима туртки бўлди, нима учун қабул қилинди, ушбу фармон ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилади? ЎЗА агентлигида эълон қилинган фармонга шарҳда юқоридаги саволларга батафсил жавоб берилган.

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчиллик билан такомиллаштириш аҳоли ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатда давлат органларининг мазкур соҳадаги фаолияти сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатишда мақбул шарт-шароитлар ва қулайликлар яратишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2017 йил 1 февралдан Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларининг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича муҳим қадам бўлиб, вертикал бошқарувни шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди. Натижада ушбу марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 33 тагача ошди.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқагача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилганлиги “Doing Business 2018” глобал рейтингидаги “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг мавқеини 24-ўриндан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, халқ билан очиқ мулоқот натижалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишида айрим тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Авваламбор, “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимидан фақат тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин. Бунда фуқаролар ҳанузгача турли давлат органлари ва ташкилотларида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишга мажбур бўлмоқдалар.

Қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги, шунингдек, улар идоралараро интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги вазиятни мураккаблаштириб, барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишни таъминлаш имконини бермаяпти.

Бундан ташқари, кўпчилик давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиб-таомиллари фуқаролар учун мураккаб ва фойдаланиш учун қийин бўлиб қолмоқда, уларнинг нархини шакллантириш механизмлари эса шаффоф эмас. Натижада алоҳида ҳолларда тор идоравий манфаатларнинг юзага келишига олиб келган.

Айрим ҳолларда фуқаролар давлат органларига мурожаат қилишда асослантирилмаган молиявий харажатларга дуч келмоқдалар, энг аввало, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражадалиги, қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолинган андозалари навбатлар юзага келишига олиб келмоқда.

Давлат хизматлари кўрсатишни, шу жумладан реал вақт режимида масофадан мониторинг қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали назорат қилиш ва сифатини баҳолашнинг таъсирчан тизими мавжуд эмаслиги ушбу хизматлар соҳасида қонунийликни таъминлашнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўрсатиб ўтилган муаммолар аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий

ҳаражатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятдан қаноатланганлик даражасини ошириш имконини бермайди.

Айнан шу муносабат билан Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон давлат хизматларининг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имконини тубдан ошириш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган улуғвор ғояни сўзсиз амалга оширувчи асосий ғояларни белгилаб берди.

Хусусан, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъулият юкланган алоҳида давлат органи – Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бўлинмалари билан ташкил этилди. Бу амалга оширилаётган ислоҳотларнинг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлайди, давлат хизматларини сифатли бажариш учун ваколатли органлар ва ташкилотларнинг жавобгарлигини оширади. Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бошқарувни амалга оширишнинг аниқ ташкилий-институционал асосларини шакллантириш таъминланмоқда.

Эндиликда “ягона дарча” тамойили нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки бевосита фуқароларга ҳам хизмат кўрсатишда амал қилади. Давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот қилмасдан ҳамкорликни таъминлаш аҳоли учун давлат хизматларини коррупция хавфсиз тезкорлик билан кўрсатиш имконини беради, фуқароларнинг кундалик ҳаётини жиддий равишда енгиллаштиради, бюрократия ва сансалорлик ҳолатларини бартараф этади.

Шу муносабат билан Фармонда Давлат хизматлари ягона реестрини ташкил этиш, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича ягона маъмурий регламентлар ишлаб чиқиш, Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларида ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари ҳамда дастурий маҳсулотларни, шунингдек, аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган. Бу давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” деган муҳим тамойилни жорий этиш имконини беради.

Интернет ва мобиль технологияларнинг фаол жорий этилиши хизматдан фойдаланувчилар давлат органларига зарур ҳолларда боришлари, одатий ҳолларда эса хизматлар масофадан электрон тартибда кўрсатилиши билан боғлиқ ғояларнинг истиқболда амалга оширилишини таъминлайди.

Шунингдек, Фармон билан Давлат хизматлари марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат хизматларининг сонини, айниқса, фуқаролар учун босқичма-босқич жиддий равишда оширишни ҳисобга олган ҳолда хизматдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиладиган бино ва иншоотларни тўлиқ янгилашга зарурат мавжуд.

Шу муносабат билан масъул идораларга Давлат хизматлари марказларининг янги қиёфасини ишлаб чиқиш топширилган, маҳаллий ҳокимият органлари эса Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда биноларни босқичма-босқич янгилашни таъминлайди.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан соғлиқни сақлаш, лицензиялаш, солиқ, божхона ва бошқа соҳаларда жадал сифат жиҳатидан яхшилашнинг муҳим механизмлари, шунингдек, давлат хизматлари бўйича мобиль иловаларни ишлаб чиқиш, хизматларни олис жойларга чиққан ҳолда кўрсатиш, аҳоли

билан тезкор алоқалар, расмий веб-сайтлардаги интернет-ботлар, ижтимоий тармоқлар ёрдамида қайта алоқанинг самарали тизимини ташкил этишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Шунингдек, 2018-2020 йилларда жорий этилишига қараб Давлат хизматлари марказларида “ягона дарча” тамойили бўйича кўрсатиладиган 58 та давлат хизматининг рўйхати тасдиқланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3852 –сон Қарори қабул қилинди.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг кўлами ва самарадорлиги нафақат мамлакатимиздаги инвестицион фаолликнинг ортиши билан, балки нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари томонидан берилаётган муносиб баҳо билан ҳам ўз исботини топмоқда.

## **2-МАВЗУ. БИЗНЕСНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

2.1. Иқтисодиётда юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашда бизнес соҳасида белгиланган энг муҳим устувор йўналишлар.

2.2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

2.3. Бизнесни тадқиқ этишда илмий ва амалий ёндашувлар.

2.4. Бизнесни тадқиқ этиш концепцияси ва гипотезани шакллантириш.

2.5. Илмий тадқиқотнинг методологик асослари.

2.6. Бизнесни тадқиқ этишнинг ташкилий хусусиятлари.

2.7. Бизнес жараёнини тадқиқ қилишнинг илмий ва амалий самарадорлигини баҳолаш, ҳисоботларни тайёрлаш, қарор қабул қилиш.

### **2.1. Иқтисодиётда юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашда бизнес соҳасида белгиланган энг муҳим устувор йўналишлар**

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш уни ялпи миллий маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолининг катта қисмини қамраб олган соҳага айлантирди.

Қулай инвестицион муҳит ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ҳамда экспортни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, ҳамкор мамлакатлар ва халқаро молия институтлари билан муносабатлардаги ёндашув ўзгартирилди. Олий даражадаги ташрифлар чоғида Хитой Халқ Республикаси, Россия, АҚШ, Корея, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон билан


савдо иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш бўйича икки томонлама давлатлараро шартномалар имзоланди.

Еврова Тикланиш ва тараққиёт банки билан тўлақонли муносабатлар тикланди, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 190 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит линияси ажратилди. Турли йўналишларда 20 дан ортиқ лойиҳалар ишлаб чиқилди. Европа инвестиция банки, Франция ривожланиш агентлиги билан ҳамкорлик ўрнатилди. Ўзбекистон янги тузилган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Иккинчидан, ташқи савдо фаолиятидаги барча сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Хусусан, олдиндан тўловларсиз ва кафолат мажбуриятларисиз экспорт қилиш тартиби жорий этилди. Ортиқча ва эскирган рухсат берувчи талаблар бекор қилинди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш механизмлари соддалаштирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида экспорт ҳажми 11.3 миллиард АҚШ долларини ташкил этди ва олдинги кейин шу давр кўрсаткичига нисбатан 126%га ошди. Ташқи савдо салъдоси 519.5 миллион долларни ташкил этди.

МДХ давлатлари ичида маҳсулот экспорт қилинадиган энг йирик давлатлар қаторига Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳамда узок хорижий мамлакатлар – Хитой, Туркия, Афғонистон, Эрон, Корея Республикаси ва Франция давлатларини киритиш мумкин.

Барча қайд этилган давлатра бўйича экспортнинг ўсиш динамикасига эришилди.



**2.1-расм. 2017 йилда малакатимиздан маҳсулот экспорт қилинган энг йирик давлатлар (млн. АҚШ долларида)<sup>13</sup>**

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш уни ялпи миллий маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолининг катта қисмини қамраб олган соҳага айлантирди. Кичик бизнес мамлакат иқтисодиётини барқарор суръатларда ўстиришнинг асосий омилларидан биридир. Буни 2016 йилда кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 56,9 % га етгани яққол исботлаб турибди. ташкил этди.Мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 35,7 % кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

<sup>13</sup> 2017 йил – шиддатли ислохотлар йили. – Т.: “Адолат”, 2017.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотик, майда ҳунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017 йилнинг январ–декабрида 38,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122 % га кўпдир. Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида жами ташкил этилган субъектларнинг 27 %, савдо соҳасида 21 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 13 % ва қурилишда 10 % ташкил этилган<sup>14</sup>.

2018 йил 1 январ ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) 229666 тани ташкил этди.

Жорий йилда ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони 12,2 бирликни ташкил этади ёки ўтган йилга нисбатан 107,0 % га тенг.

Ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларига тўғри келади.

2017 йилнинг январ-декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 53,3 % ни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январ-декабрида 3,1% га кам эканини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотик, майда ҳунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

## 2.1.-жадвал

### 2017 йил январ-декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши (% да)<sup>15</sup>

	Саноат	Хизматлар	Қурилиш	Бандлик
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>39,6</b>	<b>58,4</b>	<b>65,1</b>	<b>78,3</b>
Қорақалпоғистон Республика	18,0	61,3	79,2	75,2
Андижон	34,4	73,7	94,3	84,5
Бухоро	43,4	74,9	67,8	78,5

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2018

<sup>15</sup> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тегишли давр учун ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жиззах	61,3	74,2	91,3	82,0
Қашқадарё	23,1	71,9	76,8	80,0
Навоий	18,8	67,3	75,4	60,3
Наманган	68,4	73,7	93,9	83,4
Самарқанд	55,5	76,5	92,3	84,5
Сурхондарё	45,8	76,3	97,4	81,1
Сирдарё	44,9	66,4	91,4	79,5
Тошкент	29,6	76,2	97,2	77,0
Фарғона	41,4	75,9	89,0	80,5
Хоразм	40,6	71,4	87,2	82,9
Тошкент ш.	71,3	51,1	66,8	56,8

2017 йилнинг январ–декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми жами sanoat ишлаб чиқаришининг 39,6 %ини ташкил этади ва қиймати 57 095,6 млрд. сўми ёки 2016 йилнинг январ–декабрига нисбатан ўсиш суръати 102,1 %ни ташкил қилди. Умумий инвестициялар ҳажмининг 32,0 %и 19 407,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январ–декабрига нисбатан ўсиш суръати 95,5 %ни ташкил қилди;

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 65,1 % қисми 22 173,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди ва 2016 йилнинг январ–декабрига нисбатан ўсиш суръати 103,2 % ни ташкил қилди. 68 161,9 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 58,4 %), 2016 йилнинг январ–декабрига нисбатан ўсиш суръати 99,9 % ни ташкил қилди. Чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,4% ёки 93 508,0 млрд. сўми (ўсиш суръати 1,1 % ни ташкил қилди) шакллантирилди.

Автомобиль транспорти юк айланмасининг 5,3 %га (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 77,9 %и) кўпайиши таъминланди, шунингдек, йўловчи айланмасининг эса 3,1 % га (умумий йўловчи айланмасининг 94,8 % ) кўпайиши таъминланди.


10 587,7 минг нафар кишининг ёки жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,3 % бандлиги таъминланди (ўсиш суръати 1,8 %);

Экспорт фаолиятида 3 763,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 27,0 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2016 йилга нисбатан 624,4 млн. АҚШ долларига ёки 19,9 % га кўп;

Товар ва хизматлар экспорт қилувчи кичик корхоналар ва микрофирмалар сонининг кўпайиши, экспорт ҳажмининг ошишига имконият яратди. 2016 йил билан солиштирилганда уларнинг сони 1310 тага кўпайиб, асосан sanoat (733), савдо (329), қишлоқ хўжалиги (162) корхоналаридир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз миллий иқтисодиётини модернизация қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим роль ўйнашини қуйидаги маълумотлар далолат беради.

## 2.2– расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий иқтисодий фаолият турларидаги улуши (% да)



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши экспортда – 27,0 % ни ташкил этган бўлса, 2016 йилнинг январ-декабрида 26,0 % ташкил этган, саноатда – 39,6 % ни ташкил этмоқда, бу эса ўтган йилги кўрсаткичда 45,3% ташкил этган эди, хизматлар соҳасида – 58,4 % ни ўтган йилда эса 61,4 %, қурилишда – 65,1 % ни ўтган давр учун 66,9 % ва бандликда – 78,3 % ни яъни ўтган йилги кўрсаткични ташкил этди.

Юқорида амалга оширилган тадқиқот ва таҳлил натижаларига асосланиб шундай хулосага келишимиз мумкин: республикамизнинг жаҳон хўжалик тизимига қўшилиши учун етарли даражадаги табиий, иқтисодий, сиёсий, интеллектуал ва инфраструктуравий салоҳиятга эга.

Умумий экспортда хизматлар экспортининг улуши 25,2 % ни ташкил этиб, шундан 11,6 % транспорт хизматларига, 11,4 % эса туризм хизматлари хиссасига тўғри келмоқда.

Экспорт таркибида бошқа товарлар гуруҳи 35,7 % улуш билан муайян ўринга эга бўлиб, бунда ушбу гуруҳга кирувчи текстил маҳсулотларининг ҳажми 1133,2 млн. АҚШ долларни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,8 % га ўсди.

Умумий экспортда хизматлар экспортининг улуши 25,2 % ни ташкил этиб, шундан 11,6 % транспорт хизматларига, 11,4 % эса туризм хизматлари хиссасига тўғри келмоқда.

Импорт таркибининг асосий улуши 39,8 % билан машина ва асбоб-ускуналар гуруҳи ва 16,5 % билан кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар гуруҳи хиссасига тўғри келмоқда.

Аммо мавжуд имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш натижасида республикамизнинг куч ва қудратини, иқтисодий салоҳиятини ошириш, халқаро


меҳнат тақсимоотида ўз ўрнини эгаллашида иқтисодийнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларнинг ассортименти, ҳажмини кенгайтириш каби муоммолар бугунги кунда ҳам ечилиши шарт бўлган вазифалардан ҳисобланади (2.2-жадвал).

## 2.2.-жадвал

### 2017 йил январ-декабр ҳолатига МДҲ ва бошқа давлатлар бўйича экспорт ва импорт таркиби<sup>16</sup>

	<i>МДҲ давлатлари</i>		<i>бошқа давлатлар</i>	
	<i>млн. АҚШ доллари</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>	<i>млн. АҚШ доллари</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
<b>Экспорт</b>	<b>5233,5</b>	<b>37,7</b>	<b>8660,1</b>	<b>62,3</b>
пахта толаси	9,8	2,1	497,3	97,9
озиқ-овқат маҳсулотлари	556,8	63,6	319,0	36,4
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	345,1	39,1	538,1	60,9
энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	907,8	47,3	1012,2	52,7
қора ва рангли металлар	142,6	15,5	774,9	84,5
машина ва асбоб-ускуналар	234,2	66,3	119,1	33,7
хизматлар	2257,3	64,4	1248,4	35,6
бошқалар	779,9	15,7	4181,1	84,3
<b>Импорт</b>	<b>4504,2</b>	<b>34,6</b>	<b>8509,2</b>	<b>65,4</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	661,7	51,9	612,2	48,1
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	391,4	18,2	1756,9	81,8
энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	715,3	96,4	26,8	3,6
қора ва рангли металлар	835,6	65,5	439,4	34,5
машина ва асбоб-ускуналар	658,5	13,0	4399,3	87,0
хизматлар	389,3	39,8	588,9	60,2
бошқалар	852,4	55,4	685,7	44,6

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2018



### 2.3-расм. Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда (ташқи айлана 2017 йил, ички айлана 2016 йил учун)<sup>17</sup>

2017 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 3461,6 млн.АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган бўлиб, республика умумий экспортидаги салмоғи 26,9%ни ташкил этди (2016 йилда 26%). Хусусий секторнинг экспортдаги улуши эса

3,3%га тенг бўлди. Ушбу даврда кичик бизнеснинг умумий импорт ҳажми 5524,8 млн.АҚШ долларга етди. Республика умумий импортида кичик бизнеснинг улуши 44,5%ни (2016 йилда 41,3%), хусусий секторнинг улуши эса 8,8%ни ташкил этди.

Ташқи савдо фаолиятининг самарадорлигини ошириш – ушбу соҳадаги бошқарувни такомиллаштириш, энг аввало, саноат йўналишидаги субъектларини бошқариш ва иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Кичик бизнеснинг яна бир жуда муҳим хусусияти унинг ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётган асос бўлиб хизмат қилишидир. Ўрта синф эса, маълумки, ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб ҳисобланади.


Экспортни рағбатлантиришнинг иқтисодий чоралари кредит бериш, суғурта, давлат кафолати беришларни ўз ичига олади. Шунинг таъкидлаш керакки бу чоралар аввало экспортни энг яхши жаҳон намуналари даражасидаги, юқори ишлов берилган товарлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг рағбатлантиришга қаратилади. (2.3-расм)

Кичик бизнес субъектларини молиявий таъминоти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2018

2017 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 3461,6 млн.АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган бўлиб, республика умумий экспортидаги салмоғи 26,9%ни ташкил этди (2014 йилда 26%). Хусусий секторнинг экспортдаги улуши эса 3,3%га тенг бўлди. Ушбу даврда кичик бизнеснинг умумий импорт ҳажми 5524,8 млн.АҚШ долларга етди. Республика умумий импортида кичик бизнеснинг улуши 44,5%ни (2016 йилда 41,3%), хусусий секторнинг улуши эса 8,8%ни ташкил этди (9-расм).

Хусусан: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди, имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2017 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинган эди.



#### 2.4.-расм. Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фойзда (ташқи айлана 2017 йил, ички айлана 2016 йил учун)<sup>18</sup>

Ушбу амалга оширилган ислохотлар натижасида бугунги кунда экспорт таркибининг қарийб 78% қисмини қайта ишлаш тармоғи маҳсулотлари ташкил этмоқда.

Жумладан, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортининг улуши 28.5 %дан 34.5%гача ортди, электр маиший техника 2.4 баробарга, автомобил экспорти 3 баробарга, тўқимачилик маҳсулотлари 1.3 Баробарга ва чарм-пойабзал маҳсулотлари экспорти 14.2%га ўсди.<sup>19</sup>

Бугунги кунда экспорт таркибининг қарийб 78 % қисмини қайта ишлаш тармоғи маҳсулотлари ташкил этмоқда.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Тошкент 2018

<sup>19</sup> 2017 йил – шиддатли ислохотлар йили. Т.: “Адолат”, 2017.

Жумладан, юқори кўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортининг улуши 28.5 %дан 34.5%гача ортд, электр маиший техника 2.4 баробарга, автомобил экспорти 3 баробарга, тўқимачилик маҳсулотлари 1.3 Баробарга ва чарм-пойабзал маҳсулотлари экспорти 14.2%га ўсди.<sup>20</sup>

Маълумотларга кўра, банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йилда 12,1 трлн. сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 1,3 баробарга, ажратилган микрокредитлар эса 2,5 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам 2016 йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсди.

## **2.2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Ҳар қандай миллий давлат жамият тараққиёти билан бирга равнақ топади. Шунинг учун ҳам давлат ва жамият қурилиши - яхлит кечадиган жараён. Мустақилликнинг ўтган 26 йили, аввало, давлат ва жамият қурилишини тубдан ислоҳ қилиш орқали кечди. Бу борада ҳам миллий анъаналаримизга таяниб, ҳам халқаро тажрибаларга суянган ҳолда иш тутдик. Бошқача айтганда, истиқлол тарихига биринчи галда давлат ва жамият қурилиши нуқтаи назаридан қараб баҳо беришимиз зарур. Шу йилнинг 27 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Бу йилги байрам “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури асосида амалга оширилмоқда. Қарорда ушбу Дастурни 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида бу бешта устувор йўналишнинг биринчиси қуйидагича баён этилган: “Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий - ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар тузилган эди.

<sup>20</sup> 2017 йил – шиддатли ислохотлар йили. Т.: “Адолат”, 2017.

**ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 77 БАНДДАН ИБОРАТ  
III УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА  
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР**

**40 МЛРД. ДОЛЛАРГА** тенг бўлган  
**649 ТА** инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш

**“TALGO-250”** русумидаги 2 та юқори тезликдаги **ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДИ** сотиб олиш лойиҳасини амалга ошириш

Пахта экин майдонларини **49 МИНГ ГЕКТАРГА** ва ғалла майдонларини **10 МИНГ ГЕКТАРГА** қисқартириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (**БИЗНЕС-ОМБУДСМАН**)ни ташкил этиш

Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Олмазор туманларида кичик бизнеснинг **ИННОВАЦИОН ТЕХНОПАРКЛАРИНИ** ташкил этиш

Кўмир қазиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига кўмир қазиб олишни йилга **7,8 МЛН. ТОННАГА** ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш

Республика ҳудудларида **2300 КМ** оптик толали алоқа линияларини қуриш, мобил алоқа операторларининг **1843 ТА** база станцияларини ўрнатиш, **66 ТА** юқори қувватли ва **328 ТА** кам қувватли рақамли телевидение узаткичларини ўрнатиш ва ишга тушириш

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мевасабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш **ҲАЖМЛАРИНИ ОШИРИШ**

Фойдаланилмаётган давлат мулк объектларини, жумладан, «**НОЛЬ**» **ХАРИД ҚИЙМАТИ** бўйича сотиш жараёнларини янада соддалаштириш

Doing Business

Жаҳон банкнинг **“Doing Business”** халқаро рейтингда республикамизнинг ўрнини яқинлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 февралдаги Фармойиши билан Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларнинг экспертлик ва жамоатчилик муҳокамасини самарали ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларни мукамал амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтларини, экспертлар ва олимларни мамлакатимизни демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнларига фаол жалб этиш мақсадида пойтахтимизда Тараққиёт стратегияси маркази ташкил этилди.

Мустақил давлатчилигимиз тарихида илгари ҳеч қачон ҳуқуқий базани мустаҳкамлашда бундай жадаллик юз бермаган эди. Бу мамлакатимизда ислоҳотларни мисли кўрилмаган даражада чуқурлаштириш жараёни бошланганидан далолат беради. Фармойишда беш устувор йўналиш бўйича қилинган ишлар қисқача санаб ўтилди. Жумладан, биринчи устувор йўналиш бўйича ўзгаришлар ҳам қайд этилди: “Хусусан, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида замонавий талаблар ҳамда устувор йўналишларни инобатга олган ҳолда 16 та вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тузилмаси, вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилди, 20 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар қайта ташкил этилди”.<sup>21</sup>

## 2.5-жадвал.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 15 август.

**Макроиктисодий кўрсаткичлар 2017 йил январь-сентябрь<sup>22</sup>**

	<i>Млрд.сўм</i>	<b>2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</b>
<b>Ялпи ички маҳсулот</b>	170 074,8	105,3
<b>Истеъмол нархлари индекси (2016 йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда)</b>	x	107,8
<b>Саноат маҳсулоти</b>	99 060,5	105,6
<b>Истеъмол товарлари</b>	41 139,3	105,0
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари</b>	46 194,3	103,5
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	39 536,1	101,0
<b>Қурилиш ишлари</b>	25 176,2	105,3
<b>Юк айланмаси (млн. тн-км)</b>	65 568,2	102,8
<b>Йўловчи айланмаси (млн. пасс.-км)</b>	83 288,5	104,9
<b>Чакана савдо товар айланмаси</b>	76 358,1	104,3
<b>Хизматлар, жами</b>	77 250,8	106,9
<b>Ташқи савдо айланмаси, (млн.АҚШ.долл)<sup>23</sup></b>	19 951,5	116,7
<b>Экспорт</b>	10 359,6	125,6
<b>Импорт</b>	9 591,9	108,4
<b>Сальдо (+,-)</b>	767,7	x


Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 170 074,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,3 фоизни ташкил этди.

Баланс усули детерминистик аддитив омилли моделларни тузишда ҳам қўлланиши мумкин. Масалан товар балансини олсак, ундаги кўрсаткичларни ўзаро боғланишидан фойдаланиб унинг айрим кўрсаткичини аниқлаш ва унинг ўзгаришига бошқаларини таъсирини аниқлаш мумкин. Агар товар балансини кўйидаги кўринишда ифодаласак:

$$O_n + П = P + B + O_k$$

бу ерда,  $O_n$  - давр бошига товарлар қолдиғи;

$П$  - келтирилган товарлар;

$P$  - сотилган товарлар;

$B$  - товар харажатларининг бошқа манбалари (сотишдан ташқари);

$O_k$  - давр охирига товарлар қолдиғи.

Товар баланси элементларини ўзаро боғланишларидан фойдаланиб унинг айрим элементи (ўрганилаётган ёки натижавий деб қаралаётган кўрсаткич) ни аниқлаш мумкин. Масалан ушбу кўрсаткичлардан биронтаси, айтайлик сотилган товарлар ҳажми номаълум бўлса, у ҳолда товар баланси элементларини ўзаро боғланишидан фойдаланиб, унинг ҳажмини ҳисоблаш мумкин:

$$P = O_n + П - B - O_k$$

Ўрганилаётган кўрсаткич (бизни мисолимизда сотилган товарлар ҳажми) ни ўзгаришига бошқа омиллар ўзгаришини таъсирини, уларни ўзаро боғланишидан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин:

$$\Delta P = \Delta O_n + \Delta П - \Delta B - \Delta O_k$$

Бази ҳолларда баланс усули айрим омилларни натижавий кўрсаткични қўшимча ўсишига таъсирини аниқлашда ҳам фойдаланади. Масалан учта омилдан иккитасини таъсири маълум бўлса, у ҳолда учунчисини топиш мумкин:

Ва ниҳоят, баланс методига асосланиб, таҳлилнинг омилли таҳлил ўтказиш усулларида бири пропорционал тақсимлаш ёки иштрок этиш улуши усули ишлаб чиқилган.

$$\Delta Y_c = \Delta Y_{\text{умум}} - \Delta Y_a + \Delta Y_b$$

Бу усул фирманинг маркетинг фаолиятини таҳлил қилишда жуда муҳим ҳисобланади, жумладан: истеъмолчиларга жўнатилган товарлар, потенциал истеъмолчилар, ишлаб чиқариш ҳажми ва сотиш ҳажми ўртасидаги мувозанат, тушумлар ва харажатларни бошқариш, реклама тадбирларига сарфланадиган маблағлар ва улардан келаётган иқтисодий мамара миқдори ва бошқалар.

*Сизнинг энг асосий ўрганишингиз лозим бўлган манбангиз – бу омадсиз мижозларингиздир.*

*Билл Гейтс.*

#### **4-МАВЗУ. БИЗНЕСДА РАҚОБАТ УСТУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ**

- 4.1. Бизнесда рақобат устунлиги, рақобат устунлигига эришиш йўллари.
- 4.2. Бизнес юритиш муҳити ва бизнес муҳити кўрсаткичлари.
- 4.3. Бизнеснинг жозибadorлигини аниқлаш.
- 4.4. Рақобат устунликлари концепцияси.
- 4.5. Бизнеснинг глобаллашуви натижасида халқаро рақобат тузулмаси.
- 4.6. Харажатларни тежаш орқали етакчилик стратегияси.
- 4.7. Дифференциация стратегиясининг мақсади.

##### **4.1. Бизнесда рақобат устунлиги, рақобат устунлигига эришиш йўллари**

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги турли шаклларда ва даражаларда намоён бўлади. Булар:

- мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги;
- мамлакат корхоналарининг (фирмаларининг) рақобатбардошлиги;
- мамлакт иқтисодиёти тармоқларининг рақобатбардошлиги;
- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги;
- мамлакатнинг рақобатбардошлиги.

Айрим мутахассислар рақобатбардошликнинг келтирилган охириги икки шаклини бирлаштириб таърифлайдилар, ҳамда бу таснифга ходимларнинг рақобатбардошлигини ҳам қўшадилар.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги унинг сифати ва нархига кўра шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатбардошлиги эса турдош, рақобатлашувчи корхоналарга нисбатан бир хил ёки ўрнини босувчи маҳсулотларни истеъмол характеристикалари бўйича сифатли ва пастроқ нархларда ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имконияти билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобат устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси;
- 2) макроиқтисодий бизнес муҳитнинг сифати<sup>38</sup>.

Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари маърузаларида фирмалар даражасидаги рақобатбардошлик тўртта асосий омил билан боғланади:

-ресурслар (мамлакатда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун ресурсларнинг мавжудлиги, ҳажми ва сифати);

-ташқи рақобат;

-талаб;

-тармоқлараро алоқалар.

Худди шундай таърифни кенгайтирилган ҳолда тармоқларнинг рақобатбардошлигига ҳам берса бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги – ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги масаласи доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Ушбу масаладаги замонавий назарияларнинг кўпига асос бўлган фикрлар М.Портернинг изланишларида ёритилган.

М.Портер мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги унинг ресурслар билан яхши таъминланганлигигагина боғлиқ эмаслигини, рақобат устунлигини шакллантириш, таъминлаб туриш мумкинлигини кўрсатиб берди ва унга мамлакат фирмаларининг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали эришилади деган фикрни илгари сурди.

Рақобатбардошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига кўра мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликлари “миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат.

Қуйида “Миллий ромб”ни ташкил этувчи унсурларга қисқача тавсиф берамиз.

1. Меҳнат, материал, билим, пул, инфратузилма ресурслари билан таъминланганлик мамлакатнинг рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ресурсларнинг баъзилари олдиндан мавжуд бўлса, айримлари яратилади ва ривожлантирилади.

2. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг ҳажми, таркиби ва уларнинг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу маҳсулотларга талаб ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширади ва аксинча.

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси: Р.О.Алимов, А.Ф.Расулев, А.М. Қодиров ва бошқ. –Т.:Konsauditinform-Nashr. 2006,14-б.



**4.1-расм. Мамлактнинг рақобат жиҳатдан усунлигини ташкил этувчи унсурлар (М.Портернинг рақобат устунликлари ромби).**

3. Рақобатбардош ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, янгиликларни жорий қилишга қўмаклашиш имконини беради. Минглаб бутловчи қисмларни талаб этувчи автомобилларни ишлаб чиқаришда рақобатбардош бўлиш шу қисмларнинг аксариятини мамлакатда ишлаб чиқарилишини йўлга қўймасдан мумкин бўлмаганидек, кимёвий толалар, тугмалар ва сифатли бўёқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакатда мавжуд бўлмаса, биргина пахта хомашёсининг мўл-кўллиги кўйлак ишлаб чиқаришда рақобатбардошликни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

4. Фирмани бошқаришда рақобатнинг хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда турлича стратегиялар ва мақсадлар ишлаб чиқилади. Ички бозорда кескин рақобатнинг мавжудлиги фирмаларни ўз фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташқи бозорларга чиқишга ундайди. Кучли ички рақобат муҳитида тобланган фирмалар ташқи бозорларда ҳам осонроқ муваффақиятга эришади. Шу сабабли, ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополлашувга қарши курашиш каби чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тўртала унсурга ҳукуматнинг фаолияти ва тасодифий ҳолатлар таъсир кўрсатади. Тасодифлар жумласига мамлакатни ривожлантиришнинг умумий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлмаган, юзага келишига фирма ҳам, давлат ҳам таъсир кўрсата олмайдиган ҳодисалар киради. Уларга ихтирочилик, йирик технологик ютуқлар, ресурслар нархининг кескин кўтарилиши, жаҳон молиявий бозорлари конъюктураси ваалмашинув курсларининг кескин ўзгариши, ташқи талабнинг кескин ўзгариши, чет эл ҳукуматларининг сиёсий қарорлари, урушлар ва табиий офатларни киритиш мумкин.

Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги ва диверсификациялашганлиги, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ деб хулоса қилиш мумкин.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги тушунчаси билан бир қаторда мамлакатнинг рақобатбардошлиги атамаси ҳам қўлланилмоқда. IMD (Лозаннадаги Менежментни ривожлантиш институти) томонидан берилган таърифга кўра мамлакатнинг рақобатбардошлилиги- миллатнинг рақобатбардош бизнес юзага келадиган муҳитни яратиш ва таъминлаб туришига қодирлигидир.

Менежментни ривожлантириш институти берган ушбу таъриф кенг қамровли бўлиб, унда далаатнинг рақобатбардошликни таъминлашдаги роли катталиги ва фаол бўлиши зарурлиги ўз аксини топган. Чунки сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, фаол монетар ва фискал сиёсат олиб бориш, иқтисодиёт ва молия соҳасини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, уни модернизациялаш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, таълим соҳасини ислох қилиш рақобатбардош бизнес юзага келишининг ҳал қилувчи омилларидир.

“Замонавий рақобат курашида сўз, биринчи навбатда, ресурслар, моддий бойликларга эгалик тўғрисида эмас, балки янгиликларни жорий эта олиш қобилияти тўғрисида боради”.<sup>39</sup>

Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий технологик ускуналар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг илғор усуллари амалиётга киритиш, янги бозорларга кириб бориш орқалигина глобал ўзгаришлар шароитида рақобатбардошликни таъминлаб туриш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда бу борадаги чора-тадбирлар кўламини узлуксиз тарзда кенгайтириш зарур эканлигини қайд этишииз зарур.

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатбардошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндошиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал жорий қилиш орқали жаҳон ҳўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.

Сифати ва нархи бўйича жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва янги маҳсулотлар турларини

---

<sup>39</sup> Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎЗР ФАИқтисодиёт институти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида, - Т.:KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. 6-б.

Ўзлаштиришга катта миқдордаги инвестицияларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш орқалигина эришилади.

Бозор иқтисодиёти ўзининг етуклик даражаси ва ривожланиш хусусиятларидан қатъий назар рақобатнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти ривожланиб бориши билан рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб, ўз шаклларини ўзгартириб боради.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, “Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат - бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир” - деб ёзадилар<sup>40</sup>. Бу муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларни ёритиб бериш мазкур бобнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар ҳўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожлантириш усули ҳисобланади. Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш, унга турли томондан ёндошишни талаб қилади. Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат, товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нарҳда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашадилар. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-оқибатда истеъмолчилар учун курашдир.

Ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат, ўзларининг иқтисодий ресурсларини (капитал, ер, ишчи кучи) юкори баҳоларда сотиш учун боради. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатларини ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда ёркин намоён бўлади.

Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради, улар товарларни қулай ва арзон баҳоларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига купроқ нафлиликка эга бўлишга ҳаракат қилади. Арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олиш учун курашади.

Шундай қилиб рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

## **4.2. Бизнес юритиш муҳити ва бизнес муҳити кўрсаткичлари**

Ўзбекистон Жаҳон банки Гуруҳининг тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича “Бизнес юритиш-2018” («Doing Business» 2018) рейтингида учинчи бор дунёнинг етакчи Ўнга давлати қаторидан Ўрин олди. Жорий йилги мавзуси “Иш ўринларини яратиш учун ислохотлар қилиш” бўлган янги ҳисоботда Ўзбекистон Ўтган йилги 87-Ўриндан 13 поғона юқорилаб, 74-Ўринни банд этди.

Рейтинг тузувчилари мамлакат рейтингини яхшилашга хизмат қилувчи бизнес соҳасидаги бешта ислохотни қайд этади. Бизнесни рўйхатга олиш, қурилиш учун рухсатнома олиш, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш, солиққа тортиш ва электр таъминоти тизимидаги уланиш соҳаларидаги Ўзгаришларни баҳолайди.

---

<sup>40</sup> Каримов И.А. Банк тизими пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: «Ўзбекистон» 2005 йил. 211 – бет.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш учун янги платформа ишга туширилиши туфайли бизнесни бошлаш осонлашди, бунда жараёнлар 4 тадан 3 тага камайтирилди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон глобал рейтингда 11-ўринни эгаллайди.

15 йил муқаддам янги бизнесни рўйхатга олиш 10 та жараён, 28 кун ва аҳоли жон бошига даромаднинг 14 фоизини (у 2220 АҚШ долларига баҳоланади) талаб қилган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 3 та жараён, 5 кун ва аҳоли жон бошига даромаднинг 3 фоизини ташкил этмоқда.


Айни пайтда Ўзбекистон рейтингда халқаро савдо индикатори ва қурилишга рухсат олиш мезонларида ортда қолмоқда. Жорий йилдаги рухсат олишни енгилаштиришга йўналтирилган ислохотларга қарамадан, бу жараён ҳамон 17 та жараён ва 246 кунни талаб қилмоқда.

Yillar	2015	2016	2017	2018
Umumiy reyting	103	82	87	74
Biznesni boshlash(ro'yhatdan o'tish)	25	11		
Qurilishga ruxsatnoma olish	147	135		
Elektr tarmog'iga ulanish	83	27		
Mol-mulkni ro'yhatga olish	75	73		
Kredit olish	44	55		
Minoritar investorlar huquqlari himoyasi	70	62		
Soliq tizimi	138	78		
Tashqi savdo	165	168		
Shartnomalarning bajarilishi	38	39		
To'lov qobiliyati darajasi	77	87		

#### 4.1-расм. Ўзбекистоннинг «Doing Business» 2018 йилдаги кўрсаткичлари<sup>41</sup>

Таъкидлаб ўтиш керакки, сўнги йилларда бизнесни ташкил этиш тартиб-таомилларини тубдан соддалаштириш бўйича олиб борилаётган тизимли ислохотлар натижасида бугун Ўзбекистонда одамлар ўз бизнесини очиш учун Швейцариядагидан 1,8 марта, Германиядагидан - 1,9 марта, Япония ва Россиядагидан - 2 марта, Исроилдагидан - 2,2 марта, Греция ва Испаниядагидан - 2,3 марта, Ҳиндистондагидан - 4,7 марта, Хитойдагидан - 5,5 марта ва Бразилиядагидан 14,5 марта кам вақт сарфламоқда.

<sup>41</sup> Jahon banki ma'lumotlari asosida tuzildi.



**4.2-расм. Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатларнинг  
«Doing Business» 2018 йилдаги кўрсаткичлари<sup>42</sup>**

Рейтингдаги яна бир муҳим яхши кўрсаткич электр тармоғига уланиш йўналиши бўйича қайд этилди (83-ўрин, 29 поғона юқори), бу электр энергиясини етказиб бериш барқарорлигининг ўсиши ва электр энергиясига бўлган тарифларни шакллантиришнинг очиқ-ошкоралиги билан боғлиқдир. Замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш, аксиядорлар ҳуқуқлари ва ролини ошириш бўйича кенг қўламли ислохотлар “Миноритар инвесторларни ҳимоялаш” кўрсаткичи бўйича мамлакатимиз рейтингининг сезиларли даражада яхшиланишига ҳисса қўшди (70-ўрин, 18 поғонага ўсиш). Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги ахборотларнинг ошкоралик даражасини ошириш ва аксиядорлик капиталига эгаллик қилиш тизимини янада такомиллаштириш орқали миноритар инвесторлар ҳуқуқларини кучайтиришга қаратилган янги нормалар ва механизмларнинг жорий этилиши ушбу йўналишдаги рейтингнинг яхшиланишига хизмат қилди.

Давлат хизматлари кўрсатишнинг “ягона дарча” тамойилининг жорий этилиши туфайли давлат органларига тадбиркорлик субъектларидан бошқа давлат ташкилотларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва ахборотни, шу жумладан, солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни, шунингдек, таъсис ҳужжатларини, литсензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар нусхаларини талаб қилиш ман этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5-октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт

<sup>42</sup> Жаҳон банки маълумотлари асосида тузилди

олди олинисини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилангани бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Мазкур фармон билан тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурида Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон рейтингини келгусида ҳам ошириб бориш имконини берувчи бизнес юритиш шарт-шароитларни янада соддалаштириш ва арзонлаштириш, рухсат бериш тартибларидан ўтиш тизимини такомиллаштириш ва давлат хизматлари кўрсатишнинг очиқлигини оширишга йўналтирилган муайян чора-тадбирлар назарда тутилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3852 –сон Қарори қабул қилинди.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг кўлами ва самарадорлиги нафақат мамлакатимиздаги инвестицион фаолликнинг ортиши билан, балки нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари томонидан берилаётган муносиб баҳо билан ҳам ўз исботини топмоқда.

Хусусан, сўнгги 5 йил давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтинги 2 барабардан ортиқ яхшиланиб, мамлакатимиз жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилди. Бундан ташқари, сўнгги ҳисоботда мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислоҳотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитлар халқаро нормалар ва стандартлар талабларига ҳанузгача тўлиқ жавоб бермайди. Айрим давлат органлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида эълон қилинган ислоҳотларнинг амалдаги ижросини етарли даражада таъминламаяпти.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фаолиятининг аниқ мувофиқлаштириб борилмаслиги, шунингдек, улар раҳбарлари жавобгарлигининг паст даражадалиги сабабли айрим соҳаларда бизнес юритиш шароитларини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалиётда рўёбга чиқариш устувор вазифалар ва ислоҳотларнинг ўзаро боғлиқ йўналишларини эътиборга олмасдан амалга оширилмоқда ҳамда барча ҳолларда ҳам кутилган самарани бермаяпти.

Энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамжамиятда мамлакатнинг ижобий қиёфасини шакллантириш, ҳудудларда бизнес юритиш шароитларини яхшилаш юзасидан яқуний натижаларга эришиш учун ваколатли органлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

Белгилаб қўйилдики:

инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг стратегик мақсади – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботидаги (кейинги ўринларда “Бизнес юритиш” ҳисоботи деб юритилади) **жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги** даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратишдир;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги “Бизнес юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда бу йўналишда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Қуйидагилар:

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;

ислохотларни сифатли амалга ошириш ҳамда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхати тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботидаги Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва лозим даражада бажариш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни;

“Бизнес юритиш” ҳисоботидаги Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада ошириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро амалий ҳамкорликни;

Жаҳон банки гуруҳи экспертлари ва “Бизнес юритиш” жамоаси билан Ўзбекистон Республикасининг ўрнини асослаш бўйича музокаралар ўтказиш учун ҳар йили идоралараро ишчи гуруҳни Вашингтон шахрига (АҚШ) юборишни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда

энг муҳим халқаро рейтингларни ва таркибий индикаторларни, уларни шакллантириш методологиясини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индексларда охириги икки йилда эгаллаб турган мавқеини чуқур ўрганишни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда тегишли халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг мавқеини яхшилаш бўйича аниқ таклифлар тайёрлашни таъминласин.

Ушбу қарор асосида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда ҳар йили:

февраль-март ойларида “Бизнес юритиш” ҳисоботини тайёрлаш доирасида Жаҳон банки экспертлари томонидан юбориладиган саволномаларни ўрганилаётган

йўналишларда амалга оширилган ислохотлар ва қонун ҳужжатлари нормаларини инобатга олган ҳолда сифатли ва ўз вақтида тўлдиришни;

15 ноябрга қадар эълон қилинган “Бизнес юритиш” ҳисоботи натижаларини ўрганишни ҳамда у бўйича кейинчалик Жаҳон банки ва “Бизнес юритиш” жамоасига тақдим этиш учун ўрганилаётган ҳар бир йўналиш кесимида асослантилган далиллар ва статистик маълумотлардан иборат шарҳларни тайёрлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичи рейтинг тузиш методологияси талабларига мувофиқлигини баҳолаган ҳолда “Бизнес юритиш” ҳисоботларини танқидий ўрганиб борсин ва ҳар йили 1 декабрга қадар “Бизнес юритиш” ҳисоботида республиканинг алоҳида кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида ишбилармонлик муҳити ва қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ҳамда “Бизнес юритиш” ҳисоботи йўналишлари юзасидан қонун ҳужжатлари талабларининг амалиётга жорий этилишини ҳолисона баҳолаш учун ҳар йили тадбиркорлик субъектлари ўртасида, шу жумладан, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва таклифларини муҳокама қилиш бўйича махсус портал орқали сўровлар ўтказиши белгиланди.

#### **4.4. Рақобат устунликлари концепцияси**

Бошқарув ҳисобининг услубларига рақобат разведкаси ва маркетинг тадқиқотларининг услублари ҳам киритилиши керак. Уларга таяниб, одатий бошқарув ҳисобидан “21 аср ҳисоби”, яъни ҳозирги замон бошқарув ҳисобига ўтиш имконияти яратилади.

Рақобат кучайиб, “мегаконкуренция” даражасига етган ҳозирги шароитда корхоналарда ҳисоб-аналитик ишларини аввалгидек тарқоқ ҳолда ташкил этиш керак эмас. Бундай шароитда турли тарқоқ маълумотларни умумлаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу эҳтиёж қондирилмас экан, корхона менежменти ва мулк эгаларига масъулиятли бошқарув қарорлари қабул қилиш соҳасида тўғри йўл кўрсатиш ўрнига улар тесқари йўл кўрсатадиган ҳисоб-аналитик маълумотлари берилма бошланади. Масалан, эскирган маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни самарали камайтириш ҳақидаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари самарали баҳо рақобатининг имконияти ҳақида маълум бир ижобий тасаввурни туғдириши мумкин бўлса, шу маҳсулотга талабнинг пасайиш тенденцияси ҳақидаги маркетинг тадқиқотларининг маълумотлари эса баҳо рақобатининг самарадорлигини кучли шубҳа остига қўяди. Бундан ташқари, рақобатчилар разведкасини асосий рақибларнинг мўлжали ҳақидаги маълумотлари яқин кунларда улар томонидан бозорга янги маҳсулот чиқарилиши ва натижада корхонанинг эскирган маҳсулоти бозордан сиқиб чиқарилиши мумкинлигини аниқлатади. Ҳозирги кунда қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг самарадорлигини ошириш учун бошқарув ҳисобининг амалиётдаги фаолият доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Мазкур кенгайтириш бошқарув ҳисобининг таркибига ҳозирги кун учун ўта муҳим бўлган ташқи маълумот манбаларини қўшиш ҳисобига бўлиши керак. Бу маълумотлар манбасига, аввало, маркетинг тадқиқотлари ва рақобат разведкаси маълумотларини

қўшиш мумкин. Бунда маркетинг тадқиқотлари ва рақобат разведкаси маълумотлари ҳисоб маълумотларига қўйиладиган талабларга жавоб бермаслигининг унчалик аҳамияти йўқ. Ундан ташқари, бошқарув ҳисобига қўйиладиган ўзига хос талабларга замонавий бошқарув ҳисобига ҳамда у билан чамбарчас боғлиқ бошқарув таҳлили маълумотлари доирасига фирмани қуршаб турган яқин ва узоқда рақобатчилар ҳақидаги маълумотларни киритиш керак. Бунга биринчи навбатда бошқарув соҳасини ахборот таъминотида рақобат разведкаси ва маркетинг тадқиқотлари маълумотларидан комплекс фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда рақобат разведкаси ва таҳлилининг бош мақсади рақобат курашида корхонани ўзига хос рақобатни ютиб чиқишда керак бўладиган ютуқларини ўз вақтида аниқлаш ва улардан тез ҳамда самарали фойдаланиш ҳисобланади. Корхонани бошқарув, ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги барча хатти-ҳаракати унинг асосий рақобатчиларидан бутунлай фарқ қиладиган хусусиятлари (ишлаб чиқарадиган маҳсулоти, кўрсатадиган хизмати)га қаратилиши керак.

Рақобат таҳлилининг ўта муҳимлари қуйидагилардан иборатдир:

- рақобатчиларни бўлажак стратегияси ва режаларини аниқлаш;
- корхонани стратегик ташаббусларига рақобатчилар томонидан бўлиши мумкин бўлган жавоб ҳаракатларини олдиндан аниқлаш;
- рақобатчиларнинг стратегиясини уларнинг ҳақиқий имкониятига қанчалик мос келишини аниқлаш;
- рақобатчиларнинг заиф томонларини аниқлаш ва улардан фирма томонидан фойдаланиш имкониятини баҳолаш.

#### **4.5. Рақобат стратегиясининг асосий вариантлари**

Рақобат стратегияси асосий вариантларнинг 3 хил тури (варианти) мавжуд:

Рақобатнинг асосий беш тамойилига қарши туриш ҳамда соҳанинг бошқа фирмаларига қараганда ижобий кўрсаткичларга эришиш учун муваффақият келтириши муқаррар бўлган учта асосий стратегик ёндашувни ажратиб кўрсатмоқ зарур. Булар:

- Сарф-харажатлар борасида мутлақ етакчилик
- Дифференциация
- Дикқатни жамлаш (Фокусирование)

Камдан кам юз берсада, аммо баъзи ҳолларда фирма биттадан кўп ёндашувни муваффақият билан амалга ошириши мумкин. Юқорида кўрсатилган стратегиянинг асосий вариантлардан ҳар қайсисини амалга ошириш учун, одатда кўпчиликнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий чоралар талаб этилади.

Стратегиянинг асосий вариантлари соҳанинг бошқа вакиллариغا нисбатан бирмунча юқори натижаларга эришишнинг асосий воситаси ҳисобланиб, бир соҳа доирасидаги барча фирмалар учун юқори даражадаги умумий даромадни англаштириши мумкин. Бундай ҳолларда, бошқа соҳалардаги каби стратегияни амалга жорий этиш фақатгина мақбул даромадни қўлга киритишдагина зарур бўлади.

##### **Сарф-харажатлар борасида мутлақ етакчилик**

Тажриба эгри чизиғи шарофати билан 1970 йилларда кенг тарқалган стратегиянинг биринчи варианты айнан сарф-харажатлар борасида соҳада етакчиликка эришишга қаратилган қатор иқтисодий чоралар асосида шу борада

мутлақ етакчиликка эришишдан иборат. Сарф-харажатлар борасида етакчиликка эришиш учун иқтисодий эффектив кўламда ишлаб чиқариш кувватларини яратиш; тажриба тўплаш асосида сарф-харажатларни камайтиришга интилиш, ишлаб-чиқариш ва қўшимча харажатларни қатъий назорат қилиш, мижозлар билан майда операциялар ўтказишдан тийилиш, тадқиқот, илмий ишланмалар, хизмат кўрсатиш, маҳсулотни сотиш тизими реклама ва шунга ўхшаш бошқа соҳаларда чиқимларни камайтириш талаб этилади.

Бунинг ҳаммаси менежмент томонидан сарф-харажатлар устидан назорат кучайтирилишига алоҳида аҳамият қаратиш кераклигини кўрсатади. Рақибларга нисбатан камроқ харажат қилиш бутун стратегиянинг асосий ғояси бўлиши мумкин, аммо маҳсулот сифати ва хизмат кўрсатиш савиясини ва бошқа соҳаларни ҳам кўздан кочирмаслик даркор.

Чиқим харажатларини камайтиришга эришиш кучли рақобат муҳитида ҳам фирмага шубҳасиз фойда олиб келади. Фирмининг ана шундай даражага эришиши уни рақиб фирмалардан ҳимоя қилади, чунки рақиб компанияларга бундай даражага етишиш имкониятидан маҳрум бўлган шароитда ҳам унга даромад олиш учун қулай имконият яратилади.

Сарф-харажатларни камайтиришга эришган фирмалар йирик харидорлардан ҳам ҳимоялана олади, чунки бундай харидорлар нархларни фаолияти сустлашган рақиб фирмалар нархларига тенглаштиришга уринадилар. Шунингдек, камчиқимлилик киритилаётган ресурсларнинг нархини оширишда фирмага қўл келади ҳамда йирик етказиб берувчи ташкилотлардан ҳам ҳимоя қилади. Паст даражадаги сарф-харажатлар позициясини таъминловчи факторлар, шунингдек, масштабга оид иқтисодийёт ёки сарф-харажатларга оид устунликка билан боғлиқ юқори монеликни юзага келтириши мумкин. Натижада, паст даражадаги сарф-харажатлар позицияси фирма учун рақибларга қараганда субститутларга нисбатан қулай шарт-шароитни яратади.

Шундай аснода, сарф-харажатларнинг паст кўрсаткичи компанияни барча беш рақобат кучларидан сақлаб қолади, чунки бозорга оид факторлар даромадни пасайтиришда то рақибнинг даромади нолга тенг бўлиб қолмагунга қадар ҳаракат қилишда давом этадилар.

Паст сарф-харажатларга эришиш учун бозорда юқори улушга эга бўлиш ёки бошқа устунликка, масалан, хом-ашё материалларини тўғридан-тўғри олиш имкониятига эга бўлишни талаб этади.

Шунингдек, бундай вазият ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштириш учун маҳсулотни айнан ўзини ўзгартириш, чиқим харажатларини ёйиб ташлаш мақсадида ўхшаш турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотикни кенгайтиришда кенг исътемоличилар гуруҳига хизмат кўрсатишни тақазо қилиши мумкин. Паст сарф-харажатларга эришиш, ўз навбатида янги ускуналар учун олдиндан йирик хажмда маблағлар киритилишини, агрессив тарзда маҳсулотлар баҳосини белгилашни, бозорда ўз улушига эга бўлиш учун бошланғич зиён ёки зарар кўришни ҳам талаб этиши мумкин.

Бозор улушининг юқорилиги таъминот соҳасида иқтисод қилиш ва шу билан бир қаторда сарф-харажатларнинг секин-аста пасайишига имкон туғдириши мумкин. Агар паст даражадаги сарф-харажатларга эришилган бўлса, у ҳолда у юқори соф даромад кўрсаткичини таъминлайди ва сарф-харажатларга оид устунликни ушлаб туриш учун янги замонавий ускуналарга нисбатан қайта инвестициялаш

мумкинлигини кўрсатади. Қайта инвестициялаш паст даражадаги сарф-харажатлар позициясини сақлаб туришда қўл келиши мумкин.

Сарф-харажатларга оид устунликка эришиш стратегияси кам қувватли бензин двигателлари ишлаб чиқарувчи ва дунё бўйича ушбу соҳада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 50 фоизини ташкил этувчи «Briggs and Stratton» ва электр пайванди учун ускуналар ишлаб чиқарувчи «Lincoln Electric» компаниялари учун ҳал қилувчи омил эканлиги аниқланди. Ушбу стратегияни муваффақиятли жорий этган компаниялар қаторига Emerson Electric, Texas Instruments, Black and Decker ва Du Pont компанияларини киритиш мумкин.

Баъзи ҳолларда сарф-харажатлар соҳада ҳақиқий туб ўзгаришларни содир этишга қодир бўлади. Бундай ҳолларда анъанавий рақиблик принципларига таянган рақиблар ҳам иқтисодий ҳам руҳий жиҳатдан ўз сарф-харажатларини камайтиришга оид керакли тадбирларни амалга ошишга тайёр бўлмайдилар.

1979 йилда Harnischfeger фирмаси томонидан кўтарма кранлар ишлаб чиқаришнинг бошлаши ана шундай дадил қўйилган қадамлардан бўлди. Фирма мавжуд кранларни қайта ишлаш, алоҳида моделларни қўллаган ҳолда материаллар чиқимини камайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини энгиллаштиришга эришди. Шунингдек, соҳа учун ноодатий технологияларни жорий этган ҳолда фирма фаолиятга йиғиш конвейерлари ва йиғишнинг оралик босқичларини татбиқ қилди. Компания иқтисод қилиш мақсадида керакли эҳтиёт қисмларини катта партияларда сотиб олади. Буларнинг ҳаммаси компания учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг нархларини 15%га пасайтириш имконини яратди.

Натижада компаниянинг бозордаги улуши 25%гача ошди ва ушбу кўрасаткич ўсиши давом этмоқда. Компаниянинг гидравлик ускуналар бошқармаси бошлиғи Уиллис Фишер шундай дейди: «Биз сифатли маҳсулот яратишни эмас, ишлаб чиқаришда янада оддийроқ ва янада арзонроқ техникани ишлаб чиқишни мақсад қилган эдик». Рақиблар эса паст даромад ҳисобига Harnischfeger фирмаси бозордаги улушни қўлга киритган деган тўхтамга келишган, бироқ у буни рад этмоқда.

#### **4.7. Дифференциация стратегиясининг мақсади**

Иккинчи аосий стратегия – бу фирма томонидан тақдим этилаётган маҳсулот ёки хизматлар дифференциацияси стратегиясидир, яъни соҳа доирасида ушбу маҳсулот ёки хизмат ноёб деб қабул қилиниши мумкин бўлган ҳолат. Дифференциация турли ҳил шаклларда амалга оширилиши мумкин: дизайн ёки бренднинг мавқеига мувофиқ (Fieldcrest – сочиқ ва чойшаблар ишлаб чиқариш соҳаси, Mercedes - машинасозлик), технологияга мувофиқ (Hyster - авто юк ташиш мосламалари ишлаб чиқариш, Macintosh – стерео компонентлар соҳаси), функционал имкониятларига мувофиқ (Jenn-Air – электр плиталар ишлаб чиқариш), истеъмолчиларга хизмат кўрсатишга мувофиқ (Crown Cork and Seal – метал идишлар ишлаб чиқариш), дилерлик тармоғига мувофиқ (Caterpillar Tractor – қурилиш техникаси) ва бошқа параметрлар.

Идеал равишда фирма ўз фаолиятини бир нечта йўналишлар бўйича дифференциациялаши (ажратиши) мумкин. Масалан, Caterpillar Tractor компанияси нафақат ўзининг дилерлик тармоқлари ва эҳтиёт қисмлар таъминоти билан, балки маҳсулотининг сифати ва ишончлилиги билан ҳам ном қозонган. Бу жиҳат оғир қурилиш ускуналари ишлаб чиқарилиши жуда қимматга тушадиган соҳа учун жуда муҳим саналади. Таъкидлаш керакки, дифференциация стратегияси сарф-

харажатларни эътибордан қочириш дегани эмас, бироқ ушбу ҳолатда сарф-харажатларга асосий стратегик мақсад сифатида қаралмайди.

Дифференциация рақобат ўйинларидан ҳимоя қилади, чунки у брендга нисбатан истеъмолчиларда содиқлик туйғусини уйғотади ва унинг маҳсулот нархига нисбатан таъсирини пасайтиради. У ўз навбатида соф даромаднинг ўсишига олиб келади, шу билан бирга сарф-харажатларга оид муаммолар кескинлашувини пасайтиради.

Натижада дифференциацияни амалга ошириб, истеъмолчилар ишончини қозонган корхона, рақибларига қараганда субститутларга нисбатан мустаҳкам ўринга эга бўлади.

Дифференциацияни амалга ошириш баъзи бир ҳолларда бозорда юқори ўринни эгаллашда тўсқинликларга учраши мумкин, чунки дифференциация тушунчаси кўпинча маҳсулотнинг эксклюзивлигини тақозо этади, бу ҳолат бозорда юқори улушга эга бўлиш имконини сусайтиради. Бироқ, дифференциация кам сарф-харажатлилиқнинг муқобил позициясини тақдим этади, зеро бундай вазиятга эришиш ўз навбатида зарурий харажатларни талаб этади. Бундай чора-тадбирларга мисол тариқасида катта ҳажмдаги тадқиқот ёки конструкторлик ишларни, юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки мижозлар билан интенсив равишда ишлаш жараёнларини кўрсатишимиз мумкин.

Ҳатто соҳа маҳсулотлари истеъмолчилари бирон бир фирманинг афзалликларини тан олсаларда, уларнинг ҳаммаси ҳам ушбу маҳсулотларни сотиб олишга қодир бўлмайдилар (баланд нарх-наво бўлиши бозор талаби бўлган тақдирда ҳам, мисол учун Caterpillar фирмаси маҳсулотлари). Бошқа жавҳаларда эса, дифференциация сарф-харажатларнинг паст даражаси билан бирмунча мос келиши мумкин ва маҳсулот нархларини белгилашга тўсқинлик қилмайди.

#### **Диққатни жамлаш (Фокусирование)**

Учинчи стратегия – бу алоҳида харидорлар гуруҳига, маҳсулот турига ёки бозорнинг географик сегменти сифатига диққатни жамлашдир. Дифференциация каби диққатни жамлаш ҳам турли хил кўринишларга эга. Бироқ, кам сарф-харажатлилиқ стратегияси ёки дифференциация бутун бир соҳага тегишли бўлса, диққатни жамлаш стратегияси бирор бир тор соҳага қаратилади.

Ушбу стратегиянинг негизида шундай тахмин ётади, яъни кенг миқёсда фаолият олиб бораётган рақибларга қараганда ушбу стратегия ёрдамида фирма катта эффективлик ва маҳсулдорлик билан тор стратегик мақсадга интила олади. Натижада фирма аниқ бир талабни қондириш ҳисобига дифференциацияга ёки ушбу талабларни қондиришда кам харажатлилиқка эришади.

Агарда диққатни жамлаш стратегияси умумий бозорда кам харажатлилиқка ёки дифференциацияга эриша олмаса, тор маънодаги бозорда улардан бирига ёки икковига ҳам эришиши мумкин. 2.1. суратда ушбу уч стратегиянинг ўртасидаги тафовут кўрсатилган:

#### 2.1-расм



Диққатни жамлаш стратегиясини амалга ошираётган фирма шунингдек юқори даромад олиш имкониятига эга бўлиши ҳам мумкин. Корхонанинг ушбу стратегияси стратегик мақсад доирасида ёки кам сарф-харажатлилик позициясини, ёки юқори даражадаги дифференциациясини, ёки уларнинг барини кўзда тутди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, сарф-харажатларнинг пастлиги ва дифференциацияси соҳасида етакчиликка эга бўлиш, барча рақиб кучлардан ҳимояда бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, диққатни жамлаш мақсадни танлашда, яъни субститутлар томонидан хавф туғдирилган ёки рақобачиларнинг заиф томони йўналишларида муҳим ўрин тутиши мумкин.

Масалан, Illinois Tool Works компанияси фаолияти махсус маҳкамлаш воситалари ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, конкрет харидорлар талабига биноан маҳсулотларни тадқиқ қилиш имконини беради ва сарф-харажатлар ўзгаришини таъминлайди. Баъзи бир харидорлар ана шундай маҳсулотга ўз қизиқишларини билдирадилар.

Fort Howard Paper корхонаси фаолияти ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қоғоз маҳсулотларини тайёрлашга қаратилган. Бу орқали корхона тез суръатларда янгилашни талаб этиладиган истеъмол молларини ишлаб чиқаришдан ҳамда унга боғлиқ рекламага оид жараёнлардан ўзини фориғ этади. Асосан бўёқлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган Porter Paint корхонаси эса, юқори сифатли бўёқ маҳсулотларини тайёрлаш, ҳажмидан қатъий назар иш жойларига етказиб бериш, ҳамда ўзининг махсус шохобчаларида миқозлар учун бепул тамаддихоналар очишга эришди. Кам сарф-харажатлар кўрсаткичига эришишнинг диққатни жамлаш стратегиясига мисол тариқасида АҚШда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда учинчи ўринда турувчи Martin-Brower корхонаси фаолиятини кўрсатишимиз мумкин.

Фирма ўз миқозларига тез овқатланиш тармоғининг фақатгина 8 шохобчасини орқалигина эришди. Миқозларнинг махсус талабларини қондириш, фақат уларгагина мўлжалланган маҳсулотлар билан ишлаш, миқозларнинг харид қилишларига доир маҳсулотларга буюртмалар қабул қилиш, фирма яқинида жойлашган омборга эга бўлиш, шунингдек, ҳисоб-китобни олиб боришда қатъий назорат ва компьютерлаштирилган дастурларга эга бўлиш фирма стратегиясининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Martin-Brower компанияси хизмат кўрсатиш бозорида сарф-харажатлар бўйича устунликка эга бўлмасада, ўзининг алоҳида сегменти доирасида устунликка эга. Компания фаолиятининг тез суръатларда ўсиши ҳамда даромадбардорликка эришиши, соҳада компаниянинг ўрта меъёрдан анчайин ўсганини кўрсатади.

Диққатни жамлаш стратегияси умумий бозорда ўз улушига эга бўлиши билан боғлиқ баъзи бир тўсқинликларга учрайди. У сердаромадлилик ва савдо хажмидан бирини танлаш зарурлигини тақозо этади. Дифференциация стратегиясида бўлгани каби, бу ерда ҳам сарф-харажатлар борасида устунликка эришишнинг алтернатив позицияси юзага келиши мумкин. Лекин муқаррар эмас.

### **Ўрта поғонада туриб қолмоқ**

Стратегиянинг уч умумий варианты рақобат кучларига қарши тура олишнинг турли хил ёндашувларини ўзида намоён этади. Бошқа томондан эса, таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, агар фирма ўз фаолиятида ҳеч қандай стратегияга таянмаган ҳолда иш олиб борса, яъни «ўрта поғонада туриб қолса», жуда мушкул стратегик вазиятга тушиб қолиши мумкин.

Бундай фирмалар ўзининг бозордаги улушидан, маблағлар инвестициясидан маҳрум бўлган ҳолда, сарф-харажатларни қисқартириш борасида ёки соҳа доирасида альтернатив дифференциация қилиш имкониятини йўқотади

Ўрта поғонада қотиб қолган ҳар қандай корхона яхши даромад кўра олмаслиги аниқ. Бу орқали корхона арзон нархда йирик партидаги маҳсулотлар учун харидорларни ёқотади, ёки арзон нархларда товарларини сотувчи рақибларидан ўз бизнесини ҳимоя қилиш учун даромад кўришдан воз кечган ҳолда маҳсулотлари нархини арзонлаштириши лозим. Шу билан бир қаторда, корхона фаолияти тўлиқ дифференциациясига эришган ёки мақсадли йўналишларда иш олиб борувчи фирмаларга имкониятни кўлган бой берган ҳолда, бизнеснинг сердаромад турларини кўздан қочиради. Бундан ташқари, ўрта поғонада туриб қолган корхоналар мужмал корпоратив маданият ва бошқарувга оид зиддиятлардан азият чекади.

Юк ташиш автоуловларини ишлаб чиқарувчи ҳамда АҚШ бозорларида ўзининг салмоқли ўрнига эга Clark Equipment фаолиятини ўрта поғонада қотиб қолган корхоналар сирасига киритиш мумкин. Toyota ва Komatsu каби ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчи япон корхоналар фаолиятида эса йирик бозор сегментларига хизмат кўрсатиш стратегиясига таянган бўлиб, япон пўлатини арзон нархларда қўлга киритиш ва бу орқали транспорт харажатларини фойдаси билан қоплаш имкониятига эга бўлинди ва ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатларнинг камайишига эришилди. Ишлаб чиқариш тармоқларининг кенглиги ва бозорда салмоқли улушга бўлишига қарамадан (жаҳонда 18% ва АҚШда 33%) Clark Equipment корхонаси сарф-харажатлар борасида етакчи ҳисобланмайди.

Ушбу корхона ўз кенг қўламдаги ассортиментни ва ишлаб чиқариш технологияларига етарлича эътибор қаратмагани боис Hyster корхонаси даражасида маҳсулотлар дифференциациясига ва технологик мавқейга эга бўла олмади. Hyster корхонаси фаолияти соҳага мукамал моделлар тадбиқ этишга қаратилган бўлиб, ўз маблағларининг салмоқли қисмини тадқиқотлар олиб бориш ва янги ғоялар ишлаб чиқишга йўналтирган. Натижада Hyster корхонасига нисбатан Clark Equipment корхонасининг даромад олиш кўрсаткичлари бирмунча паст.

Ўрта поғонада қотиб қолган корхоналар олдида фундаментал стратегик қарор қабул қилиш зарурияти ётади. Корхона сарф-харажатлар борасида етакчиликка эришиш учун муҳим қадам қўйиши ёки бирҳилликка эришиши лозим. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни модернизацияси учун маблағлар киритилишини талаб

этади. Баъзи ҳолларда эса корхонадан бозордаги улуши кўрсаткичини кенгайтирилиши, ёки фаолиятини мақсадли йўналтирилиши (диққатни жамлаш) ёхуд камёб маҳсулотининг ишлаб чиқарилишини (дифференциация) талаб этади.

Охирги икки вариант корхонанинг бозордаги улушини ва ҳаттоки савдонинг бутун ҳажмини қисқартирилишига боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳар иккала вариантдан бирини танланиши ҳар бир корхонанинг ўзига хос имконият ва чекловларидан келиб чиқади. Ҳар қандай стратегияни муваффақиятли амалга ошириш, корхонанинг ресурслари, имкониятлари, бошқарув шароитлари ва усуллари таянган ҳолда вужудга келади.

Ўртада поғонада қотиб қолган корхонани бундай ҳолатдан олиб чиқиб кетиш, албатта катта куч ва вақтни талаб этади. Бироқ, қийинчиликда қолган фирмаларда кўпинча бир стратегиядан иккинчисига кескин ўтиши ҳолатлари кузатилади. Ушбу стратегияларни қўллашда юзага келган бир-бирига зид бўлган шароитлар одатда фирмани таназзулга тутиши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда даромад олиш ва бозордаги улуш ўртасидаги ўзаро муносабат U-шаклидаги эгри тизик билан акс эттирилади. (2.2. расм). АҚШда кам қувватли электродвигателлар ишлаб чиқариш соҳаси фикримизга мисол бўла олади. Ушбу соҳада General Electric ва Emerson компаниялари бозордаги катта улуши ва сарф-харажатлар борасидаги устунлигига эгадир, шу билан бир қаторда General Electric компанияси илғор технологияларга эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳар иккала компаниянинг маҳсулотлари катта даромад олиш манбаи ҳисобланади. Baldor ва Gould компаниялари ўз фаолиятларини диққатни жамлаш стратегиясига таянган ҳолда олиб борадилар. Baldor маҳсулотларини тақсимлаш ва савдо ишлари билан шуғулланади, Gould фаолияти эса истеъмол бозорининг алоҳида сегментларига қаратилган.



Ҳар икала фирманинг даромад кўрсаткичлари ижобий саналади. Franklin фирмасининг фаолияти ўрта оралиқ позициясини эгаллайди. Унинг стратегияси кам чиқимли ҳам, марказлаштирилган ҳам эмас. Бу кўрсаткичлар фирманинг молиявий натижаларида ўз аксини топган.

Бундай U-шакли ўзаро боғлиқлик, шунингдек автомобиль ишлаб чиқариш соҳасининг умумий жиҳатларига ҳам тегишлидир. Соҳада General Motors (сарф-харажатларининг паст кўрсаткичи) ва Mercedes (дифференциация) компаниялари

даромад олиш борасида устунликка эгалар. Chrysler, British Leyland ва Fiat компаниялари эса сарф-харажатларда ҳам, фаолияти дифференциацияси ва марказлаштирилишида ҳам ўз позицияларига эга эмаслар, улар ўрта ораликда қотиб қолганлар.

Бироқ 2.2. расмида кўрсатилган U-шаклидаги боғлиқлик барча соҳаларда ҳам кузатилмайди. Баъзи бир соҳаларда фаолиятнинг умумлаштириш ва дифференциация қилиш имконияти мавжуд эмас. Фақатгина сарф-харажатларга доир хатти-ҳаракатлар мавжуд. Бундай вазиятга оммавий товарлар ишлаб чиқариш соҳасида дуч келиш мумкин.

Бундай соҳаларда кўпгина ҳолларда бозордаги улуш ва даромад ўртасида қарама-қарши муносабатлар мавжудлиги кузатилади. Соҳадаги яна бир гуруҳда рақобат шу қадар интенсив равишда бўладики, ўрта меъёрдан юқори даромад олиш учун соҳада диққатни жамлаш ёки дифференциация қилишга тўғри келади. Ва ниҳоят, паст кўрсаткичли сарф-харажатлар дифференциация ёки диққатни жамлаш билан қўшилиб кетиши мумкин ёки сарф-харажатларнинг камайтиришга бозорда юқори улушга эга бўлмасдан эришиш мумкин.

Мураккаб, бироқ самарали омиллар комбинациясига Hyster корхонаси фаолияти мисол бўла олади. Дунёда юк ташиш машиналарини ишлаб чиқаришда иккинчи ўринда турувчи ушбу корхона, айнан шундай маҳсулотни ишлаб чиқарувчи кичик фирмаларга (Allis-Chalmers, Eaton) қараганда бирмунча даромадбарор ҳисобланади. Кичик фирмалар эса паст сарф-харажатлар кўрсаткичига эришиш учун на бозорда етарли улушга, ва на харажатлар даражасини қопловчи маҳсулотларнинг етарли дифференциациясига эгалар.

Даромад ҳамда бозордаги улуш ўртасида ягона муносабат мавжуд эмас, чунки соҳа ва бозор бир ҳил таърифга эга эмас: баъзи бирлар учун бу тор соҳадаги бозорда юқори улушли фаолияти марказлаштирилган ёки дифференциация қилинган фирмалар назарда тутилса, бошқалар эса бунга кенг доирадаги бозорда юқори улушга эга етакчи фирмалар нуқтаи назаридан қарайдилар (одатда, улар ўз бозорини ҳар бир тор сегментда ўзгартирмайдилар). Ҳаттоки соҳанинг муайянлигини ўзгартириш ҳам нима учун бутун бир соҳа доирасида дифференциацияга эришга корхоналар соҳадаги етакчи фирмаларга қараганда бозордаги улуши кам бўлишига қарамасдан юқори даромадга эришишларини изоҳлаб бера олмайди.

Бироқ, энг муҳим жиҳат шундаки, соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уч асосий стратегиянинг фирмага муносиблиги белгиланади. Ушбу танлов фирманинг энг кучли жиҳатига таянган ҳола, рақиблар томонидан кам фойдаланиладиган стратегияга асосланган бўлади.

Фаолият стратегиясини тўғри танлашда структуравий таҳлил принциплари ас котади, шунингдек таҳлилчига ҳар қандай аниқ соҳанинг бозордаги улуши ҳамда даромади ўртасидаги муносабатни изоҳлаш ва таҳмин қилишга имконият беради.

### **Стратегиянинг асосий вариантларида хавф тушунчаси**

Аслида стратегиянинг асосий вариантларини амалга ошириш икки турдаги хавф билан кузатилади: биринчидан, стратегияни муваффақиятсиз танланиши ва уни сақлаб қола олиш хавфи; иккинчидан соҳа ривожини натижасида юзага келувчи рақобат борасидаги устунликни бузилиши хавфи. Торроқ нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак стратегиянинг 3 тури рақобат кучларидан ҳимояланишнинг турли ҳил кўринишларига асосланади ва шунинг учун улар турли ҳилдаги хавфларга дуч келади.

### **Сарф-харажатлар борасида мутлақ устунликдаги хавф тушунчаси**

Сарф-харажатларда устунликка эга бўлиш корхонага қатор мажбуриятларни юклайди ва бу ўз навбатида унинг мавқейни сақлаб қолишда ас қотади. Ушбу мажбуриятлар қуйидагиларни ўз ичига олади: замонавий ускуналарга маблағлар ажратиш, эскирган активлардан воз кечиш, ишлаб чиқаришда ихтисосликни кенгайтиришдан тийилиш ҳамда технологик такомиллашувни эътибордан қочирмаслик.

Ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиши билан сарф-харажатларнинг пасайиши автоматик тарзда рўй бермайди, шунингдек, кенг кўламда иқтисод қилиш ҳам алоҳида машаққат талаб этади.

Сарф-харажатлардаги устунлик ишлаб-чиқариш ҳажмига ёки соҳадаги тажрибага боғлиқ бўлади. Қуйидагилар ана шундай хавфлар қаторига киради:

- аввалги инвестициялар ёки тажрибага зарар етказувчи технологик ўзгаришлар;
- соҳага қайтадан келган компаниялар ёки унларга турдош корхоналар томонидан соҳада орттирилган тажрибани ўрганиш ёки янги технологияларни киритиш орқали сарф-харажатларни секин-аста пасайтириш имкониятига эга бўлиш;
- корхонанинг сарф-харажатларни камайтириш муаммосига ҳаддан зиёд эътибор қаратиб маҳсулот ёки бозордаги муҳим ўзгаришларга баҳо бера олмаслиги;
- дифференциация қилишда рақиб корхоналарнинг устунлиги ва уларнинг брендлари нуфузини сақлаб турувчи ва корхонанинг нархлардаги тафовутни сақлаб қолиш имкониятини пасайтирувчи сарф-харажатлар инфляцияси.

1920 йиллардаги Ford Motor Company компанияси фаолиятини сарф-харажатларлардаги устунлик хавфларига мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Ford компанияси моделлари сонининг чекланганлиги ва уларнинг модификацияси, ишлаб-чиқариш босқичларидаги фаол вертикал интеграцияси, ишлаб чиқаришни юқори даражада автоматлаштирилиши ва чиқимларни пасайтириш омилларини чуқур ўрганиш натижасида сарф-харажатлар борасида мутлоқ устунликка эришган эди.

Ишлаб чиқарилувчи моделларда ўзгаришлар кузатилмагани соҳани ўрганишда кўл келди. Бироқ, шахсий автомобилга эга кишиларнинг даромадлари ошган сари янги моделдаги, ўзгача дизайн ва қулайликларга эга автомобил сотиб олишга талаб кучайиб борди ва улар очик кузовли автомобилга қараганда ёпиқ кузовли автомобилларни афзал кўришларини ва бу автомобилларни қимматроқ нархларда харид қилишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Турли ҳилдаги моделларга эга бўлган General Motors компанияси бундай вазиятдан унумли фойдаланди. Ford компанияси эса эскирган моделларни ишлаб чиқаришда сарф-харажатларни камайтиришга йирик инвестициялар киритгани сабабли ўз фаолиятини янги стратегия бўйича олиб бориш учун катта маблағларни ажратишига тўғри келди.

Маиший электротехника воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Sharp компанияси фаолиятини сарф-харажатлар бўйича устунликка эга бўлиш хавфи мисолида кўришимиз мумкин. Сарф-харажатлар борасида узоқ вақт давомида устунликка эга бўлган Sharp компанияси олдида ўз фаолияти ва брендини янада такомиллаштириш вазифаси пайдо бўлди. Сарф-харажатларнинг ошиши, шунингдек АҚШнинг демпингга қарши қонунчилиги компания маҳсулотларини Sony ва Panasonic компанияларига нисбатан арзонроқ нархларда сотиш имкониятини йўққа чиқарди ва унинг стратегик позицияси фақатгина сарф-харажатларда устунликка қаратилгани учун ёмонлашди.

#### **Дифференциацияда хавф тушунчаси**

Дифференциация билан ҳам бир гуруҳ хавфлар боғлиқ:

- маҳсулот ёки хизмат турларининг ўзига хослиги ёки дифференциация амалга оширилган корхона имиджи орқали иқтисод қилишни афзал кўрувчи харидорларни сақлаб қолишда дифференциация ўтказувчи корхона сарф-харажатлари ҳамда кам сарф-харажатли компаниялар ўртасидаги фарқ сезиларли даражада бўлади;

- истеъмолчилар тажрибаси ортгани сари нозик таъб харидорлар учун дифференциация фактори тушунчаси пасайиши мумкин;

- одатда соҳанинг эскириши жараёнида боқша бир соҳага тақлид қилиш мавжуд дифференциацияни пасайтиради.

Юқорида кўрсатилган хавфларнинг дастлабкиси жуда муҳим саналади ва қўшимча изоҳлашни талаб этади. Корхона дифференциацияга эришиши мумкин, лекин бу вазиятда у нархлар тафовутига боғлиқ синовларга дош бера олиши лозим. Агар дифференциация стратегиясини амалиётда кўллаётган корхона технологик ўзгаришлар ёки оддийгина эътиборсизлик натижасида сарф-харажатлар масаласида кам чиқим корхоналардан орқада қолиши мумкин.

Масалан, мотоцикл ишлаб чиқаришда Kawasaki ва бошқа япон фирмалари Harley-Davidson и Triumph каби йирик фирмаларга харидорларга янада арзонроқ нархларни тақдим этиш билан хужум қилди.

#### **Диққатни жамлашдаги хавф тушунчаси**

Диққатни жамлаш билан боғлиқ хавфлар:

- кенг стратегик режа асосида иш олиб боровчи рақиблар ва марказлаштириш стратегиясини олиб бораётган корхона ўртасида сарф-харажатлардаги тафовутнинг ўсиши тор соҳада хизмат кўрсатиш сарф-харажатлардаги имтиёزلарни барҳам топишига ёки дифференциациянинг нейтрал ҳолатга келишига олиб келади.

- аниқ мақсадли бозорда катта талабли маҳсулотлар ёки хизматлар ва соҳавий бозордаги маҳсулот ва хизматлар ўртасидаги тафовутнинг торайиши;

- рақиблар аниқ мақсадли бозорда бозорга оид янада торроқ сегментни топиши орқали марказлаштириш стратегиясини амалга ошираётган корхоналарни енгиб чиқишига оид вазият

## **5-МАВЗУ. БИЗНЕС ЖАРАЁНИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ**

5.1. Бизнесни бошқаришда ахборот технологияларнинг роли.

5.2. Ахборот тизимларини ташкил қилиш ва бошқариш.

5.3. Бизнесда ахборотларнинг туркумланиши, уларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва қарорлар қабул қилиш учун тайёрлаш босқичлари.

5.4. Янги бозорлар, бозор сегментлари тўғрисида ахборотлар йиғиш, ахборотлар банки ва ундан фойдаланиш.

5.5. Глобал ахборот тизимлари.

5.6. Корпаратив информацион тизимлар бозоридаги янги тенденциялар.

## 5.1. Бизнесни бошқаришда ахборот технологияларнинг роли

Бизнесда ахборот бу - ўз моҳиятига кўра турли хил бозор кўрсаткичларининг акс эттирилиши бўлиб, у илмий-ахборот ва тижорат фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Ахборотларни излаш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва ундан ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш бугунги рақобат шароитида машинасозлик саноати экспорт салоҳиятини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Маркетинг ахбороти қиймат хусусиятига эга, чунки уни яратиш учун маълум бир меҳнат сарфланади. Ахборотнинг қиймати тўғри қарор қабул қилиш эҳтимолининг ўсишида намоён бўлади. Ахборотдан фойдаланишнинг иқтисодий самараси уни олиш учун сарфланган харажатлардан катта бўлиши лозим. Бу умумий мезон ахборот олиш ва қайта ишлашнинг мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради. Маркетинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бугунги кунда машинасозлик маҳсулотлари бозорида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг аксарияти МАТ га эга эмас ёки уни яратиш ҳақидаги қарорни фақат модага амал қилиб, кўпчиликка эргашган ҳолда қабул қилади. Бу корхоналар раҳбарияти ушбу тизим корхонага келтириши мумкин бўлган иқтисодий фойда ҳақида ўзига ҳисобот бериб ўтирмайди. Шунинг учун МАТ самарадорлигининг машинасозлик маҳсулотларига мослаштирилган усулини баҳолаш, бизнингча, энг долзарб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, корхонада МАТ жорий қилишдан иқтисодий самара учта таркибий қисмдан иборат: ташкилий ( $\mathcal{E}^T$ ) – танлаб олиш ва ишлаб чиқиш босқичлари учун, эксплуатацион ( $\mathcal{E}^o$ ) – жорий қилиш ва эксплуатация босқичлари учун ва маркетинг ( $\mathcal{E}^M$ ) — келгусида маркетинг қарорларини ишлаб чиқишда МАТдан фойдаланиш босқичлари учун.

Корхонада маркетингни бошқариш нуқтаи назаридан маркетинг таркибий қисмини баҳолаш энг катта қизиқиш уйғотади. Корхонада МАТ жорий қилишдан иқтисодий самарани баҳолашнинг услубий асоси юқорида санаб ўтилган таркибий қисмларни атрофлича тавсифловчи кўрсаткичлар тизими асосида шаклланади. Корхонада МАТ жорий қилишдан иқтисодий самараси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\mathcal{E} = \mathcal{E}^T + \mathcal{E}^o + \mathcal{E}^M - (Z^L + Z^o + Z^{ad} + Z^n),$$

бунда

$\mathcal{E}^T$  – МАТ жорий қилишдан иқтисодий самаранинг ташкилий таркибий қисми;

$\mathcal{E}^o$  -МАТ жорий қилишдан иқтисодий самаранинг эксплуатацион таркибий қисми;

$\mathcal{E}^M$  — МАТ жорий қилишдан иқтисодий самаранинг маркетинг таркибий қисми;

$Z^L$  – МАТ жорий қилиш баҳоси;

$Z^o$  –корхона ходимларини МАТ эксплуатациясига ўқитиш харажатлари;

$Z^{ad}$ - тизимни мослаштириш ва МАТ охиригача ишлаш имконияти;

$Z^n$  – МАТ дастурий таъминоти версияларини янгилаш харажатлари.


Ташкилий таркибий қисмни ҳисоблашда МАТ жорий қилишдан иқтисодий самарани аниқлаш учун муҳим бўлган қуйидаги омиллар ажратилади:

1. Электрон ҳужжат айланмасига ўтиш.
2. Ишлаб чиқариш функцияларини тугатиш ва қайта тақсимлаш.

3. Корхона мутахассисларининг тизимни ишлаб чиқиш, мослаштириш ва жорий қилишда иштирок этиши.

Эксплуатацион таркибий қисмни ҳисоблашда МАТ жорий қилишдан иқтисодий самарани аниқлашда қуйидаги омиллар ажратилади:

1. МАТнинг тармоқ хусусиятларига мослиги.
2. МАТ функционал салоҳиятини қўллаш самараси.
3. Фан-техника салоҳиятидан фойдаланиш самараси.
4. Сертификатлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш харажатлари.



**5.1 - чизма. МАТ жорий қилишдан кўриладиган иқтисодий самара ва маркетинг таркибий қисмини баҳолаш кўрсаткичлар тизими<sup>43</sup>**

<sup>43</sup> Хотамов И., Саъдуллоев Х. Маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш ва истиқболлаш. Дарслик. 2012, 112-бет.

5. МАТ дастурий-аппарат қисмлари умумий харажатлари.  
6. Сертификатланган криптографик воситалардан фойдаланиш натижалари.

5.1 - жадвал

«ONIKS» масъулияти чекланган жамиятда МАТ жорий қилишдан қўриладиган иқтисодий самара

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Ҳисоб-китоб қиймати, млн. сўм
1.Иқтисодий самаранинг ташкилий таркибий қисми	Э <sup>Г</sup>	28,99
- қўлдан чиқарилган фойда	P <sup>jdo</sup>	17,03
- такрорланувчи функцияни йўқотиш ва қайта тақсимлаш натижаси	P <sup>jp</sup>	8,20
- ишчи гуруҳ ходимларини ишлаб чиқариш жараёнидан ажратиш билан боғлиқ харажатлар	Z <sub>j</sub>	3,76
2. Иқтисодий самаранинг эксплуатацион таркибий қисми	Э <sup>э</sup>	33,53
- МАТнинг тармоқ хусусиятларига мослиги натижаси	P <sup>joc</sup>	2,92
- функционал салоҳиятни қўллаш ва илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш самараси	Э <sup>jф</sup> P <sup>jн</sup>	23,28
- сертификатлаш муаммосини ҳал қилиш ва МАТ дастурий-аппарат қисми харажатлари	Z <sup>jпо</sup> Z <sup>jпа</sup>	4,70
- сертификатланган криптографик воситалардан фойдаланиш натижаси	P <sup>jb</sup>	12,03
3. Иқтисодий самаранинг маркетинг таркибий қисми	Э <sup>М</sup>	14,5
- эски бозорларда сотув ҳажмининг ўсиши	Q <sub>vc</sub>	51,9
жумладан, товар рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига	Q <sub>vk</sub>	26,7
корпоратив имиж даражасини ошириш ҳисобига	Q <sub>vb</sub>	9,30
реклама самарадорлигини ошириш ҳисобига	Q <sub>vr</sub>	6,90
- янги бозорларда сотув ҳажмининг ўсиши	Q <sub>vh</sub>	36,0
4. Корхона мутахассисларини МАТ эксплуатациясига ўқитиш харажатлари	Z <sup>о</sup>	3,08
5.МАТ дастурий таъминоти версияларини харид қилиш, янгилаш ва тизимни ўрнатиш харажатлари	Z <sup>n</sup> +Z <sup>L</sup>	13,70
<b>МАТ жорий қилишдан умумий иқтисодий самара</b>	<b>Э</b>	<b>17,0</b>

$$\text{Э} = 28,99 + 33,53 + 14,5 - (43,24 + 3,08 + 13,7) = 17,0 \text{ млн.сўм}$$

$$(W_{ij} \times V_{ij})_{\text{рақобатчи}}$$

$$I_{ik}^{\text{np}} = \frac{\dots}{\dots}$$

бунда

$$(W_{ij} \times V_{ij})_{\text{корхона}}$$

$W_{ij}$  - j-товарнинг муҳимлиги;  $V_{ij}$  - j-товарнинг i-кўрсаткичи балл баҳоси.

Сотув ҳажмини корпоратив нуфузни шакллантириш ҳисобига ошириш  $Q_{vbr}$  қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{vbr} = Q_{vc} \times (A_p : A_n)$$

бунда

$A_p$  - корпоратив нуфузнинг ҳақиқий балл баҳоси;

$A_n$  - корпоратив нуфузнинг позитив балл баҳоси.

$$A_p = \frac{I}{(m+n) \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n b_{ij}}$$

бунда

$t$  – кўриб чиқиладиган кўрсаткичлар сони;

$p$  – экспертлар сони;

$b_{ij}$  –  $j$ -кўрсаткичнинг позитив нуфузга мослик даражасини  $i$ -эксперт баҳолаши.

МАТ ни жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун тақлиф этилган услубият бўйича ҳисоб-китоб қилиб чиқамиз (5.2 - жадвал).

## 5.2 - жадвал

### Товар сифатини ошириш ҳисобига сотув ҳажмини ошириш

Кўрсаткичлар	Шартли белги	Қиймати
1. Маҳсулот сотиш ҳажми, 2017 йилда, дона	$Q_{ij}^c$	3790
2. Рекламация бўйича жарима тўланган сифатсиз маҳсулот қиймати, млн.сўм	$C_d$	4,7
3. Ишлаб чиқариш жараёнида брак қилинган маҳсулот қиймати, млн.сўм	$C_b$	3,4
4. Ҳисобот даврида сотилган маҳсулот ҳажми, млн.сўм	$C_f$	270,9
5. Сифат коэффициенти	$K_k$	0,0299
6. Сифат коэффицентини ҳисобга олган ҳолда сотиш ҳажми (янги технологияларни жорий қилишни ҳисобга олмасдан), дона	$Q_{ij}^h$	3903
7. Сифатни ошириш ҳисобига сотув ҳажмини ошириш, млн.сўм	$Q_{ij}$	8,1

Ўртача қиймат асосида корхона ҳақиқий нуфузининг позитив нуфузига мослик даражаси ҳақида хулоса чиқарилади. Сотув ҳажмининг  $Q_{vr}$  реклама самарадорлигини ошириш ҳисобига ортишини реклама таъсири остида қўшимча товар айланмасини аниқлаш ёрдамида ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$Q_{vr} = \frac{T_c \times P \times D}{100}$$

бунда

$T_d$  – реклама таъсири остида қўшимча товар айланмаси;

$T_c$  – реклама ўтказмасдан аввал ўртача кунлик товар айланмаси;

$P$  – реклама ўтказилган пайт ва ундан кейинги давр учун ўртача кунлик товар айланмасининг ўсиши;

$D$  – реклама ўтказилган пайт ва ундан кейинги даврда товар айланмаси ҳисобга олинган кунлар.

## 5.2. Ахборот тизимларини ташкил қилиш ва бошқариш

Бу бўлимни ўрганишда мазкур қўлланманинг асосий мавзуси - иқтисодий прогнозлаш услубиятини ўрганиш учун зарур бўлган билим базаси тузилишига имкон берадиган индивидуал жадвалларни тузиш тавсия қилинади.

Прогнозлар типологияси билан келажак тўғрисида ахборот манбалари ва прогнозлаш усуллари масаласи узвий боғлиқ. Прогноз ахборотнинг 3 та асосий манбаи ажратилади:

– ўрганилаётган ҳодисалар, жараёнлар, воқеаларнинг ўтиши ва ривожланишини билишга асосланган тажрибалар;

– ўтмишда ва келажакда ривожланиш қонуни етарлича маълум бўлган мавжуд тенденцияларнинг экстраполяцияси;


– кўтиляётган ёки белгиланган шартларга нисбатан прогнозлаштирилаётган объектларнинг моделларини тузиш.

Ахборотнинг бу турларига нисбатан прогнозлашнинг бир-бирини тўлдирувчи 3 услуби ажратилади:

- эксперт, у ахборотни йиғиш (анкеталаш, интервью олиш, сўров) ва уни қайта ишлаш ҳамда прогнознинг қўйилган вазифасига нисбатан экспертнинг фикрига асосланган;

- тренднинг экстраполяцияси-объектнинг ўтмишда ва ҳозирда ривожланишини ўрганиш ҳамда ўтмиш ва ҳозирда ривожланишнинг қонуниятини келажакка кўчириш;

- моделлаштириш-прогнозлаштирилаётган объектни кўтиляётган ёки мўлжалланаётган аҳолидаги ўзгаришлар асосида қидирув ва меъерий моделларни ўрганиш.



## 5.2-чизма. Тўпланган ахборот ва прогнозлаш услублари орасидаги ўзаро алоқа.<sup>44</sup>

Прогнознинг таҳлилий тадқиқотлар сифатини ошириш муаммоси кўп жиҳатдан уларнинг ахборот таъминотига боғлиқ. Фойдаланилаётган ахборот базасига қўйилган асосий талаблар қуйидагилардир:

– кўрсаткичларнинг миқдорий тавсифлари ишончлилиги авваламбор иқтисодиётнинг асосий соҳаларидан, етарли даражада тўлиқ ҳамда умуман олганда мамлакатда ва унинг минтақаларида содир бўлаётган салбий ва ижобий жараёнлар тўғрисида тўлиқ тавсифларни кўзда тутувчи тақдим қилинаётган ахборотнинг етарлилиги ва комплекслиги;

– турли ахборот блоклари ва даражалари кўрсаткичларининг ўзаро тўғри келишини кўзда тутувчи тақдим қилинаётган ахборотнинг тизимлилиги;

– таққосланиши, яъни турли кўрсаткичлар миқдорий тавсифларининг бири-бирига зид бўлмаслиги.

Прогноз - таҳлилий ҳисоблар статистик ахборот, яъни минтақалар, корхоналар, молиявий ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида олиб борилади. Бошқа мамлакатларнинг ва жаҳон иқтисодиёти ҳамда унинг минтақалари иқтисодий конъюнктурасини тавсифловчи ахборотдан фойдаланилади. Материалларнинг бир қисми аҳолини ва тадбиркорларни сўраш натижасида шаклланади. Эксперт ахборот, яъни билимнинг у ёки бу соҳа мутахассисларидан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

Статистик маълумотлар сифатини белгиловчи берувчи омилларга қуйидагилар киради:

- ялпи кузатишдан танлаб кузатиш услубига ўтиш билан боғлиқ ўзгаришлар;
- статистик ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобининг янги шакллари киритилиши билан боғлиқ бирламчи ҳисобнинг кечиктириб бўлмаслиги;
- агрегатлашган кўрсаткичларни ҳисоблаш услубияти;
- статистик кўрсаткичларнинг иқтисодий категорияга мос келмаслиги.

## 5.3. Бизнесда ахборотларнинг туркумланиши, уларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва қарорлар қабул қилиш учун тайёрлаш босқичлари

Прогнозлашда ишлатиладиган ахборотни функционал белги, яъни прогнозлаш мақсадида у ёки бу кўрсаткич нима сифатида фойдаланишига қараб таснифлаш мумкин. Бу ҳолда **ахборот бошқарилмайдиган, бошқариладиган ва бошқарилувчи** бўлиши мумкин.

**Бошқарилмайдиган ахборот** - бу, табиийки, ҳам бутун иқтисодиёт учун, ҳам алоҳида моделлар учун тўғри бўлган экзоген ахборотдир. Экзоген ахборот эса бошқариладиган ва бошқарадиган бўлиши мумкин.

**Бошқариладиган кўрсаткич** – бу, уни белгиловчи омилларнинг ўзгаришига қараб келажакда (прогнозда) ўзгариши мумкин бўлган кўрсаткичдир.

Масалан, агар аҳолининг узоқ муддатли истеъмол товарларига талаби аҳоли даромадлари ва солиққа тортиш даражасининг функцияси сифатида

<sup>44</sup> Philip Kotler, Kevin Lane Keller. Marketing management. 12 th edition. 2010 by Pearson Education, Inc.p. 99.

моделлаштирилса, прогнозлаштирилаётган эҳтиёж бошқариладиган кўрсаткичдир. Бунда талаб моделидаги омиллар ҳам бошқариладиган, ҳам бошқарувчи бўлиши мумкин. Агар «аҳоли даромади» кўрсаткичи ушбу модел доирасида бошқа омилларнинг функцияси сифатида аниқланса, у - бошқариладиган ахборот, ҳукумат учун федерал солиқлар даражаси эса бошқарувчидир.

**Бошқарувчи кўрсаткич** – бу, давлат сиёсатининг, миллий иқтисодиёт ва унинг объектини давлат томонидан тартибга солиш воситаси бўладиган ҳар қандай кўрсаткичдир.

Прогнозлашнинг инструментал ўзгарувчилари деб миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш амалга ошириладиган бошқарувчи кўрсаткичларга айтилади. Прогнозлашнинг инструментал тахминий рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- экологик андазалар тизими;
- билвосита солиқлар;
- бевосита солиқлар;
- амортизация ажратмалари;
- корхоналарнинг бюджетдан ташқари фондларга трансферт тўловлари;
- минимал иш ҳақи;
- нафақанинг минимал миқдори;
- ишсизлик бўйича нафақанинг минимал миқдори;
- давлат бюджетининг умумий харажатлари;
- давлат бюджетининг умумий таркиби;
- пул-кредит сиёсатининг инструментлари: ҳисоб ставкаси, минимал заҳиралар меъёри;
- давлат корхоналари ва табиий монополиялар маҳсулотининг нархи;
- божхона божларининг умумий даражаси;
- божхона божларининг таркиби;
- солиқлар бўйича имтиёзлар;
- кредитлар бўйича имтиёзлар.

Аниқлик ва ишончликда йўқотишларни камайтириш учун 2 та қоидадан фойдаланилади:

**1. Соҳани чегаралаш қоидаси** - бир-бирига у ёки бу даражада параллел равишда ўзгарадиган ўзгарувчиларни агрегатлаш мумкин.

**2. Эквивалент натижалар қоидаси** - натижа кўрсаткичларига таҳлил ёки прогнознинг таъсири бир хил бўлган ўзгарувчиларни агрегатлаш мумкин.

Соҳани чегаралашга мисол: жаҳон бозорида қандайдир товарга бўлган нарх ҳар доим бир хил нисбатларда ўзгаради.

Эквивалент натижаларга мисол: қурилиш ёки импорт лицензияларни бериш. Агар давлат томондан бериладиган лицензияларнинг умумий суммаси белгиланган бўлса, уларни олишнинг йўллари кўп. Агарда лицензияланадиган кўринишнинг барча турлари бир хил макроиқтисодий натижа берса, яъни уларнинг ЯММ, бандлик ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир даражаси бир хил бўлса, бир кўрсаткич - умумий сумма билан фойдаланиш мумкин

#### **5.4. Янги бозорлар, бозор сегментлари тўғрисида ахборотлар йиғиш, ахборотлар банки ва ундан фойдаланиш.**

Маълумотларни олиш ва қайта ишлаш жараёнларини истеъмолчилар учун энг қулай ҳолга келтириш масаласи замонавий ахборот технологиялари пайдо бўлишидан анча олдин юзага келган эди. Масалан, коғоз ташувчиларда (китоб журналлар ва бошқа нашрлар муаллиф ҳамда ноширлари) предмет ва ном курсаткичларини тузиш билан материални қулай узатиш изланишини энгиллаштиришга ҳаракат қилишади. Ихтисослаштирилган ахборот ташкилот (кутубхона ва бошқалар) бу мақсадларда метамаълумотлар, яъни “маълумотлар ҳақидаги маълумотлар” – каталоглар ва бошқаларни яратади. Бирок янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши билан маълумотларни излаш ва қайта ишлаш имкониятлари, анъанвийларидан фарқли равишда, нафақат ахборот маҳсулоти, бироқ унга кириш воситаларини (излаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва хоказолар) беришни ҳам қўзда тутди. Бу воситалар фойдаланувчига ахборот маҳсулоти мужассамлашган компьютер файллари мазмунини шунчаки визуаллаштиришгина эмас, балки айнан унинг эҳтиёжларига мос бўлган (релевант) ҳажм ва шаклларда ахборотни тезкор олишга ҳам имкон беради. Энг яхши ҳолда кириш воситалари фойдаланувчи эҳтиёжларига мувофиқ келадиган ахборотни, у қаерда бўлмасин, излаш ва тақдим этишни таъминлаши лозим.

Ахборот хизмати кенг маънода фойдаланувчига ахборот маҳсулотларини тақдим этишни англатади. Тор маънода ахборот хизматлари деганда янги ахборот технологиялари ёрдамида олинадиган хизматлар тушунилади.

Замонавий ахборот хизматининг пайдо бўлиши ахборот маҳсулотларига эҳтиёжни кенгайтиради. Чунки, маълумотлар беришни индивидуаллаштириш алоҳида фойдаланувчининг индивидуал эҳтиёжларига яқинлашиш ва бу билан ишлаб чиқарувчи ҳамда фойдаланувчиларнинг ахборот моделлари яқинлашишига қулайлик яратади.

Афтидан ахборот хизмати ахборот маҳсулотисиз яшай олмайди. Бирок ахборот маҳсулотини ҳам унга мувофиқ келувчи ахборот хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бирор бир бошқа хизматни мавжуд маҳсулотга қўллаш фойдаланувчи учун маълумотлар бериш шаклини узгартиришга, демакки, худди аввалдаги каби маълумотларни саклашига қарамай узгача даража ахборотлашган қарийб янги маҳсулотнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Ташқаридан келадиган ахборотлар, жумладан юқори бошқарув органлари, ҳокимият идоралари ахборотлари бунга мисол бўлади. Ички ахборот қорхона ички фаолиятини юргизиш учун керак. Масалан, қорхоналар учун бу ахборотлар маҳсулот чиқиши, турлари, ассортимент, кадрлар, моддий техник таъминот ва бошқалар.

Бошланғич ахборотлар ҳар доим бошқарув системаларидаги юқори бошқарув системалари томон, буйруқ ахборотлари эса юқори-пастга қараб ҳаракат қилади.

Мухимлигига қараб ахборот 3га бўлинади: Доимий ахборот – узок даврда уз қийматини йўқотмайди (қорхона, маҳсулот турлари). Шартли-доимий ахборотлар маълум давргача уз қийматини саклайди (стандартлар, техник шартлар, турли нарх, таъриф ва б.).

Узгарувчан ахборотлар бошқарув объекти ҳолатига қараб узғариб туради. Уларни тезда қайта ишлаш керак, акс ҳолда ахборот уз қийматини йўқотиб қўяди.

Раҳбар қабул қилган бошқарув қарорлари ахборот хизматларига боғлиқ. Қарор қабул қилиш учун ранг-баранг ахборотлар керак. Қорхона ишлаб чиқарувчи фаолияти учун иқтисодий курсаткичлари, ишлаб чиқаришни борлигини маҳсулот сотилиши ҳақида ва бошқалар бўлди. Раҳбар учун яна ижтимоий-руҳий ахборотлар экология, ҳолат ҳақидаги ахборотлар керак.

Рахбар узига ахборот тайёрловчи ходимлар меҳнатини ташкил эта билиши, улар билан фойдаланиши керак.

### **5.5. Корпаратив информатсион тизимлар бозоридаги янги тенденциялар**

Рахбарлар қилаётган ҳамма ишлари ахборотларни самарали алмашишини талаб қилади. Яхши йулга қуйилган коммуникация иш муваффақиятини таъминлайди.

Коммуникация жараёни – бу 2 ва ундан ортиқ одамлар уртасидаги ахборот алмашиш жараёнидир. Коммуникация жараёнининг асосий вазифаси алмашиш предмети булган ахборотни тушуниш. Бирок, ахборот алмашишни узигина ахборот алмашишда иштирок этувчиларни самарали қафолат беравермайди. Кам самарали ахборот алмашиши натижаси дустлар, оилавий, меҳнат жамоаларида ҳар биримиз дуч келганмиз.

Кайси раҳбарда самарали коммуникация бўлса, у самарали ишловчи раҳбардир. Яхши раҳбар коммуникация жараёни моҳиятини тушунади, оғзаки ва ёзма муомалани эгаллайди. Суровлар шуни курсатадики 73% америкалик, 63% англиялик, 85% япон раҳбарлари коммуникациялар ахборот алмашиш учун қуйилган мақсадга эришиш учун бош тусик деб ҳисоблайдилар. Яна ыир бошка суровга кура 2000 турли компаниялар 150 минг ходими корхоналарда ахборот алмашишлари энг кийин масалаларидан бири деб биладилар.

Ахборот алмашиш жараёнида 4 базавий элемент катнашади: жунатувчи, хабар (ахборотни узи), канал (ахборотни узатиш воситаси) ва қабул қилувчи. Ана шу 4 база бири билан ҳамжихат ишлаши, ахборот маъносини йукотмаслиги керак. Ахборотлар алмашинув жараёнида ҳар икки томон (жунатувчи ва қабул қилувчи) фаол роль уйнайди. Агар раҳбар кул остидагиларга топширик берса, шунинг узи ахборот алмашиш бошланди деган гап. Ахборот алмашиш самарали булиши учун ходим уз раҳбарига топширикни кандай тушунгани хақида хабар бериши, раҳбар эса ундан нималар кутишини айтиши керак. Топширикнинг узи кандай қуйилиши (тугрироги ахборот) ва ахборотни узатиш воситаси муҳим аҳамиятга эга.

Корхонанинг ичида ахборот вертикаль коммуникация доирасида даражадан-даражага қуринишида жойлаштирадилар. Улар юкоридан пастга узатилади. Масалан, дорихона раҳбари булим бошлигига қайси маҳсулотдан кандай муддатда тайёрлаш кераклигини айтади. Булим бошлиги уз навбатида провизор технологу ахборот беради. Юкоридан пастга ахборот узатишдан ташқари, тесқари алоқа, яъни пастдан юкори коммуникацияга дорихона муҳитига берилади. Масалан, провизор-технологёки провизор-аналитик дори-дармонни тайёрланганлиги ва сифати анализи утказганлиги хақида ахборот берса, булим бошлиги уз навбатида дорихона мудирига етқазади. Пастга тушувчи ва юкорига чиқувчи ахборотлардан ташқари корхона горизонтал коммуникацияга муҳтож булади. Корхона функционал булим ва цехларида, булималардан иборат. Улар уртасида фаолиятларини мувофиқлаштирувчи ахборот алмашишлари, масалан, корхона турли маҳсулот дори-дармон чиқариши керак. Шунинг учун маркетинг булим бозорда кандай товарга, дори-дармон талаб бор, уларнинг нархи канчалигини билиши ута зарур. Молия иктисод булими бу товарларнинг таннархини ҳисоблаши керак.

### **5.6. Глобал ахборот тизимлари**

Агар бир томон ахборотни таклиф этса, 2 томон уни ҳеч қандай тусиксиз қабул қилса, ахборот алмашган ҳисобланади. Шунинг учун коммуникация жараёни жуда катта эътибор бериши керак. Ҳозирги пайтда энг муҳим коммуникация воситаси сифатида компьютерлар хизмат қилмоқда. Бозор муносабатларининг утилиши компьютерлаштириш аҳамиятини кескин ошириб юборди. Халқаро амалиёт иқтисодни компьютерлар ёрдамида бошқаришни афзал қурмоқда. Компьютерлар ёрдамида ахборот тупланади, дастурлар тузилади, маълумотлар банкка ҳосил қилинади. Компьютерлар нафақат ишчиларни бошқариш учун, балки иқтисодиётни барча жаҳаларига керак.

Яқун чиқариш

1. Ахборот – менежмент учун зарурий хабар ва маълумотлар мажмуидир. Ахборотсиз бошқарув бўлмайди.

2. Бошқарувчи ва бошқарилувчи системалар ўртасидаги боғлиқлик шакллари ишлаб чиқариш ахборотларидир.

3. Иқтисодий ахборот – менежментда асосий роль ўйнайди.

4. Ахборот – системаларни мураккаб ахборот тузилмалари бўлиб, у турли ҳужжатларни, ахборот оқими, алоқа каналлари, техник воситалар, автоматлаштирилган бошқарув системаларни ўз ичига олади.

5. Раҳбар қабул қилган бошқарув қарорлари ва унинг маъноси ахборот ҳужжатларига боғлиқ.

6. Коммуникация жараёни – бу икки ва ундан ортиқ одамлар ўртасидаги ахборот алмашиш жараёнидир.

7. Компьютер нафақат ишлаб чиқаришни бошқариш учун, балки иқтисодиётни барча жаҳаларига керак.

Бошқарув коммуникациялари ишлаб чиқаришга таълуқли бўлмаган кофялар фарк қилади. Қундалиқ коммуникация олдиндан режалаштирилмайди. Улар муҳокамали масалаларни ҳар хиллиги (шахсий, сиёсий, ижтимоий ҳужалик ва б.) билан фарк қилади. Қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлмайди ва афзал ахборот характерига эгадир.

Сухбат «технологияси» дейилганда, сухбатни 3 қисмга бўлиб қуришни иқриш, асосий ва яқуний ҳулоса. Бундан ташқари технологияда 3 асосий компонент: сухбатдош (кадр) кадрни гапиртириш, гапини эшита олиш, гапирилганларидан тугри ҳулоса чиқариш ва баҳолаш. Менежер қўл остидагилари билан муомала қилиш йўллари олин ўрганиб чиқиши керак. Шунда жамоада соғлом атмосфера ҳосил бўлади. Жамоада низолар келиб чиқишини олдини олиш керак бўлади. Бир хил вазиятлардан чиқиб кетиш усуллари билиши керак бўлади.

## **6-МАВЗУ. ФИРМАНИНГ БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ**

6.1. Фирманинг бизнес фаолиятини моделлаштириш ва унинг хусусиятлари.

6.2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш тизими, бизнес фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни ўрганиш.

6.3. Рақобат қураши шароитида фирма фаолияти ёки фаоллигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар.

6.4. Зарарсизлик нуқтаси ва уни аниқлаш усуллари, зарарсизлик нуқтасини таҳлил қилишнинг зарурлиги.

6.5. Корхона бизнес-режаси ва унинг таркибий қисмлари.

6.6. SWOT таҳлил, турли хил тўловлар.

6.7. Маркетинг дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган замонавий ахборот технологиялари ва махсус компьютер дастурлари.


### **6.1. Фирманинг бизнес фаолиятини моделлаштириш ва унинг хусусиятлари**

Бозорнинг тўхтовсиз ўзгариб турувчи шароитлари корхоналарга узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш, мақсадларни, имкониятлар ва ресурсларни аниқлаш жараёнига жиддийроқ ёндашишни талаб қилмоқда. Бу иш режалаштириш асосида амалга оширилади, унда муҳим ролни маркетинг эгаллайди.

**Маркетингни режалаштириш** — бу маркетинг мақсадларига эришиш учун маркетинг ресурсларини тизимли тадқиқ қилишдир. Бу восита ёрдамида корхона фойдага таъсир қилувчи кўпгина ички ва ташқи омилларни кузатиб боради ва назорат қилади. Мазмуни, ишлаб чиқаришнинг давомийлиги ва кетма-кетлиги, расмийлаштириш даражаси ва режалаштиришни ташкил қилиш нуқтаи назаридан мазкур жараён турли корхоналарда турлича ташкил қилинади. Талабнинг ҳажми ва тўзилмаси ноаниқ тебраниб турган, тижорат операцияларини ўтказишда хавф-хатарнинг даражаси юқори бўлган бир нечта бозорларда фаолият юритувчи корхона кўпроқ муайян бозор вазиятлари учун ишлаб чиқиладиган вазиятли режаларни қўллашга асосланади. Режалаштириш жараёнининг бевосита ўзи қуйидаги ўзаро боғлиқ элементлардан иборат: таҳлил, режалаштириш, реализация ва назорат. Бу жараён ҳар қандай режалаштириш турлари учун универсалдир.

**Таҳлил** — мазкур корхонада юзага келган вазиятни батафсил аниқлаш ва, асосийси, унинг ривожланишига қўмақлашувчи ва хавф-хатардан қочишга имкон берадиган ҳақиқий имкониятларни аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Корхона ишида -йиллик, узоқ муддатли ва стратегик режалар қўлланади. Энг содда бўлиб -йиллик режа ҳисобланади, унда келгуси йилга мақсадлар, хатти-ҳаракатлар дастури, стратегия, бюджет ва назорат шакллари тўпланган бўлади. Шу билан бирга унга деталлашган даражада маҳсулотлар номенклатураси, уларни ишлаб чиқариш ҳажми, нархлари, харажатлари, силжитиш усуллари, сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш шакллари ва ҳоказо киритилади. Узоқ муддатли режа келгуси бир неча -йилга тузилади ва, одатда, ҳар -йили унга ички ва ташқи шароитларга кўра ўзгартиришлар киритилади. Стратегик режа корхонанинг кенг истиқболини қамраб олади ва корхона имкониятлари (потенциали) ва атроф-муҳит (бозор)нинг тез ўзгариб турувчи шароитлари ўртасида қулай нисбатни сақлаб туриш ва мустаҳкамлаш учун қўлланади. Демак, стратегик режа муайян вақт ичида ташкилотга таъсир қилиши қўтилаётган асосий омиллар ва кучларни тасвирлайди, шунингдек, узоқ муддатли мақсадлар ва асосий маркетинг стратегияларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни ўз ичига олади. Охириги вақтларда корхона ишининг амалиётида бизнес-режаларни ишлаб чиқиш тобора кенг тарқатилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда корхона режалаштириш умумий тизимида бизнес-режанинг ўрнини аниқлаш мақсадга мувофиқ деб топилади. Кичик корхоналар учун битта бизнес-режа тузилиши мумкин бўлса ҳам, кўпчилик корхоналар учун бизнес-режа ишлаб чиқариш — хўжалик ва сотиш фаолияти режаларидан биридир.



**6.1-чизма. Корхона миссиясини аниқлаш.**<sup>45</sup>

Стратегик режалаштириш корxonанинг бошқа барча режалаштириш турларининг асоси (шу жумладан, маркетингнинг ҳам) бўлиб, **корхона миссиясини аниқлашдан** бошланади (6.1-расм). Миссия — бу корхона мақсадининг ўзи, яъни корхона яқин келажакда кенг маънодаги эришмоқчи бўлган нарсалар. Миссия аниқ ифодаланиши зарур ва атроф-муҳит динамикасига мос келиши лозим. Бунда куйидагиларни аниқлаш керак: мижозларни; мижозларнинг эҳтиёжларини; улардан қайсиларини ва қандай қондирмоқчимиз?

Корхона миссиясини аниқ белгилаб олгандан кейин олий раҳбарият **ишлаб чиқариш портфелини** ишлаб чиқишга киришади (баъзан уни бизнес-портфел деб ҳам аташади). У корхона ҳаракатлари дастурида бўлган фаолият ва чиқарилаётган товарлар турлари рўйхатидан иборат. Даставвал, корxonанинг мавжуд ишлаб чиқариш портфелини таҳлил қилиш керак. Бу ерда корхона фаолиятининг энг муҳим йўналишларини (товар гуруҳи, товар, савдо маркаси), улардан ҳар бирининг жозибалига даражасини, инвестиция ва фойда олиш имкониятларини аниқлаш назарда тутилади (портфелни режалаштириш усуллари, хусусан, БКГ, Джи-И-Маккензи, Ансофф ва бошқалар).

## **6.2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш тизими, бизнес фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни ўрганиш**

Бизнесни бошқариш жараёни кенг маънода қараганда тўртта компонентни ўз ичига олади:

<sup>45</sup> Philip Kotler, Kevin Lane Keller. Marketing management. 12 th edition. 2010 by Pearson Education, Inc.p. 78.

корхона бозор имкониятларининг таҳлили;  
 мақсадли бозорларни танлаш;  
 маркетинг комплексини ишлаб чиқиш;  
 маркетинг тадбирларини ҳаётга тадбиқ этиш.

Маркетингни бошқариш ва корхонанинг маркетинг стратегиясига таъсир кўрсатувчи омилларнинг дифференциацияси умумий жараёни чизма шаклида 6.2-расмда кўрсатилган.



6.2-чизма. Бизнесни бошқариш умумий жараёни<sup>46</sup>

Кўриниб турибдики, диққат-эътибор марказида мақсадли истеъмолчилар турибди. Корхонанинг вазифаси шундан иборатки, бозорнинг танлаб олинган истикболли сегментларига нисбатан маркетинг комплексини (товар, нарх, тарқатиш ва силжитиш) ишлаб чиқиш ва маркетинг ахборотини таҳлил қилиш, маркетингни режалаштириш ва маркетинг назорати ёрдамида уни ҳаракатга келтиришдан иборат.

**Корхонанинг бозор имкониятлари** — бу корхонанинг фойда олиш мақсадида бозордаги фаолиятининг жозибали йўналишлари. Маркетинг қарорларини қабул қилиш ва уларни амалда тадбиқ қилиш бўйича хатти-ҳаракатларни режалаштириш учун корхонанинг бозор имкониятларини таҳлил қилиш зарур. Бунинг учун таҳлилнинг қуйидаги усуллари қўлланилади: **Вазиятли таҳлил; SWOT-таҳлил; СТЕР-таҳлил; САР-таҳлил.**

**Вазиятли таҳлилнинг** аҳамияти шундан иборатки, маркетинг ташқи ва ички муҳитининг асосий элементлари кетма-кет кўриб чиқилади ва улардан ҳар бирининг корхонанинг бозор имкониятларига таъсири даражаси аниқланади. Натижада истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини ҳисобга олиш, бозор вазиятини билиш, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракатларига корхонанинг жавоб реакцияларини баҳолаш, таъминотчилар ва воситачиларга нисбатан олиб борилаётган сиёсат аниқланиб олинади. Корхонанинг бозор имкониятларини таҳлил қилиш бўйича чуқурроқ ва батафсилроқ маълумотларни SWOT-таҳлил асосида олиш мумкин.

<sup>46</sup>Naresh M. Marketing research. Second edition. 2014 by Pearson Education, Inc.p. 145.

**СТЕР-таҳлил** (инглиз атамаларининг бош ҳарфларининг аббревиатураси) корхона ташқи муҳитининг энг муҳим элементлари таҳлиliga асосланади. Яъни: иқтисодий, техник-технологик, ижтимоий-демографик, экологик, сиёсий, этик ва ҳуқуқий. Бунда макро-муҳитни шакллантириш ва муайян корхона билан алоқа қилишда ўзгаришлар ва тенденцияларга тегишли бўлган ахборот тўпланадиган маълумотлар банки яратилади.

**САР-таҳлил** корхона фаолиятида хоҳлайдиган ва ҳақиқий воқеалар ўртасидаги стратегик ўзилиш ва фарқларни аниқлашга имкон беради. Корхона фаолиятидаги қўтиладиган натижалар сифатида кўпинча муайян корхона эришмоқчи бўлган «баландлик» чиқади. Ҳақиқатга келсак, корхонанинг вазияти ўзгармаганда, ҳақиқатан эришиши мумкин бўлган ёки эришган натижалар ҳисобланади.

**Мақсадли бозорларни танлаш** — бу корхона ўзининг маркетинг хатти-ҳаракатларини йўналтирмоқчи бўлган жозибали бозорни аниқлашдир. Бу ердаги қабул қилинган қарорлар йўналишларни, сегментациянинг мезонларини ва кўрсаткичларини танлаш, шунингдек, сегментациялаш усуллари ва бозорнинг мақсадли сегментларини танлаш каби жараёнлар билан боғлиқ.

**Маркетинг комплексини ишлаб чиқиш** қўйилган мақсадларга эришишни энг яхши тарзда таъминлай оладиган маркетинг қуролларининг комбинациясини қўллашдан иборат. Маркетинг комплексини шакллантиришга, биринчи навбатда, бозорнинг танланган мақсадли сегментидаги талабнинг аҳволи (ривожланаётган, салбий, иррационал ва ҳоказо) таъсир кўрсатади. Шунинг учун вазиятнинг хусусиятига қараб маркетинг воситаларининг муайян комбинацияси устувор йўналишлар ва стратегик қарорлар кўрсатилган ҳолда тузилади.

**Маркетинг тадбирларини ҳаётга тадбиқ қилиш** — бу корхонанинг мақсадли бозордаги маркетинг хатти-ҳаракатларининг аниқ режасидир. У қабул қилинган қарорларга мувофиқ барча маркетинг воситаларини ўз ичига олади (маркетинг-микс). Режа қуйидаги тўзилмага эга:

- 1) тадбирнинг номи;
- 2) бажарилиши муддатлари;
- 3) тадбирни бажариши учун масъул шахс;
- 4) тадбирни ўтказиши қиймати;
- 5) қўтиллаётган натижалар.

### **6.3. Рақобат кураши шароитида фирма фаолияти ёки фаоллигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар**

**Маркетинг режаси** — бу маркетинг фаолиятининг барча турларини корхонанинг мақсадлари, унинг ресурслари, кадрлар имконияти, ташкилий тузилишига мувофиқ бирлаштиришга имкон берувчи ташкилий-бошқарувчилик ҳужжатидир. Корхона келажак ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак, деган фикр мавжуд. Бу тасаввур асосий стратегик йўналишни белгилайди, тафсилотлар эса олдинга ҳаракатланиш даврида ишлаб чиқилади. Шунинг учун маркетинг режаси ҳал қиладиган вазифалардан келиб чиққан ҳолда унинг корпоратив режадаги вазияти мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди.

Маркетинг режаси одатда киришдан бошланади, унда мақсадлар ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича тадбирлар баён қилинади (6.1-жадвалга қаранг). Бозор вазияти ва унинг истиқболлари бўлимида тақдим қилинган ахборот асосида бозор, товар, рақобатчилар ва товарларни тарқатиш таҳлил қилинади. Корхона

имкониятлари ва хавф-хатарларини таҳлил қилишдан мақсад товарга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий хавфлар ва имкониятларни тасвирлашдир. Молиявий ва маркетинг мақсад ва вазифалари бўлимида мазкур товар бўйича корхонанинг вазифалари ифодаланади. Ҳаракатлар дастурлари нима, ким томондан ва қачон амалга оширилишини ва бунинг қиймати қанча бўлишини белгилайди. Бюджетлар — бу кўтиладиган харажат ва даромадлар. Улар мазкур режанинг бажарилиш натижаларини олдиндан молиявий баҳолашга имкон беради ва, ниҳоят, назорат ва тартиблаштириш режанинг бажарилиши қандай назорат қилиниши ва режадаги хатти-ҳаракатлар ўзгартириш бўйича тадбирлар қандай амалга оширилишини кўрсатади.

## 6.1-жадвал

### Маркетинг режаси мазмуни<sup>47</sup>

Бўлимлар	Мазмуни
Кириш	Режа бўлимларидан қисқача хулосалар
1. Бозор вазияти ва унинг истиқболлари	Маркетинг муҳити, истеъмолчилар, рақобатчилар ва уларнинг товарлари, сотиш каналлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлили
2. Корхона имкониятларининг таҳлили	Қулай омиллар ва хавф-хатарни баҳолаш
3. Молиявий ва маркетинг мақсад ва вазифалар	Соф фойда, сотилишлар ҳажми, бозор улуши, нархлар даражаси, реклама билан қамраб олиш ва ҳоказо кўрсаткичлар
4. Маркетинг стратегияси	Муаммолар, уларни ечишнинг йўллари ва вариантлари
5. Ҳаракатлар дастури	Нима қилиш керак? Қачон? Ким шу учун жавоб беради? Натижа қандай бўлиши керак? Бунинг қиймати қанча бўлади? деган саволларга жавоб
6. Бюджетлар	Натижалар ва харажатларни таққослаш
7. Назорат ва тартиблаштириш	Таъсирчанликнинг таҳлили ва режадаги ҳаракатларни ўзгартириш бўйича тадбирлар

Шундай қилиб, маркетингни режалаштириш ҳақиқий ва тан олинган мақсадларга олиб келади, корхонанинг муваффақиятини оширади, харажатларни камайтиради ва ортиқча хатти-ҳаракатларни қисқартиради ва бу орқали устувор йўналишларни аниқроқ тушунишга олиб келади, шунингдек, бозор тўғрисидаги фойдали маълумотларнинг юқори даражасини талаб қилади ва корхона устидан назоратни яхшилайдди.

### *Маркетинг тактикаси*

<sup>47</sup> Philip Kotler, Kevin Lane Keller. Marketing management. 12 th edition. 2010 by Pearson Education, Inc.p. 72.

Ривожланишнинг стратегик йўналишини белгилаб олиб фирмалар маркетинг тактикаси масалаларини ҳал қиладилар. Тактика деганда яқин вақтга қўйилган мақсадларга эришиш бўйича ҳаракатлар режаси тушунилади. Бу ерда оператив режани ишлаб чиқиш асосий аҳамиятга эга. Бунда ким, нимани, қачон ва қаерда қилиши кераклиги белгилаб олинади. Бу режа стратегик режага қараганда эластикроқ бўлиб ҳисобланади. У бозорда рўй бераётган ўзгаришлар, турли маркетинг тадбирларига жавоб реакцияси, товарларнинг рақобатбардошлиги ўзгариши, сегментация бериши мумкин оўлган янги имкониятлар, шунингдек, нархлаштиришдаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Тактик режанинг ушбу асосий ҳолатларини қисқача кўриб чиқамиз.

Маркетинг тадбирларини режалаштириш ва амалга эшириш кўп жиҳатдан истеъмолчилар хатти-ҳаракатларининг ўзгариши, яъни қуйидаги саволларга жавоб бериш орқали белгиланади: Ким? Қандай? Қачон? Қаерда? Ва нима учун сотиб олади? Шунинг учун даставвал *харидорлар хатти-ҳаракатининг моделини* кўриб чиқамиз:

<i>Кузатилади</i>		<i>Кузатилмайди</i>		<i>Кузатилади</i>
Таъсир этувчилар		Харидорлар онгининг «Қора яшиги»		Харидорнинг жавобреакцияси
Маркетингомиллари	Бошқомиллар			
Товар Нарх Товар ҳаракати Силжитиш	Иқтисодий Илмий техник Сиёсий Маданий	Харидорнинг тавсифлари	Харид ҳақида қарор қабул қилиш жараёни	Товарни танлаш Маркани танлаш Харид жойини танлаш Харид вақтини танлаш Харид объектини танлаш

### 6.3-чизма. Харидорлар хатти-ҳаракатининг модели.<sup>48</sup>

Ушбу модел учта блокдан иборат. Улардан иккитасини кузатиш мумкин, биттасини эса бевосита кузатиш мумкин эмас. Айнан шунинг учун харидорлар онгининг «қора яшиги» ҳозирча кам ўрганилган, чунки унда бевосита эмас, балки билвосита тавсифлар ўрганилади.

Маълумки, турли сабабларга кўра харидорлар бозорда ўзларини ҳар хил тутадилар. Уларнинг хатти-ҳаракати турли омилларга боғлиқ: ижтимоий, иқтисодий, табиий-иқлимий, демографик, эстетик, психологик. Ушбу омилларнинг таъсири харидорларни энг умумий тавсифлар бўйича гуруҳлаш асосида ўрганилади (жинси, ёши, малакаси, ижтимоий аҳволи, яшаш жойи ва ҳоказо). Маркетинг тактикаси фирма харидорларнинг қайси гуруҳлари билан ишлашига қараб белгиланади.

«Қора яшик»нинг иккинчи қисми — харид ҳақидаги қарорни қабул қилиш жараёни — бешта босқични ўз ичига олади (6.4-чизма).

Муаммони англаш	Ахборот ниизлаш	Вариантларни баҳолаш	Харидтўғрисида агиқарор	Харидга жавобреакцияси
-----------------	-----------------	----------------------	-------------------------	------------------------

<sup>48</sup> Philip Kotler, Kevin Lane Keller. Marketing management. 12 th edition. 2010 by Pearson Education, Inc.p. 170.

#### **6.4-чизма. Харид тўғрисида қарор қабул қилиш босқичлари**

Харид жараёни олди-сотди жараёнидан анча олдин бошланиши сабабли маркетинг тактик режасининг мақсади ушбу босқичлардан ҳар бирига кириб бориш ва харидорнинг хатти-ҳаракатларини фирма учун керак бўлган томонга йўналтиришдан иборат.

Янги товарларни харид қилиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан келиб чиқадики, харидорлар, одатда, товар тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлмайдилар. Шунинг учун бу ҳолда қуйидаги босқичлар қўшилади: хабардорлик, қизиқиш, татиб кўриш. Шунини ҳам назарда тутиш керакки, одамлар янгиликларга турлича муносабатда бўлади — баъзилари уларни дарҳол қабул қилади, бошқалар бу жиҳатдан анча орқада қолади.

Янги товар маркетингининг тактикаси уни 50% харидорлардан қўпи қабул қилмаслигини, қолган қисми учун эса турли маркетинг воситаларидан фойдаланиб курашиш керак бўлишини ҳисобга олиши керак.

Рақобат ва товарнинг рақобатбардошлиги маркетингнинг тактик режасини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бозорда бир нечта сотувчи бўлгандан кейин, табиийки, улар ўртасида рақобат, харидор учун кураш бошланади. Бу курашнинг муваффақияти, асосан, у қанчалик ташкиллаштирилган ва саводли олиб борилишига боғлиқ бўлади.

#### **6.4. Маркетинг назоратини амалга ошириш**

*Маркетинг назорати* — бу маркетинг стратегиялари ва режаларининг натижаларини ўлчаш ва баҳолаш, маркетинг мақсадларига эришишни таъминловчи ўзгартирувчи ҳаракатларни бажариш бўйича тадбирлар комплексига айтилади.

Корхоналар фаолияти амалиётида асосан назоратнинг қуйидаги турлари қўлланилади: -йиллик режалар назорати, даромадлилик назорати, самарадорлик назорати ва стратегик назорат (6.2-жадвал).

*Йиллик режалар* сотилишлар ҳажмлари, бозор улуши, маркетинг харажатлари ва сотилишлар ҳажми ўртасидаги нисбат, молия таҳлили ёрдамида назорат қилинади. Шу билан бир қаторда корхонанинг товарлари ҳақидаги истеъмолчилар фикри ҳам ўрганилади.

Сотилишларнинг таҳлили турли маҳсулотларнинг турли бозорларда ҳақиқий сотилиш ҳажмини бу соҳада қўйилган вазифаларга нисбатини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида амалга оширилади. Бозор улушининг таҳлили корхонанинг рақобатчиларга нисбатан бозордаги ҳолатини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Маркетинг харажатлари ва сотилишлар ҳажми харажатлари қуйидаги кўрсаткичлардан иборат: савдо агентлари фаолиятининг харажатлари сотилишлар ҳажмига нисбати; реклама харажатларининг сотилишлар ҳажмига нисбати; сотишни рағбатлантириш харажатларининг сотилишлар ҳажмига ва сотиш бўлимларининг маъмурий харажатлари сотилишлар ҳажмига нисбати. Маркетинг харажатлари ва сотилишлар ҳажми ўртасидаги муносабатни таҳлил қилиш ҳақида гапирсак, у корхонага маркетинг харажатларининг самарадорлигини баҳолашга ва уларнинг энг қулай катталигини аниқлашга имкон беради.

Таҳлилнинг миқдор турлари билан бир вақтда сифат ўлчашларни ҳам олиб бориш керак. Уларнинг натижалари раҳбариятни сотилишлар ҳажмида рўй бериши

мумкин бўлган ўзгаришлар тўғрисида огоҳ этиши мумкин. Гап истеъмолчилар, дилерлар ва бозорнинг бошқа субъектларининг фикри ва муносабатини ўрганиш ҳақида бормоқда. Бунда истеъмолчиларнинг оғзаки ва ёзма шикоятлари синчиклаб ўрганилади, махсус истеъмолчилар панеллари тузилади, истеъмолчиларнинг қисқа муддатли тадқиқотлари олиб борилади.

6.2-жадвал

Маркетинг назорати турлари<sup>49</sup>

Назорат тури	Асосий жавобгарлик	Назоратнинг мақсади	Мазмуни
1. Йиллик режанинг назорати	Олий ва ўрта даражадаги раҳбарият	Режалаштирилган натижалар эришилганлигини текшириш	Сотиш ҳажмининг таҳлили. Бозор улушининг таҳлили. Сотиш ҳажмининг харажатларга нисбатининг таҳлили. Истеъмолчилар фикрининг таҳлили
2. Самарадорлик назорати	Маркетинг фаолиятининг назоратчиси	Компания қаерда пулни қўлга киритиб, қаерда йўқотаётганини текшириш	Маҳсулотлар, ҳудудлар, истеъмолчилар, савдо каналлари ва ҳоказолар жиҳатидан фойдалиликни аниқлаш
3. Даромадлилик назорати	Чизиқли ва штаб хизматларининг раҳбарлари. Маркетинг фаолиятининг назоратчиси	Маркетинг фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва ошириш	Сотувчилар иши, реклама, савдони, тақсимотни рағбатлантиришнинг самарадорлигини таҳлил қилиш
4. Стратегик назорат	Олий раҳбарият, маркетинг аудиторлари	Компания бозорлар, маҳсулотлар ва каналларга нисбатан ўз имкониятларидан яхши фойдаланмоқдами	Маркетинг фаолияти самарадорлигининг таҳлили, маркетинг фаолиятининг аудиторлик назорати

**Фойдалилик назорати** турли маҳсулотлар, ҳудудлар, истеъмолчилар гуруҳлари, товар ҳаракати каналларининг фойдалилигини таъминлаш мақсадида баҳолаш ва ўзгартирувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан иборат.


6.6. SWOT таҳлил, турли хил тўловлар

<sup>49</sup> Philip Kotler, Kevin Lane Keller. Marketing management. 12 th edition. 2010 by Pearson Education, Inc.p. 815. 89

Бунда ғарб амалиётида кенг тарқалган SWOT — корхона фаолиятининг таҳлили (қуйидаги сўзларнинг бош ҳарфларидан олинган қисқа ном: Афзалликлар ва Камчиликлар, корхона учун Имкониятлар ва Таҳдидлар) тавсия этилиши мумкин. У чизма шаклида 6.5-расмда кўрсатилган.

Афзалликлар ва Камчиликларни баҳолашда асосий эътибор корхонанинг ички омилларига, Имкониятлар ва Таҳдидларни баҳолаганда эса ташқи муҳитни белгилайдиган омилларга қаратилади.

Корхонанинг ички омиллари ундан ташқарида юзага келадиган истеъмолчилар, таъминотчилар, рақобатчилар, алоқадор аудиториялар ва жамоатчилик фикри билан боғлиқ бўлган муаммоларга қараганда осонроқ аниқланади.



6.5-чизма. Корхона фаолияти ва ривожланишининг SWOT-таҳлили.<sup>50</sup>

Афзаллик ва камчиликларни аниқлашга ресурслар ва имкониятларнинг тавсифи ёрдам беради. Бундай дейилганда корхона учун ижобий деб баҳолашимиз мумкин бўлган ҳар қандай турли кўрсаткичлар ва катталиклар тушунилади. Масалан, корхона даражасида бу илғор ёки энг янги технологиялар ва «ноу-хау»лар, ишлаб чиқариш ва бошқарув ходимларининг тегишли тайёргарлиги, бошқариш ва рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқиш ёки замонавийлаштириш.

Шундай қилиб, корхона фаолиятининг SWOT-таҳлили корхона фаолиятини такомиллаштириб бориш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки имкониятлар ва афзалликларни ўстириш ва кучайтириш керак, таҳдидлар ва камчиликларнинг таъсирини камайтириб, уларнинг салбий таъсирини йўқотиш ёки ўз афзалликларига айлантириш керак. Буни ташқи контур — 6.5-чизмадаги стрелкалар кўрсатмоқда. Корхона фаолиятининг SWOT-таҳлилига гипотетик мисол 6.3-жадвалда келтирилган.

**Умуман корхона даражасида маркетинг назорати** маркетинг самарадорлиги даражасини баҳолаш ва корхонанинг юқори раҳбарияти томонидан тегишли қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни олишдан иборат. Мазкур назорат

<sup>50</sup> Philip Kotler, Kevin Lane Keller. Marketing management. 12 th edition. 2010 by Pearson Education, Inc.p. 81.

қуйидагиларни баҳолашни назарда тутати: маркетингнинг стратегик ва -йиллик режалари бажарилишининг самарадорлиги; маркетинг фаолияти соҳасидаги тараққиёт; нарх — харажатлар — фойда муносабатини; янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш натижаларини.

*Бўлинма даражасида маркетинг назорати* узлуксиз асосда амалга оширилади. У маркетинг фаолияти алоҳида элементларининг самарадорлигини қисқа вақт оралиқларида ва мазкур бўлинманинг раҳбарияти компетентлигини узоқ муддатли истиқболда баҳолашга йўналтирилган.

### 6.3-жадвал

#### Корхона фаолиятининг SWOT-таҳлили

Афзалликлар	Камчиликлар	Имкониятлар	Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўзига хос асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги</li> <li>➤ Яхши жиҳозланган ишлаб чиқариш-техник база</li> <li>➤ Малакали бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари</li> <li>➤ Корхонанинг яхши обрў-иззати</li> <li>➤ Раҳбариятнинг маъмурий органлар билан иш алоқалари</li> <li>➤ Яхши ғояларнинг мавжудлиги ва уларни доимий қўллаб туриш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ишлаб чиқариш ускуналарининг тўла қувват билан юкланмаганлиги</li> <li>➤ Корхона маҳсулотига талабнинг пастлиги</li> <li>➤ Эскирган асбоб-ускуналар</li> <li>➤ Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари режалаштирилгандан юқори</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Бозорнинг каттароқ улушини эгаллаш</li> <li>➤ Ишлатилмайдиган ишлаб чиқариш захираларининг кўплиги</li> <li>➤ Диверсификация учун қўлай имкониятлар (фойдаланмайдиган ишлаб чиқариш-маъмурий майдонлар, малакали ходимлар, ғояларнинг мавжудлиги)</li> <li>➤ Корхона маҳсулотига стратегик талабга доир тадқиқотни ўз кучи билан ўтказиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Маҳсулотни сотиш ҳажмларининг пастлиги</li> <li>➤ Рақобатчиларнинг қаршилиги кўтиладигандан юқори</li> <li>➤ Ишлаб чиқарилган маҳсулотга ҳақ тўламасликнинг ўсиши</li> <li>➤ Ёқилғи-энергетика ва бошқа ресурсларга нархларнинг ўсиши</li> </ul>

*Ташқи назорат*, одатда, маслаҳат берувчи фирмалар томонидан амалга оширилади. Масалан, реклама агентликлари, реклама компаниясининг самарадорлигини баҳолаш билан бир қаторда маркетинг фаолиятининг муайян шароитларга мувофиқлигини ҳам баҳолаши мумкин. Ёки бозор тадқиқотлари билан шуғулланадиган фирмаларни олсак, улар сотишнинг таққослама динамикасини ва

истеъмолчиларнинг корхона товарларига муносабатини баҳолайдилар. Ва, ниҳоят, аудиторлик фирмалари умуман маркетинг фаолиятининг самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишлари мумкин.

## **6.7. Маркетинг дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган замонавий ахборот технологиялари ва махсус компьютер дастурлари**

*Маркетинг бюджети* режалаштириладиган даромадлар ва харажатлар асосида ресурсларни тақсимлаш ва назоратни амалга оширишга доир тўғри қарорлар қабул қилиш мақсадида турли товар ва истеъмолчилар гуруҳлари (мақсадли бозорлар)га нисбатан ишлаб чиқилади. Одатда, маркетинг бюджетини тузишда иккита ёндашув қўлланилади: биринчиси — *«мақсадли фойда асосида режалаштириш»* ва иккинчиси — *«фойдани оптималлаштириш асосида»* деб номланади.

Биринчи ҳолда маркетинг бюджетини ишлаб чиқиш қуйидаги кетма-кетликка эга:

- *бозор сизимининг истиқболлини белгилаш;*
- *корхонанинг бозор улуши истиқболлини белгилаш;*
- *сотишлар ҳажмини белгилаш, нархларни ўрнатиш;*
- *сотишлардан даромадлар;*
- *доимий ва ўзгарувчан харажатлар, шу жумладан, маркетинг харажатлари;*
- *мақсадли фойда суммаси;*
- *яли фойда;*
- *маркетинг харажатлари.*

Яли фойдадан ўзгарувчан ва доимий харажатлар, шунингдек, мақсадли фойданинг қиймати чегариланади. Шундай қилиб, маркетинг харажатлари белгиланади. Шундан кейин маркетинг харажатлари маркетинг-миксининг алоҳида элементлари бўйича деталлаштирилади.

Иккинчи ҳолда муайян вақт оралиғида, турли харажатларга, маркетинг-миксининг битта ёки бир нечта элементларига нисбатан сотиш ҳажмининг истиқболли баҳолари аниқланади. Прогноз статистик, экспериментал ва экспертли усуллар асосида баҳоланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, сотиш ҳажми маркетинг харажатлари кўпайиши билан ўсиб боради. Бироқ, маркетинг харажатларининг паст бўлиши сотиш ҳажмининг кескин ўсишига олиб келмайди, ушбу харажатлар кўпайганда сотиш самарадорлиги ҳам ўсиб боради, лекин маркетинг харажатларининг муайян қийматларидан кейин камайиб боради (бозор тўйинади).

Шу билан бирга маркетинг бюджетини тузиш бозорда фаолият юритишнинг мақсадлари ва стратегиялари ўртасида устувор йўналишларни белгилаш, ресурсларни тақсимлаш соҳасида аниқ қарорлар қабул қилиш, самарали назоратни амалга оширишга имкон беради.

Маркетинг бюджетини ишлаб чиқиш жараёнида маркетинг комплексининг ҳар бир компоненти бўйича мақсадга эришиш учун *ҳаракатлар дастури ва кадрлар таъминоти* энг муҳим бўлиб ҳисобланади. Ҳаракатлар дастури — бу фаолиятни амалга ошириш учун керак бўлган ҳамма маркетинг тадбирларини ижро этувчилар дастурининг ўртасида функцияларни тақсимлаган ҳолда тасвирлайдиган ҳужжатдир.

Табиийки, маркетинг харажатларининг ҳажми ва структураси корхона фаолиятининг миқёси ва унинг бозордаги ҳолатига бевосита боғлиқ. Янги товарларни

чиқариш, кенгайиш ёки янги сотиш бозорларини ўзлаштириш, кескин ошиб бораётган рақобат, корхона нуфузини ошириш зарурияти харажатларнинг кўпайишига олиб келади.

Санаб ўтилганлар билан бир қаторда фирмалар амалиётида маркетинг бюджетини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, «қатъий белгиланган фоиз» усули, «имкониятлардан келиб чиқиб» молиялаштириш, «мақсад-вазифа» усули ва хоказо.

**«Қатъий белгиланган фоиз» усули** сотилиш (тушум)нинг ўтган даврдаги ҳажмидан фарқ қиладиган муайян улушга асосланади. Бу усул даставвал ўзининг соддалиги билан фарқланади ва шу сабабли кўпроқ кичик корхоналар ва яққаланган бўлинмалар, филиаллар ва шуъба корхоналар фаолият юритадиган тадбиркорлик соҳасида кенг қўлланилиши мумкин. Бу усулнинг асосий камчилиги шундан иборатки, маркетингнинг ривожланиши корхонанинг илгариги ютуқларига боғлиқ бўлиб қолади (сотилишлар ҳажми камайиши билан маркетингга ажратмалар ҳам шунга мувофиқ камайиб боради).

«Имкониятлардан келиб чиқиб» молиялаштириш асосан истеъмолчиларга эмас, ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналар томонидан қўлланади. Мазкур ҳолда маркетинг тадбирларига маблағларни ажратиш барча ишлаб чиқариш талаблари қондирилгандан кейин амалга оширилиши мумкин. Яъни бу ерда молиялаштиришнинг «колдик» усули ва ундан келиб чиқадиган субъективизм ва тасодифийлик омиллари кўриниб турибди.

**«Мақсад-вазифа» усули** бошқа усуллардан фаркли равишда маркетинг тадбирларини корхона ишининг аниқ, мақсадлари билан боғлаш заруриятини назарда тутаяди. Бу эса маркетинг харажатлари корхона ўз мақсади сари боришда олиши керак бўлган манфаатлари билан ўлчаниши кераклигини билдиради. Бу усулни куллаш маркетинг умумий мақсадларининг вақт ораликлари бўйича тез-тез такрорланадиган, маркетинг қуролларининг муайян тўпламидан фойдаланадиган кичик мақсадларга бўлинишини назарда тутаяди.

## **7-МАВЗУ. РАҚОБАТ БОЗОРИНИНГ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ТАЛАБНИ ЎРГАНИШ**

- 7.1. Рақобат бозорининг мутлақ ва жорий сиғимини аниқлаш.
- 7.2. Бозор сиғимига таъсир кўрсатувчи маданий ва ижтимоий омиллар.
- 7.3. Истеъмолчилар хулқ-атворини тадқиқ қилиш, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар.
- 7.4. Маркетинг-микс тадбирларининг аҳамияти.
- 7.5. Талабни тадқиқ қилиш ва прогнозлашнинг асосий тамойиллари.
- 7.6. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаб ва уни аниқлаш усуллари.

### **7.1. Рақобат бозорининг мутлоқ ва жорий сиғимини аниқлаш**

Товар-мураккаб кўп қиррали тушунча, бироқ бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг ўз вазифасини бажариш-унга эга бўлган истеъмолчининг еhtiёжларини қондириш хусусиятидир.

Товарнинг истеъмол қиймати унинг истеъмол хусусияти мажмуасидир. Товарнинг қуйидаги хусусиятларига қараб алоҳида эътибор берилади:

-ранги, қадокланиши (ўраш, боғлаш), ташқи кўринишининг фасоҳати (дизайни), эргономик хусусиятлари (фойдаланиш, таъмирлаш ва бошқаларнинг қулайлиги ва бошқалар).

Товарни ишлаб чиқаришдан олдин унинг истеъмол хусусияти таҳлил қилинади.

Товар-мураккаб кўп қиррали тушунча, бироқ бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг ўз вазифасини бажариш-унга эга бўлган истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш хусусиятидир.

Товарлар қуйидаги мезонлари бўйича алоҳида гуруҳларга бўлинади:

- мақсадли кўрсаткич бўйича
- бозор турига кўра
- фойдаланишга тайёрлигига кўра
- истеъмолчилар сонига қараб бўлинади.

Мақсадли характериға кўра эса товарлар истеъмол товарлари ва ишлаб чиқаришга оид товарларга бўлинади.

Истеъмол товарлари – бу шахсий истеъмол учун мўлжалланган товарлардир. Улар кундалик талаб товарлари, дастлабки танлов асосида олинандиган товарлар, алоҳида талабдаги товарлар, пассив талабдаги товарларга бўлинади.

Кундалик талаб товарларига кундалик турмуш учун зарурий озик-овқатлар, кир ювиш, тозалаш воситалари, уй хўжалиги учун зарурий майда товарларни киритиш мумкин.

Кундалик истеъмол товарларини истеъмол қилиш интенсивлигига кўра уларни ўз навбатида 3 та қуйи гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Доимий эҳтиёждаги асосий товарлар (нон, хўжалик совуни)
2. Импульсив тарзда сотиб олинандиган товарлар (сақич, газета)
3. Фавкулотда ҳолатлар учун харид қилинадиган товарлар (зонт).

Дастлабки танлов асосидаги товарлар сафига: мебел, кийим-кечак, уй-рўзгор учун электр жиҳозлари киради ва у харидорларни қиёслашни, нарх, мода, дизайн жиҳатидан танловда бир мунча мулоҳаза юритишни талаб қилади. Ушбу товарлар:

• ўхшаш товарлар (сифат жиҳатдан бир-бирига яқин, лекин дизайн, нархи бўйича фарқланади)

• алоҳида кўринишдаги товарлар (ранги, фасони, нави жиҳатидан)

Пассив талабдаги товарлар – харидорларга нотаниш ёки улар хусусида жуда кам ўйлайдиган товарлардан таркиб топади. Ишлатиш вақтига кўра

- қисқа муддатли фойдаланишга оид товарлар
- узоқ муддатли фойдаланишга оид товарлар

Товар сиёсатини асосий мақсади бўлиб

- фойдани таъминлаш
- тақсимотни ўстириш
- фирма ҳаракат қилаётган бозор улушини кўпайтириш
- ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатларини тежаш
- имижни ошириш бўлиб ҳисобланади.

Товар сиёсатида асосий мақсадга эришиш қуйидаги соҳалардаги вазифаларни ҳал этиш орқали амалга оширилади:

- унинг инновацияси
- вариация
- дифференция

- элиминация
- маркани ўрнатиш ва танлаш
- қадоқлаш
- товарни шакли, тури ва бошқалар.

Шунга мос ҳолда товар сиёсатининг масалаларига қуйидагилар киради:

- янги товарларни қидириш
- янги товарларни ривожлантириш
- бозорга янги товарларни киритиш
- товар шакллари асослаш
- товар сифатини тартибга солиш
- бозордаги янги товарлар хулқ-атворини назорат қилиш ва бошқалар.

Биринчи 3 таси бозорга янги товарларни киритаётганда ҳал этилади, қолган вазифаларни ҳал этиш товарни бутун ҳаёти давомида амалга ошади. Бунинг учун, яъни қарорни асослаш учун товарни ҳаётийлик даври модели ишлатилади.

## 7.2. Бозор сиғимига таъсир кўрсатувчи маданий ва ижтимоий омиллар

Рақобат - бу эркин тадбиркорликнинг ажралмас бир бўлагидир.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мамлакатимизни иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожланишда, дунё бозорида илдам қатнашишда товарлар сифатини кўтариб, уларни рақобатбардош товарларга айлантириш энг долзарб муаммолардан биридир.

Товар рақобатбардошлигини ўрганиш мураккаб ва ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

- товарни сотиш бозорни ўрганиш;
- рақиблар ҳақида маълумотлар йиғиш;
- истеъмолчилар талабларини ўрганиш;
- рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш ва бозорга синов сотишлари билан чиқиш ҳақидаги қарор.

Бу масалаларни ҳал қилиш корхонада товар рақобатбардошлиги даражасини баҳолашнинг ўзлуксиз тизимини яратишни талаб қилади.

Ҳар қандай товар бозорга чиқиши биланоқ ўз рақобат қобилиятини йўқота бошлайди, бу жараённи секинлатиш мумкин, бу иқтисодий фойда ва олдинги буюм рақобат қобилиятини тўла йўқотиш пайтигача бозорга янги товар билан чиқиш имкониятини беради.

Рақобат сўзи лотинчадан олинган бўлиб, мақсадга эришиш учун курашни билдиради. Бозорда рақибларнинг мақсади харидорни товарни харид қилишга жалб қилишдан иборат.

Товар рақобатбардошлигини асосий шарти қуйидаги кўринишга эга бўлган худди шундай товарга нисбатан энг катта ялпи фойдали самарадан иборат:

$$K = P/C \longrightarrow \max$$

бу ерда: P-товарнинг фойдали самараси;

C-товарни харид қилиш ва фойдаланишга оид харажатлар (сотиб олиш харажатлари);

Товарнинг рақобатбардошлилигини баҳолаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- бозорни таҳлил қилиб, ўзимизнинг товаримизга ўхшаш намунасини топиб олиш;

- бизнинг товар билан солиштириладиган товарлардаги асосий кўрсаткичларни белгилаш;

- ўзимизнинг товаримиздаги интеграл рақобатбардошлик хусусиятини аниқлаш.

П.С.Завялов фикрича «Рақобатбардошлик деганда, товарнинг бозорда харидоргирлигини таъминлайдиган истеъмол ва қиймат тавсифлари мажмуини, яъни ўхшаш рақобатчи товарларни айирбошлашга таклиф катта бўлган шароитларда худди шу товарни пулга айрибошланиш қобилиятини тушунмоқ лозим»<sup>51</sup>.

Харидорнинг харажатлари икки қисмдан ташкил топади, унинг бир қисмини харид харажатлари (товар нархи), иккинчи қисмини уни истеъмол этиш билан боғлиқ харажатлар ташкил этади.

Рақобатбардошлик кенг тушунча бўлиб, унга кўплаб омиллар таъсир этади.

Фирманинг рақобатбардошлиги даражасини баҳолашда тармоқ бозорида рақобат кўраши жадаллигини белгилайдиган омиллар таҳлил учун асос сифатида хизмат қилади. Бу омилларга қуйидагилар киради:

1. Рақобатчи фирмалар сони, ва уларни қиёсий қуввати;

2. Рақиблар ҳаракатларининг диверсификациялашуви даражаси;

3. Бозордаги талаб ҳажмини ўрганиш;

4. Маҳсулотни табақалашуви даражаси;

5. Истеъмолчининг бир ишлаб чиқарувчидан бошқасига кўчиш ҳаракатлари;

6. Бозордан чиқиб кетиш тўсиқлари ва уларнинг даражаси;

7. Бозорга кириб келиш ва унинг даражаси;

8. Ёндош тармоқ бозорларидаги вазият;

9. Рақиблар стратегиясидаги фарқлар;

10. Ушбу бозорда рақобат учун алоҳида сабабларнинг бўлиши, рақобат даражаси бозорнинг алоҳида бир жалб этувчанлик ёки аксинча бездирувчанлик хусусиятлари билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида” ги Қонунида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар — ўзининг белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифат ва техник хусусиятлари, нархи ҳамда бошқа параметрлари бўйича таққосланиши мумкин бўлган шундай товарларки, уларни олувчи истеъмол қилиш чоғида бир товарни бошқасига ҳақиқатан ҳам алмаштиради ёки алмаштиришга тайёр бўлади;

- инсофсиз рақобат — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

- иқтисодий концентрация — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг

<sup>51</sup> Philip Kotler, Kevin Lane Keller. Marketing management. 12 th edition. 2010 by Pearson Education, Inc.p. 369-373.

ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш;

- иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш — хўжалик юритувчи субъектлар ҳаракатларини бундай хўжалик юритувчи субъектлардан бирортаси билан ҳам бир шахслар гуруҳига кирмайдиган юридик ёки жисмоний шахс билан келишиб олиш;

- камситувчи шартлар (шароитлар) — товар ёки молия бозорига кириш, товарни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, олиш, реализация қилиш, ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш шартлари (шароитлари) бўлиб, улар бошқа тенг шартларда (шароитларда) битта ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектни ўзга хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) билан таққослаганда тенг бўлмаган ҳолатга солиб кўяди;

- келишиб олинган ҳаракатлар — товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

- молия бозори — банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади;

- нотўғри таққослаш — рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан тарқатиладиган, товар ёки молия бозорида айрим хўжалик юритувчи субъектга афзалликлар яратадиган ёхуд хўжалик юритувчи субъектни (рақобатчини) ёки рақобатчи ишлаб чиқарган товарни ёмонловчи ёлғон, ноаниқ ёки бузиб таққослаш;

- рақобат — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди<sup>52</sup>.

Ж.Ж.Ламбен рақобатли афзалликларни иккита кенг категорияларга гуруҳлайди – ташқи ва ички рақобатли афзалликлар, яъни фирма ва товарни рақобатдошлигини тавсифловчи рақобатли афзалликлардир. Ташқи рақобатли афзаллик товарни «бозор кучини ифодалайди, яъни у бозорни имтиёзли рақобатчидагига нисбатан юқорироқ сотиш нархларини қабул қилишга мажбур қила олади ва мавжуд товарлардан норози бўлган харидорларнинг истақларини аниқлаш ва қондиришдаги афзалликларга таянади. Ички рақобатли афзаллик фирманинг ишлаб чиқариш харажатлари, рақобатчидан кўра камроқ таннархга эришишга имкон берувчи ва ишлаб чиқарувчи учун қиймат ҳосил қилувчи товарга асосланган ҳамда сотиш нархларининг бозор ёки рақобат томоиндан пасайтирилишига кўпроқ даражада бардошли қилувчи юқорироқ унумдорлик оқибатидир»<sup>53</sup>.

Товарни жалб етувчанлиги ва рақобатбардошлигини ифодаловчи омиллар классификацияси схэмасини занжир кўринишида кўрсатиш мумкин: нарх – сифат – сервис – маркетинг муҳити.

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисидаги Қонуни”. //Халқ сўзи, 2012-йил, 6 январь.

<sup>53</sup>Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг. М.: Прогресс, 2008, 164-бет.

Рақобатбардошлик сифат ва қиймат омиллари билан боғлиқдир. Улар сифат, иқтисодиёт ва маркетинг кўрсаткичлари ёрдами билан тўлиқ тавсифланиши мумкин.

### **7.3. Истеъмолчилар хулқ-атворини тадқиқ қилиш, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар**

Фирмалар маҳсулотнинг ҳолатини аниқлашда унинг яшаш даврини тадқиқ этишга таянадилар. Маҳсулотнинг яшаш даври товарнинг бозорга кириб келишидан бошлаб, то унинг бозордан чиқиб кетишига қадар бўлган даврда амалга ошириладиган тадбирлардан иборат концепциядир. Биринчи марта товарнинг яшаш даври концепциясини 1965 йили Теодор Левитт томонидан ёълон қилинган.

Товарнинг яшаш даври тўрт типга ажратилади: маҳсулотнинг катта синфининг яшаш даври, маҳсулот турининг яшаш даври, қўллаш усулларининг яшаш даври, маҳсулот маркасининг яшаш даври. Масалан, биринчисига соат мисол қилиб келтирсак, маҳсулот турига эса кул ва осма соатларни келтириш мумкин, қўллаш усулларига кўра эса кўнғироқли соатлардан фойдаланишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Маркетинг мақсадларида яшаш даврининг жами тўртта типи ўрганилади, фирма доирасида иккинча ва учинчи типларига кўпроқ эътибор берилади. Биринчиси шу синфга мансуб маҳсулотга талаб пасаядиган даврда, тўртинчиси эса рақобатчи фирманинг мавқеини аниқлаш зарурияти пайдо бўлганда қўлланилади.

Товарнинг анъанавий яшаш даврида қуйидаги босқичлар ажралиб туради.

1. ишлаб чиқариш;
2. кириб келиш;
3. ўсиш;
4. етуклик;
5. тўйиниш;
6. инкироз (касодлик).

Амалда ҳар бир маҳсулот учун бу нарса ҳар хил кечади, айрим товарлар бозорга кириб келишининг узок даврини бошидан кечаради, бошқаси тезда кириб келади, тарқалади, узок муддат барқарор сақланиб туради.

Товарнинг яшаш даври босқичларини аниқлашнинг асосий мезони маҳсулот сотиш ҳажми ва фойда нормаси динамикасида.

Сифатсиз ва рақобатга бардош бермайдиган маҳсулотлар бозордан сиқиб чиқарилади. Товар сотиш суръатлари тобора пасаяди. Тўйиниш даврида фирманинг умумий мақсади, маҳсулотни барча турлари бўйича тўлиқ сотишни тобора ошириб боришни таъминлашга қаратилади.

Инкироз даврида маҳсулотнинг ўтиши қийинлашади, фойда камаяди, рақиблар майдондан кэтади. Бу босқич давомида фирманинг мақсади «маҳсулот тайёрлашни давом эттиришдан иборат» бўлади, маҳсулотни бозорга етказиб беришни тўхтатиш ҳақида катъий қарорга келгунга қадар ундан олиш мумкин бўлган жами фойдани сиқиб олиш учун шундай қилинади.

Товарни яшаш даври концепцияси маҳсулот ассортиментини режалаштиришда катта аҳамиятга эгадир.

### **7.5. Талабни тадқиқ қилиш ва прогнозлашнинг асосий тамойиллари**

Фирмининг самарали товар сиёсатини олиб бориши икки йирик муаммо билан боғлиқдир. Биринчидан, фирма мавжуд товар номенклатураси чэгарасида яшаш даври босқичларини ҳисобга олган ҳолда ишни оқилона ташкил этишни ташкил этиши лозим, иккинчидан, янги товар ишлаб чиқаришни ўз вақтида амалга ошириш керак.

Фирма доимо товар стратегиясини такомиллаштириб бориши зарур. Бу барқарор ассортимент тузилишига, доимий сотувга ва фойдага эришишга имкон беради.

Товар стратегияси истиқбол учун ишлаб чиқарилади ва фирмада мавжуд товар миксни жалб етувчанлигини яхшилаш бўйича 3 та стратегик йўналишни ўз ичига олади:

1. Товар инновацияси
2. Товар вариацияси
3. Товар элиминацияси.

Товар инновацияси стратегияси янги товарни ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш дастурини аниқлайди. Бироқ «янги товар» тушунчасини турли талкинга эга ва такомиллаштиришни асослаш сифатида ишлатилади, мавжуд товарни янгилаш учун ишлатилади.

Мавжуд назария ва амалиётда инновация «янгилик киритиш» ва «янгилик» тушунчалари билан синоним ҳисобланади.

Бозор инновацияси деганда мавжуд маҳсулот бўйича янги ғояни олиш, шунингдек янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва бозорга чиқариш тушунилади.

Товар инновацияси янги товарни ишлаб чиқиш ва қўллашни кўзда тўтади ва амалга ошириш шакли бўйича товар дифференциацияси ва товар диверсификациясига бўлинади.

Товар диверсификацияси ўзида рақобатчи товарлардан ажралиб турувчи бир қатор асосланган товар модификациясини ишлаб чиқиш жараёнини мужассамлаштиради.

Бозорни модификациялашда сотиш ҳажмини ошириш, истеъмолчилар ишончини қозониш, янги бозор сегментларига товарни чиқариш, мижозлар эътибори ва қизиқишини ушбу фирма чиқараётган товарларга қаратиш, харидорларни товарни интенсив истеъмолини рағбатлантириш орқали амалга оширилади.

## 7.1-Жадвал

### «Товар-бозор» матрицаси<sup>54</sup>

Товарлар	Бозорлар	
	Жорий	Янги
р		

<sup>54</sup>Ansoff matrix. [www.free-management-ebooks.com](http://www.free-management-ebooks.com)

<b>Жорий</b>	<u>Бозорга чуқурроқ кириб бориш стратегияси</u> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Сотишни жадаллаштириш</li> <li>• Янги харидорларни қидириш</li> <li>• Рақобатчиларни синдириш</li> <li>• Товарни истеъмол соҳасини кенгайтириши</li> </ul>	<u>Бозорни ривожлантириш стратегияси</u> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Янги бозорлар</li> <li>• Янги сотиш ҳудудлари</li> <li>• Ҳалқаро бозорлар</li> <li>• Товарни ишлатилишини янги соҳаларини тузиш</li> </ul>
<b>Янги</b>	<u>Товарни ривожлантириш</u> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Уз кучи билан янги товар ишлаб чиқариш</li> <li>• Битимларни ривожлантириш</li> <li>• Лицензия</li> <li>• Махорат билан айирбошлаш</li> </ul>	<u>Диверсификация</u> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Горизонтал</li> <li>• Вертикал</li> <li>• Концентрик</li> </ul>

Товарни модификациялашда товар сифатини ошириш, товар хоссасини яхшилаш, товарни безаш ва ташқи дизайнини яхшилаш кўзда тутилади.

Маркетинг-миксни модификациялашда эса маркетинг элементларидан тўлиқ ишлатишни назорат қилиш оптимал мақсадда маркетинг элементларини шакллантириш ва қўллаш кўзланади.

Мақсадли бозорни ўзлаштириш йўллари кидиришда муқобил стратегияларни аниқлаш учун И.Ансофф томонидан 1966 йилда тақлиф этилган «товар-бозор» матрицаси ишлатилади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, фирманинг афзаллигини ўсиш манбаларини ўзгартиришнинг 4 та асосий стратегиялари бўлиши мумкин:

1. Бозорга чуқурроқ кириб бориш стратегияси;
2. Товарни такомиллаштириш стратегияси.
3. Бозорни ривожлантириш стратегияси;
4. Диверсификация.

Диверсификацияни 3 та тури мавжуд: горизонтал, вертикал ва концентрик.

Горизонтал диверсификация деганда илгариги товраларга ўхшаш ишлаб чиқариш, техник, таъминот ва сотиш шароитларига яқин бўлган товарларни ишлаб чиқариш тушунилади.

Вертикал диверсификация эса илгариги товар ишлаб чиқаришни сотув йўналиши сифатида ҳам товар дастурини чуқурлигини ўстиришни англатади. Масалан, гўшт маҳсулотларини сотувчи махсус дўкон мол етиштиришни ва селекция бўйича ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлайди.

Концентрик диверсификация корхона учун янги товарни ишлаб чиқаришни кўзда тутади.

Диверсификация товарларни турли туманлиги ҳисобига жалб этувчанлигини яхшилашга асосланади.

Товар диверсификациясининг мақсади бўлиб истеъмолчиларни товарни афзал кўриш, алоҳида бозор ёки бозор сегменти хусусиятларини ҳисобга олиш орқали товарни жалб этувчанлигини ошириш, уни рақобатбардошлигини ўсиши ҳисобланади.

Товар диверсификацияси қуйидаги омиллар бўйича амалга оширилади:

- Товарни қўшимча имкониятлари

- Товардан фойдаланиш самарадорлиги
- Комфортлилик
- Ишончилилик
- Товар дизайни ва стили.

Товар диверсификацияси фирманинг товар сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Бу стратегия янги сотув бозорига таклифни режалаштиришда қўшимча товарларни ишлаб чиқаришни бошлаганда қўлланилади. Диверсификация фирма фаолиятида барқарор ўсишини таъминлаш учун самарали восита сифатида чиқади.

Янги товарларни ишлаб чиқиш ва қўллаш инновация сиёсатининг тамойил ва услубларига, хусусан, товар инновацияси жараёнига мос ҳолда амалга оширилади.

Товар инновацияси жараёни янги товар ҳақида ғояни қидириш билан бошланади. Янги товар ғояни қидиришни асоси бўлиб товар ҳақидаги ички ва ташқи ғоялар манбаи ҳисобланади.

Ташқи товар ҳақидаги ғоялар манбаига: савдо корхоналари, харидор ва истеъмолчилар, рақобатчилар, ярмарка ва кўргазмалар, тадқиқот институтлари, таъминотчилар, вазирликлар ва бошқа давлат институтлари киради.

Товар ҳақидаги ички ғоялар манбаига: маркетинг тадқиқотлари бўлими, ишлаб чиқариш бўлими, маркетинг бўлимини барча қисмлари, ҳалқаро иқтисоий ҳамкорлик бўлими, товарни тайёрлаш бўлими киради.

Товар инновацияси жараёни бошқичлари ўз мазмунига кўра янги товарни режалаштириш жараёнини ифодалайди.

## **8-МАВЗУ. БИЗНЕСДА БОЗОР КОНЪЮНКТУРАСINI ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

8.1. Бозор конъюнктурасининг моҳияти ва аҳамияти.

8.2. Конъюнктурани ташкил қилувчи омиллар, асосий кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш ва истиқболлаш усуллари.

8.3. Ташқи бозор конъюнктурасини тадқиқ қилишнинг кўрсаткичлар тизими ва уларни танлаш мезонлари.

8.4. Турли хил бозорлар конъюнктурасини тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

8.5. Хом-ашё маҳсулотлари бозори, машина-ускуналар бозори, тайёр маҳсулотлар бозорини тадқиқ қилиш.

8.6. Товарлар бозорини истиқболлашда қўлланиладиган асосий ёндашувлар ва тамойиллар.

8.7. Конъюнктура истиқболларини амалга оширишда ахборот-статистик таъминотнинг аҳамияти.

### **8.1. Бозор конъюнктурасининг моҳияти ва аҳамияти**

*Бозор — бу сотувчилар ва харидорларнинг товарларни пул воситасида айирбошлаш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқаларидир.* Бозорда сотувчилар ва харидорлар бир-бирларини топадилар, бозор уларни боғлаб турувчи механизм ҳисобланади. Бозорнинг субъектлари — иштирокчилари ҳам бир хил эмас. Улар икки гуруҳга бўлинадилар: сотувчи ва харидорлар, улар бозор муносабатларида турли вазифани бажарадилар. Сотувчилар

бозордаги товар ва хизматларни таклиф этувчи фирма, корхона ёки хусусий тадбиркорлардан иборат бўлиб улар ўз товарларини сотадилар ёки ижарага берадилар. Харидорлар — кенг қатлам истеъмолчилардан иборат бўлиб, улар бозорга ўз талаб-эҳтиёжларини қондириш учун чиқадилар. Харидорлар оддий истеъмолчи фуқаролар, бизнесменлар, хусусий тадбиркорлар, давлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ва ҳоказолардан иборат бўлади. Маркетинг фаолиятида бозорни тадқиқ қилиш асосан икки йўналишда амалга оширилади (9.1-чизма):

1. Бозор конъюктурасини тадқиқ қилиш.
2. Тижорат фаолияти хусусиятларини таҳлил қилиш.

Расмдан кўришиб турганидек, бозор конъюктурасини тадқиқ қилиш ҳам ўз навбатида икки асосий блокни ўз ичига олади, булар:

Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда бозорни тадқиқ қилиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- ахборотларни йиғиш, уларни тартибга солиш ва қайта ишлаш;
- ўрганилаётган объектнинг хусусиятларини аниқлаш;
- яқин режалаштирилаётган давр учун объектнинг ўзгаришини истиқболлаш;
- истиқболлаш натижаларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.



### 8.1-чизма. Бозорни тадқиқ қилишни амалга оширишнинг тартиби


Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда ахборотларни йиғиш босқичи ўта муҳим ҳисобланади. Бозор конъюктурасини тадқиқ қилишда турли манбалардан олинган ахборотлар таҳлил қилинади. Шу жиҳатдан ахборотлар умумий, тижорат ва махсус ахборотлар туркумига ажратилади. Бозор ҳолатини ва ишлаб чиқаришни умумий жиҳатларини ифодаладиган ахборотлар умумий ҳисобланади, ҳамда уларни йиғиш манбалари давлат ва тармоқ статистикасига топшириладиган махсус ҳисобот ҳужжатларидир.

Бозор конъюктурасини тадқиқ қилиш жараёнини ўзаро боғлиқ бўлган уч босқичга бўлиш мумкин. Бу босқичларни алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз. Биринчи босқич — бозор конъюктурасини тадқиқ қилиш. Ҳар бир тадқиқотда, изланишда, ривожланишда бўлгани каби бозор конъюктурасини тадқиқ қилишда ҳам ўзига хос

тамойиллар мавжуддир.

Бу тамойиллардан асосийлари учта бўлиб, улар мақсадга қаратилганлик, комплекслик ва доимийликдир. Мақсадга қаратилганлик тамоёили бозор конъюктурасини тадқиқ қилиш ва унинг ривожланиш жараёнларини аниқлашни корхонанинг келгусидаги режалари билан узвий боғлиқликда амалга оширишни ўз ичига олади. Комплекс ёндашув эса:

- биринчидан, бозорнинг барча асосий элементларини таҳлил қилишни;
- иккинчидан, бозорни тадқиқ қилишда умумикисодий ўзгаришлар ва бошқа товарлар бозорида бўладиган ўзгаришлар билан ўзаро алоқадорликда таҳлил қилишни;
- учинчидан, бозорга таъсир кўрсатувчи барча омилларни ўрганишни ўз ичига олади.



## 8.2-чизма. Бозор конъюктурасини тадқиқ қилиш жараёни

Кузатув ва таҳлилнинг доимийлик тамоёили тадқиқ қилиш фаолиятига маълум шартлар қўяди. Ҳақиқатан ҳам, шундай шартлар қўйилган тақдирдагина бозорда содир бўладиган ўзгаришларни аниқлашга ва уларни амалий фаолиятда ҳисобга олишга имкон яратилади. Бу демак, бозорни тадқиқ қилишдан олдин таҳлил қилиш даври (ой, квартал, ярим йил, йил) аниқланиши лозим. Бундан ташқари мўлжалланаётган таҳлил ва истиқболларнинг даражаси аниқланиб олиниши керак, чунки шунга кўра керакли маълумотлар ҳажми ва характери белгиланади. Ахборотлар йиғиш босқичида бозор конъюктурасининг асосий кўрсаткичлари аниқланади, ахборотлар манбаи танланади ва конъюктура тўғрисида маълумотлар тўпланади. Юқоридаги тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, бевосита таҳлил қилишга киришилади.

### 8.2. Конъюктурани ташкил қилувчи омиллар, асосий кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш ва истиқболлаш усуллари

Бозор конъюктурасини таҳлил қилиш ва истеъмолчилар талабини ўрганиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- биринчи босқич, жами аниқланган омиллар ва кўрсаткичлардан энг муҳимлари танлаб олинади, алоҳида баҳолар, статистик кўрсаткичлар ажратилади;
- иккинчи босқич, ҳар бир кўрсаткич бўйича динамик қаторлар тузилади, бу ўрганилаётган омилнинг конъюктурани ўтган, бугунги ва келгусидаги ўзгаришига таъсирини кўрсатиш имкониятини беради;

- учинчи босқич, конъюктурага таъсир кўрсатувчи омиллар ичидан таъсир доираси бўйича муҳимлари аниқланади. Бу вазифа динамик қаторлар асосида омилларнинг ўтган давр мобайнида конъюктурага кўрсатган таъсири доирасига қараб танланади. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришини тадқиқ қилганда унга таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланади, яъни булар янги ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга туширилиши, автоматлаштириш даражасининг оширилиши, талабнинг ошиши ёки камайиши ва бошқалар бўлиши мумкин;

- тўртинчи босқич, барча омилларнинг ўзаро таъсирини бир бутун сифатида кўриб чиқиш. Бунинг натижасида, авваламбор, таъсирнинг умумий натижаси аниқланади ва конъюктуранинг ҳолати белгиланади;

- иккинчидан эса, ҳар бир алоҳида олинган омилнинг конъюктурани шаклланишидаги ўрни ва таъсири ўрганилади.

### **8.3. Ташқи бозор конъюктурасини тадқиқ қилишнинг кўрсаткичлар тизими ва уларни танлаш мезонлари**

Бозор конъюктурасини таҳлил қилиш жараёнида муҳим бўлган асосий кўрсаткичларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

- ишлаб чиқариш кўрсаткичлари;
- ички товар айланиш кўрсаткичлари;
- ташқи савдо кўрсаткичлари;
- баҳолар даражаси кўрсаткичлари;
- молиявий кўрсаткичлар.

1. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлил қилинганда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат бўлади:

• маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режа топшириқларининг бажарилиш тиғизлигини текшириш;

• корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва ўзгаришининг ҳажми, таркиби, ассортиментни, сифати ва бир текисда ишлаб чиқаришга баҳо бериши;

• ўтган ой, квартал, ярим йил, йилга нисбатан режанинг бажарилишидаги фарқни ва унинг сабабларини аниқлаш;

• маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича имкониятларни аниқлаш ва унинг таркиби ҳамда сифатини яхшилаш;

• маҳсулотларни янгилаш даражасини баҳолаш, уларнинг истеъмолчиларнинг хоҳиш ва истақларига кўра такомиллаштириш даражасини таҳлил қилиш;

• ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва бошқалар.

2. Ички товар айланиш кўрсаткичлари бозор конъюктурасининг ўзгариш йўналишини кўрсатади ва ўз таркибига қуйидагиларни олади:

• тузилган шартнома бўйича истеъмолчиларга товар етказиб бериш режасининг бажарилиши кўрсаткичлари;

• маҳсулот сотиш режасининг бажарилишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш кўрсаткичлари;

• улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг маҳсулот сотиш ҳажми кўрсаткичлари;

• истеъмол харажатлари кўрсаткичлари;

- товар захиралари кўрсаткичлари;

3. Ташқи савдо кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- ташқи савдо айланишининг натура ва қиймат ҳажми;
- экспорт ва импортнинг натура ва қиймат ҳажми;
- экспорт ва импортнинг жуғрофий тақсимланиши;
- савдо баланси қолдиғи ёки соф экспорт;
- тармоқнинг ёки мамлакатнинг жаҳон экспорти ёки импортидаги солиштирма

салмоғи;

• маҳсулот ишлаб чиқаришда ва истеъмол қилишда экспорт ҳамда импортнинг улуши.

4. Баҳолар даражаси ва динамикасини аниқловчи кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- улгуржи ва чакана баҳолар индекси;
- маҳсулот таннархини таҳлил қилиш кўрсаткичлари;
- бир сўмлик маҳсулотга кетган харажатларни аниқлаш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш, хизмат кўрсатиш ва сотишни ташкил қилиш

бўйича харажатларни баҳолаш;

• аукцион, биржа, ярмарка ва кўргазмаларда амалга ошириладиган олди-сотди операцияларининг баҳолари.

5. Молиявий кўрсаткичларга эса қуйидагилар киради:

- корхона (фирма)нинг фойдаси, фойда баланси таҳлили;
- рентабеллик даражаси;
- қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси;
- корхонанинг акциялари курсини таҳлил қилиш кўрсаткичлари;
- инфляция даражаси ва муомаладаги пул массаси;
- валюта курси ва банк депозитлари;
- ссуда фоизи.

Корхонанинг фойдаси устида тўхталиб ўтайлик. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида иқтисодий дастаклардан кенг кўламда фойдаланишни тақозо қилади. Улар жумласига фойда, соф даромад, баҳо рентабеллик даражаси, кредит фоиз ставкалари киради. Уларнинг ичида фойда кўрсаткичи корхона хўжалик фаолиятининг белгиловчи сифат кўрсаткичларидан энг муҳимидир. Мисол, «Зебонур» очик турдаги хиссадорлик жамияти республикамизнинг барча истеъмолчилари учун таниш бўлган фирма. Фирманинг асосий фаолияти эркақлар ва аёллар учун кастюм шимлар тикишдан иборат.

#### **8.4. Турли хил бозорлар конъюктурасини тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Маркетинг тадқиқотларида бозор конъюктурасини истиқболлаш ўзига хос тамойилларга асосланади, булар қуйидагилардан иборатдир:

- комплекслик тамойили маркетинг тадқиқотларида бозорни ҳар томонлама таҳлил ва истиқболлашни англатади;

- мунтазам ёндашиш тамойили асосида амалий жиҳатдан комплекс истиқболлашни амалга ошириш имнонини берадиган усул ва иқтисодий математик моделларни яратиш ётади;

- истиқболлашнинг узлуксизлик тамойили, бу бозор конъюктурасининг хусусиятларидан келиб чиқади ва у доимий равишда ҳисоблалади. Узлуксизлик

тамойилининг моҳияти шундан иборатки, истиқболлаш фирманинг оператив, ойлик, квартал, ярим йиллик, йиллик ва келажакдаги режалари орасида тўғридан-тўғри алоқа бўлиши тақозо қилинади;

- истиқболлашниги муқобиллилик тамойили, турли йўналишлар бўйича турли хил ўзаро алоқадорлик ва структурали нисбатлар, бозор конъюктураси имкониятлари билан боғлиқдир;

- истиқболлашнинг эҳтимоллилик характери, тасодифий жараёнларнинг мавжудлигини ҳамда истиқболлаштириладиган жараёнларнинг миқдор жиҳатидан бир турлиги ва барқарорлигини сақлашдаги фарқларни акс эттиради, муқобиллилик эса бозор конъюктурасини таҳлил қилишнинг сифат жиҳатдан турли хил вариантлари, имкониятлари ҳақидаги тахминлардан келиб чиқади.

Маркетинг фаолиятида бозорни тадқиқ қилиш ва истиқболлаш усулларини 4 та катта синфга бўлишимиз мумкин.

**Фактографик усуллар.** Бу истиқболлашнинг шундай усулики, унда ўтган даврда бўлиб ўтган ҳақиқий омиллардан ахборотли асос сифатида фойдаланилади. Бу маълумотлар миқдор ва сифат характерига эгадир. Бозор конъюктурасини истиқболлашнинг фактографик усуллари ўз навбатида 3 турга бўлинади. Биринчи тури экстраполяция ва интерполяция усулларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, бу турдаги моделлар учун чизикли функцияларни тузишда бошланғич ахборотдан фойдаланиш характерлидир. Фактографик методларнинг иккинчи тури иккита ва ундан ортиқ ўзгарувчан истиқболлаш объектларининг ўзаро алоқаларини тадқиқ қилишда қўлланилади. Кўп ўлчовли статистик усуллар бундай моделларга асос бўла олади. Усулларнинг учинчи тури мазкур объектларнинг келгусидаги ривожланишини шунга ўхшаш объектларнинг ривожланиш қонуниятлари бўйича тадқиқ қилишга асосланади.

**Эксперт усуллар** у ёки бу соҳадаги мутахассис-экспертларнинг фикр ва мулоҳазаларини қайта ишлашга асосланади. Истиқболлашнинг эксперт баҳолаш усули интуитив ва аналитик услубни ўз ичига олади. Интуитив усулларга экспертларни жалб қилишга, амалда истиқболлаш объектини ривожлантириш жараёнларини аниқлаш ҳамда шахсий эрудиция ва туйғу воситасида келгусидаги ўзгаришини баҳолашга асосланган усуллар киради. Аналитик усулларга истиқболлаш объектини тадқиқ қилиш жараёни моделини мантиқан таҳлил қилишга асосланган усуллар киради.

**Экстраполяция усули.** Экстраполяция усули математик статистикани кенг қўллашга асосланади, Математикада экстраполяция куйидагича тушунилади: агар функциянинг аҳамияти бирор интервал ичида  $[X_0, X_n]$  ётган нуқталарда  $x_0 < x_1 < x_2 \dots x_n$  маълум бўлса, функциянинг  $f(x)$  қийматини интервалдан ташқарида  $[X_0, X_n]$  ётган  $x$  нуқталарда белгилаш экстраполяция дейилади. Лекин истиқболлаш шу соҳа ичида амалга оширилса, бунга интерполяция дейилади.

**Эконометрик моделлар.** Эконометрик моделлар иқтисодий жараёнлар параметрларининг стахастикларини назарда тутган ҳолда бозор конъюктурасининг турли кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва пропорцияларни миқдорий баён қиладиган регрессион ва баланс тенгламалари тизими орқали ифодаланади.

Регрессион ва корреляцион таҳлил усулида боғланишнинг регрессия тенгламаси аниқланади ва у маълум эҳтимоллик (ишончлилиқ даражаси) билан баҳоланади, кейин иқтисодий-статистик таҳлил қилинади.

Регрессия тенгламасининг умумий кўриниши:

$y = f(x_1, x_2, \dots, x_n)$  бу ерда

у - натижавий кўрсаткич,

f - функция

х - натижавий кўрсаткичга таъсир кўрсатувчи омиллар.

Масалан. аҳолининг маиший хизматларга бўлган талабини истиқболлаш моделининг тўғри чизиqli регрессия модели қуйидагича бўлади:

$$y = a_0 + a_1X_1 + a_2X_2 + a_3X_3$$

бу ерда: у - аҳолининг маиший хизматлар учун қиладиган ўртача сарфи;

X<sub>1</sub>- аҳолининг ўртача пул даромади;

X<sub>2</sub>- маиший хизмат нархларининг ўртача индекси;

X<sub>3</sub> — аҳоли умумий сониди шаҳар аҳолисининг салмоғи.

a<sub>0</sub>, a<sub>1</sub>, a<sub>2</sub> ва a<sub>3</sub> — дастлабки маълумотлар асосида ҳисобланадиган регрессия параметрлари.

Бир омили регрессия тенгламасининг параметрлари қуйидаги нормал чизиqli тенгламалар системаси ёрдамида аниқланади:

$$\begin{aligned} na_0 + a_1 \sum x &= \sum y \\ a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 &= \sum yx \end{aligned}$$

Буерда

n – тўпلامнинг миқдори ёки кузатувлар сони

x – омилнинг ҳақиқий қийматлари

y – натижавий кўрсаткичнинг ҳақиқий қийматлари

Регрессия ва корреляция кўрсаткичлари миқдор жиҳатдан чегараланган тўпلام маълумотларига асосан аниқланганлиги учун тасодифий хатолар таъсирида бузилган бўлиши мумкин. Агар кўрсаткичларда тасодифий хатоларнинг таъсири айтарли даражада катта бўлмаса, бу кўрсаткичлар аҳамиятли (моҳиятли) деб аталади. Аниқланган регрессия ва корреляция кўрсаткичлари ҳар доим ҳам моҳиятли бўлвермайди. Шунинг учун уларнинг моҳиятли эканлигини текшириб кўриш зарур. Бунинг учун математик статистиканинг Стюдент (t), Фишер (F), Дарбин-Уотсон (DW), Нейман (N) ва бошқа меъзонлардан фойдаланиш мумкин.

Регрессия тенгламасини таҳлил ва истиқболлашда натижавий кўрсаткичнинг омилга нисбатан эластиклик коэффицентидан ҳам фойдаланилади. Эластиклик коэффиценти (Э) омилнинг 1% га ўзгариши билан натижавий кўрсаткичнинг ўртача неча фоизга ўзгаришини ифодалайди:

$$\varepsilon = \frac{\partial y}{\partial x} \cdot \frac{x}{y}$$

$\frac{\partial y}{\partial x}$

Бу ерда  $\frac{\partial y}{\partial x}$  регрессия тенгламасининг x бўйича хусусий ҳосиласи.

Демак, шундай хулосага келишимиз мумкин. Маркетинг тадқиқотларида корреляцион-регрессион моделлашни қўллаб таҳлил ва истиқболлашни амалга оширишда юқорида келтирилган меъзонлар ҳисобга олинса шак-шубҳасиз илмий асосланган натижаларга эришилади. Шу билан бирга бозорнинг ўзгаришига кўра фирманинг ҳолатини белгилаш бўйича тузилган маркетинг тадбирлари кўзланган самарани беради.

Бозор конъюктурасини таҳлил ва истиқболлаш натижалари фирманинг бизнес режа тузишда ёки фирманинг бозордаги бутун фаолиятини тартибга солишда ва бошқаришда кенг қўлланилади.

## **9-МАВЗУ. ФИРМАНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРДАГИ БИЗНЕС СТРАТЕГИЯСИНИ ТАНЛАШ**

- 9.1. Фирманинг ички ва ташқи бозордаги бизнес стратегияси умумий концепцияси.
- 9.2. Янги товарларни бозорга чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш.
- 9.3. Молиявий оқимлар тизими.
- 9.4. Янги товарни яратиш жараёни ва уларни тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 9.5. Лойиҳа таҳлили ва уларни танлаш босқичлари.
- 9.6. Товарни бозорга киритиш жараёни. Сотиш ҳажмини прогнозлаш.
- 9.7. Эксперт баҳолаш усули.
- 9.8. Фирманинг маркетинг стратегиясини танлаш босқичлари ва мезонлари.
- 9.9. Бостон Консалтинг Групп (БКГ) матрицаси, унинг афзалликлари ва камчиликлари.
- 9.10. GE ва М.Портер модели.

### **9.1. Фирманинг ички ва ташқи бозордаги бизнес стратегияси умумий концепцияси**

Стратегик маркетинг фаолиятини режалаштириш товарларга бўлган эҳтиёжни, барча мавжуд моддий ресурсларни аниқлашни, талаб ва тақлифларни, сотишни режалаштиришни ва товарларни истеъмолчиларга ўз вақтида ва тўлиқ етказиб беришни, сервис хизматлари кўрсатишни, моддий ресурслардан тўла ва тежаб-тергаб фойдаланиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Товарларни истеъмолчиларга сотиш режалаштирилаётганда истеъмол қилинмай қолган материаллар, давлат буюртмалари, ички имкониятлардан фойдаланиш тўғрисидаги топшириқлар ва материалларга берилган буюртмалар ҳисобга олинади. Товарлар ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўз вақтида ва тўла етиб боришини режалаштириш махсус талабномаларни солиштиришни, уларни бажариш учун товарларни етказиб берувчиларига топширишни, материаллар етказиб бериш ҳажми ва муддатларни белгилашни, қандай транспорт воситалари билан ташишни ва сотиш шаклларини белгилашни ҳамда товарларни оморларга келтиришни ўз ичига олади. Товарларни тўғри тежаб-тергаб сарфлашни режалаштириш хом ашё материаллари ва ёқилғи сарфини нормалаштиришни, ускуналар, машина ва механизмлардан фойдаланиш кўрсаткичларини белгилашни, шунингдек моддий ресурсларни сарфлаш ва асосий фондлардан фойдаланиш устидан назорат қилишни кўзда тутати.

Маркетинг қуйидаги тамойиллар асосида режалаштирилади:

Миллийлик тамойили: маркетинг бизнес-режалари, аввало ҳукумат сиёсатини акс эттиради. Сиёсий раҳбарликни хўжалик раҳбарлигидан ажратиб бўлмайди, улар бир бутун раҳбарликдир. Бу тамойил хўжалик вазифаларини ҳал этишда принципиалликни ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашишни талаб қилади. Миллийлик тамойили маркетингда маҳаллийчилик, миллатчилик ва қариндошчиликка мутлақо йўл қўймайди.

Етакчи бўғин тамойили. Ҳукумат ҳар бир режалаштириш босқичида энг муҳим хўжалик вазифаларини илгари сурадики, миллий иқтисодиётнинг янада юксалиб, республика иқтисодиётининг мустаҳкамлаб бориши ва ўша вазифаларнинг

- рентабеллик даражаси;
- қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси;
- корхонанинг акциялари курсини таҳлил қилиш кўрсаткичлари;
- инфляция даражаси ва муомаладаги пул массаси;
- валюта курси ва банк депозитлари;
- ссуда фоизи.

### 9.4. Бозор конъюктурасини истифода қилиш

Истифода қилиш деганда, истифода қилиш ишлаб чиқиш қарами тушунилади. Бир сўз билан айтганда, истифода қилиш вақти ёни объектни ривожлантириш истифода қилиш бағлига берадиган мақсад вақти вақти билан берадиган истифода қилиш вақти олдидан кўра ёни тушунилади бағлига берадиган.

Бошқача сўз билан айтганда, истифода қилиш нима қўйиш мумкинлигини кўрсатиб беради; ривожлантириш вақти билан кўра ёни фойда қилиш олдидан кўра ёни қайта бағлига беради; режасининг - қўйиш қарами - деган маънода берадиган.





#### Мураккаб комбинацияли ёни комплекс истифода қилиш усуллари

Бу усуллардан асосан макро-иқтисодий кўрсаткичларни истифода қилишда қўйилади. Уларга истифода қилишнинг графика усуллари, «Патерн» тизими каби усулларни киритиш мумкин.

#### Экстраполяция усули.

Экстраполяция усули математик статистикани кенг қўйишга асосланади. Математикада экстраполяция қўйидагина тушунилади: агар функциянинг аҳамияти бирор интервал ичиде  $[X_0, X_n]$  ётган нукталарда  $x_0, x_1, \dots, x_n$  маълум бўлса, функциянинг  $f(x)$  қийматини интервалдан ташқариде  $[X_0, X_n]$  ётган  $x$  нукталарда белгилаш экстраполяция дейилади. Лекин истифода қилиш шу соҳа ичиде аналитик оширилса, бунга интерполяция дейилади.




Маркетинг бизнес-режаларнинг молиявий режа билан боғлиқлиги қўйдаллардан иборат. қорюналар кўпинча мавсумий ва бошқа запарлар учун банкдан қарз олади, бу қарзлар уларнинг молиявий режасида ақс эттирилади. Айланма маблаглар нормаси ҳам ашё материаллари ва ёқилки заҳираси нормасига ва бошқа нормаларга боғлиқ. Бу нормаларнинг ҳаммаси маркетингнинг стратегик режаларида ҳам ўз ақсини топади.



**Рақобат матрицаси (Портер)**

Америкалик олим Портер 1975-1980 йилларда ўшарратнинг тасвиши ва рақобатнинг кўркам таркибларини таълимига ўнлаш асосида рақобат стратегиясини таълимига келтирди. Ҳозирча деяр ҳар қандай рақобат стратегиясини таълимига келтирди. Бундан бундан рақобат кўркам ҳам таркиб. Портер таълимидан кўркам рақобатни ҳар қандай кўркам бундан кўркам таълимига келтирди.



М. Портернинг таълимотлари кўркамдаги ҳулосаларга олиб келди: аввало катта бозор ўлушига эга бўлган йирик корхоналар, бир томондан ва, иккинчи томондан, кичик ихтисослаштирилган корхоналар талаб қилинадиган рентабеллик даражасига эришиш имкониятига эга бўлади. Демак, ўрта позиция хавфли, бозорда етакчилик қилишга эришиш қўбиллиги ёки маблағлари йўқ, барча корхоналарга ўз ишини беллиланган сегментда жамлаб, рақобатчиларга нисбатан афзалликларни барпо этиш тавсия этилади.

**Портер стратегиясининг афзалликлари:**

1. • корхонанинг бошқа рақобатчилари кўркам кураш натижасида зарар кўра бошласа, унча кам бўлмаган харакатлар билан ҳам корхона даромад олади;
2. • харакатдаги афзаллик самарадорлиги бўйича иккинчи согувчининг қилган харакатларига нисбатан баҳони ортқ, тушира олмайдиган кўркам харидорлардан ҳимоя қилади;
3. • кам харакатлар мол етакиб берувчиларга афзаллик яратди, баҳоларнинг кўтарилиши аса етакчига камроқ таъсир қилади;
4. • кам харакатлар бозорга киришда катта тўсиқларни ҳосил қилади;
5. • ўринбосар товарларнинг пайдо бўлиши етакчи рақобатчисига нисбатан харакатлар доирасида эркин харакат қилишга имконият беради.

**«Бозор ўлуши - бозор ўсиши» матрицаси (портфолио-таҳлил).**

Портфолио-таҳлил ёки «бозор ўлуши - бозор ўсиши» матрицаси XX асрнинг 60-йиллари сўнгидида Американинг «Бостон консалтинг групп» консалтинг фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. Бу модель, асосан, маҳсулотнинг ҳаёт циклига ва тажриба эгри чизиғи концепциясига асосланган.



**«Бостон консалтинг групп» матрицаси**

## Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар

[www.youtube.com/watch?v=dhL3evIq-2o](http://www.youtube.com/watch?v=dhL3evIq-2o). MBA Start Модуль 6 Методы исследований в бизнесе Количественные исследования Часть 2

<https://www.youtube.com/watch?v=sR-qL7QdVZQ> Philip Kotler: Marketing

<https://www.youtube.com/watch?v=hZLMv5aexto4> Principles of Marketing Strategy

<https://www.youtube.com/watch?v=H8aZr-Ula1w> Marketing Mix: Pricing Strategies

<https://www.youtube.com/watch?v=XBmWEduod5k> Pricing Strategies

<https://www.youtube.com/watch?v=GZgFdPWtVGY> Promotion

<https://www.youtube.com/watch?v=ys7zx1Vc9po> The Seven Ps of the Marketing Mix: Marketing Strategies

<https://www.youtube.com/watch?v=H8FANR-2u2Q> Strategic Planning: SWOT & TOWS Analysis

<https://www.youtube.com/watch?v=qbyb0ht-dsk> McDonalds SWOT

<https://www.youtube.com/watch?v=mCdcdf-b8AU> PEST Analysis

<https://www.youtube.com/watch?v=Zq391bgs6h0> - What is Market Research? An Informative Presentation.

<https://www.youtube.com/watch?v=sdQfId91Y0g> - Ethical Behavior in Marketing

[https://www.youtube.com/watch?v=n\\_L4tBP\\_KFQ](https://www.youtube.com/watch?v=n_L4tBP_KFQ) - Market Segmentation: Geographic, Demographic, Psychographic & More - Study.com

<https://www.youtube.com/watch?v=IyjDjr33wAQ> - Live affiliate marketing case study

[https://www.youtube.com/watch?v=2Zwlb\\_1Q23I](https://www.youtube.com/watch?v=2Zwlb_1Q23I) - Market Feasibility Study: More Important Than a Business Plan

<https://www.youtube.com/watch?v=b0hle7pVLmM> How to Create a Digital Marketing Strategy - A Silverstone Case Study

<https://www.youtube.com/watch?v=ZzPjSqym9P8> Infragistics Marketing Dashboard Case Study

<https://www.youtube.com/watch?v=laTzww08M94> Market segmentation: a case study

<https://www.youtube.com/watch?v=bqaEhW3xOck> Market Orientation and Sales Orientation

<https://www.youtube.com/watch?v=IggKinwxbZ4> Part 5: Marketing, Community and Apps Case Study featuring Coca-Cola - Salesforce World Tour Chicago

<https://www.youtube.com/watch?v=z-9Yxo02hRk> Case Study 2016: When Content Marketing Meets SEO

<https://www.youtube.com/watch?v=lcoLoIyGw7I> Nike Marketing Strategy | Successful Marketing #1

[https://www.youtube.com/watch?v=9\\_XWp5fnXKc](https://www.youtube.com/watch?v=9_XWp5fnXKc) What is Marketing & Brand Strategy?

<https://www.youtube.com/watch?v=CjieRgtjvlc> Eno Mobile Marketing Case Study: 70% Increase in Product Sales

<https://www.youtube.com/watch?v=No67z1C4HPw> Heineken India - Viral Campaign 2013

<https://www.youtube.com/watch?v=-cvv1oC-ZaM> Guerrilla Marketing - Coca-Cola Dancing Vending Machine

---

# **ФАННИ ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

---

### III. ФАНИИ ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

#### ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРҲИ

##### 1. Маъруза машғулотларнинг ташкил этишнинг асосий шакллари

Маъруза машғулоти – ОЎЮда ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланади, билимларни бирламчи эгаллашга йўналтирилган.

Маърузани асосий белгиланиши – ўқитишни назарий асосини таъминлаб бериш, ўқув фаолиятга ва аниқ ўқув фанга қизиқишни ривожлантириш, курсантларга ўқув курси устидан мустақил ишлаш учун ориентирларни шакллантириш.

##### **Маъруза материалларининг мазмуни ва ҳажмига талаблар**

Маъруза материалларининг *мазмуни* қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- янгилик, илмийлик, асослилик ва ахборот учун белгиланганлик;
- аниқ, ишончли мисол, факт, асоснома ва илмий далилларнинг мавжудлиги;
- фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.

Маъруза материалларининг *ҳажми* режалаштирилган мавзунини ёритиш учун етарли бўлиши керак.

##### Маърузалар турлари вауларга хос хусусиятлар

Ўқув машғулотнинг мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
<b>Кириш маърузаси</b>	
Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талабалар ҳаракатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	Таълим бериш тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги ахамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан таништириш, ҳисобот бериш вақти ва баҳолашни аниқлаштириш.
<b>Ахборотли маъруза</b>	
Ўқув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш	Бу анъанавий маъруза тури: маъруза режасига мувофиқ ўқув материални монологик тарзда изчилликда баён этиш.
<b>Муаммоли маъруза</b>	
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлил қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талабаларнинг билиши ўқитувчи билан ҳамкорлигига ва диалогига асосланади, ҳамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
<b>Кўргазма маъруза</b>	
ЎТВдан кенг фойдаланиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Бундай маърузани ўқиш, кўриб чиқиладиган кўргазмали материалларни очиб беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади.
<b>Бинар маъруза</b>	
Талабаларга мунозара	Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2-мактабнинг

<b>Ўқув машғулоти нинг мақсади</b>	<b>Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари</b>
маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишни намоёиш этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларнинг диалогини ўзида намоён этади.
<b>Анжуман-маъруза</b>	
Ўқув ахборотни излаш, танлаш ва баён этиш жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган маърузалар тизими (5-10 дақ. давомийлигида) билан, илмий-амалий машғулоти кўринишида ўтказилади. Машғулоти якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишларга якун ясайди, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифодалайди.
<b>Умумлаштирувчи маъруза</b>	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Маърузада баён этилаётган назарий ҳолатларнинг негизини курснинг ёки катта бўлимларнинг илмий-тушунчали ва концептуал асоси ташкил этади.
<b>Маслаҳатли-маъруза</b>	
Билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш.	Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
<b>Якуний маъруза</b>	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Курсни ўрганишни якунлайди, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Якуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини ажратади, келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятда ва бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўллари кўрсатади, фан бўйича якуний назорат хусусиятини тушунтиради, якуний назорат вариантларининг муракаб саволларини тушунтиради.

## 2. Амалий машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакллари

Амалий машғулоти:

- ўқувчиларни ўқитувчи билан ва ўзаро фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган,
- назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи,
- олинган билимларни амалий фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилишга мўлжалланган машғулоти нинг ўқитиш шакли.

### **Амалий машғулоти нинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

- муҳокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;
- муҳокама қилинувчи саволлар илм-фаннинг эришган замонавий ютуқлари томони билан кўриб чиқилади;
- назария ва амалиётни узвий бирлиги очиб берилади;

- муҳокама қилинувчи материалнинг талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан алоқаси таъминланади;
- кўриб чиқиладиган материал адабиётда мавжуд эмас ёки материал, қисман баён этилган.

### Амалий машғулотлар турлари ва уларга хос хусусиятлари

Амалий машғулот тури	Амалий машғулот шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари
<p><b>Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш/ тузилмага келтириш/ мустаҳкамлаш/ кенгайтириш:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- методологик нуқтаи назаридан энг муҳим ва ўзига хос фан мавзуларининг яхши ўрганиш.</li> <li>- тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил ўрганиш.</li> <li>- касбий тайёргарлик сифатини аниқловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш.</li> </ul>	<p><b>Кенг кўламли суҳбат.</b>          Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этиладиган мажбурий ва кўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар диққатларини қарата олиш, талабалар диққати ва қизиқишини, иш жараёнида очиб бериладиган, янги томонларга ўша вақтни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради. Кенг кўламли суҳбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган кўшимча равишда сўзга чиқишларини истисно қилмайди, балки, тахмин қилади. Бироқ бундай маълумотлар муҳокама учун асос бўлмайди, балки муҳокама қилинган саволлар учун тўлдирувчи бўлади.</p> <p><b>Маъруза ва рефератлар муҳокамаси.</b>          Муҳокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзида кўшимча маърузачи ва оппонентлар (муҳолифлар) белгиланади. Охириги чиқувчилар мазмунни қайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, кўшимча маърузачилардан ташқари, ҳеч ким семинарга жиддий тайёрланмайди. Сўзга чиқувчиларни ўзлари ҳам фақат бир саволни ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “қуруқ назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда баъзи қизиқишларни уйғотади. Талабаларни ҳар бирини кўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида тайёрланиб келишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Рефератли маърузаларни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама қилиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.</p> <p><b>Пресс-конференция.</b>          Қисқа сўзга чиқишдан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади.</p>

<p><i>Илм-фаннингалоҳида хусусий муаммоларини чуқурроқ ишлаб чиқиш.</i></p>	<p>Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгра у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича, ёки семинар якунида ўз хулосасини қилади.</p> <p><b>Ўзаро ўқиш.</b> Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни ўрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишга йўналтириш муҳим ҳисобланади: ҳар кичик-гуруҳга мавзунинг бир саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт варақлар – саволни ёритиш режаси, тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гуруҳларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қилади.</p> <p><b>Юмолоқ (ёзма /оғзаки) стол.</b> Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни қўллаш, ўз фикрларини қисқа ва асосланган ҳолда баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.</p> <p>Ҳар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варақ, доира бўйича узатилади ва ҳар бир иштирокчи ўз мулоҳазаларини қўшади.</li> <li>2. «Оғзаки юмолоқ стол» - ҳар бир талаба қўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган ғояни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради.</li> </ol> <p><b>Спецсеминар.</b> Бакалавриятнинг 4 курсида, магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Спецсеминар вақтида талабаларнинг гуруҳларда ишлашга ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усулларидадан фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди.</p> <p>Спецсеминарнинг якуний машғулотида ўқитувчи, қоидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштирок этиш имкониятини очиб умумлаштиради.</p>
<p><b>Махсус (касбий) ва умумўқув кўникма ва амалий малакаларни шакллантириш:</b> - амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва</p>	<p><b>Таълимий ўйин.</b> Ўқитиш самарадорлигини унинг иштирокчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (ҳозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўникмаларини шаллантиради;</p>

<p>ечиш жараёнида харакатлар алгоритмини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш.</p>	<p>вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.</p> <p>Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиш; ўйин атрибутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштироксилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса)ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p><b>Амалий топшириқларни бажариш.</b></p> <p>Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гуруҳлар таркибида бажарилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдмоти → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.</p> <p><b>Масалалар ечиш бўйича машқ.</b></p> <p>Якка тартибда амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш – масалани ечиш – натижаларни танлама тақдмоти - умумлаштириш.</p> <p><b>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ечиш.</b></p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қилади. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиққий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради.</p> <p><b>Таълим берувчи амалий муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш.</b></p> <p>Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантларини қидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гуруҳи ёки алоҳида индивидларни ҳаётининг муайян шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади.</p> <p>Кейсни ечиш жараёни қуйидаги босқичларини ўз ичига олиш муҳим:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>→ муаммони якка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш,</li> <li>→ якка тартибда топилган ечимни биргаликда (кичик гуруҳларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантини расмийлаштириш,</li> <li>→ гуруҳ ишини тақдмоти,</li> <li>→ муаммони ечиш усул ва воситаларининг энг мақбул вариантини жамоавий тарзда танлаш.</li> </ul> <p>Фиклаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлинган, мустақил топилган далиллар ориентирларни, касбий бойликларни топишга ва мустақамлаштиришга, келгуси касбий фаолияти билан</p>
---	---

	<p>алоқани англашга кўмаклашади.</p> <p><b>Ўқув лойиҳаларнинг тақдими ва баҳоланиши</b></p> <p>Ушбу ўқув машғулоти тайёрлашда ўқитувчининг роли қуйидагилардан иборат: лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбаи бўлиши; бутун жараёни мувофиқлаштириш; иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш.</p> <p>Ушбу ўқув машғулотида гуруҳлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни белгиланган шаклда тақдим этишади (лойиҳавий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа махсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот кўринишида).</p> <p>Ўқитувчи гуруҳларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиҳа иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.</p>
<p><b>Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш</b></p>	<p><b>Коллоквиум.</b></p> <p>Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (сухбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниқлаш, уни чуқурлаштириш мақсадида олиб боради. У кўпинча 1) дастурда кўзда тутилмаган, лекин талабаларда қизиқиш уйғотган қўшимча мавзулар бўйича; 2) фаннинг алоҳида мураккаб, лекин талабалар томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаган мавзулари бўйича қўшимча дарслар мобайнида; 3) охири семинар машғулотларида жавоб бермаган талабаларни бириш даражасини аниқлаш учун.</p> <p>Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин.</p> <p><b>Ёзма (назорат) иш.</b></p> <p>Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/ тестларни ечадилар/ назорат топшириқларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри тузиш муҳим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келишлиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.</p>

### **3. Маъруза ва амалий машғулотларда қўлланиладиган педагогик технологиялар**

#### **АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ**

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

☞ Метод чегараланган вақт оралиғи ичида аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йўллари излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.

☞ Ўқув машғулотидаги ақлий ҳужум учун муаммони танлаш қуйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиш уйғотиши керак;

- кўп ҳар хил маънодаги ечим вариантларига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси 1-расмда келтирилган.



Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси

### **ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ**

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – **I**nteraktive- интерфаол **N**oting – белгилаш **S**ystem - тизим **f**or-учун **E**ffective – самарали **R**eading – ўқиш **a**nd- ва **T**hinking – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишнинг интерфаол тизими ҳисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

(√) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;

(+) – мен учун янги ахборот;

(-) - менинг билганларимга, зид ахборот;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

### **ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ**

Пинборд–(инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) муаммони ечиш вариантларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхшисини танлаш имконини беради;

2) ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Пинборд техникасининг технологик чизмаси

### **КЕЙС–СТАДИ МЕТОДИ**

**КЕЙС** – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи *ўқитиш воситаси*.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топширик/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун *услубий кўрсатмалар* бўлиши керак.

**Кейс–стади** (ингл.case– тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиш)–амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуйидагиларга ундайди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача миқдордаги, катта)

2. Ўқув топшириғини тақдим этиш усули:

- саволли ( саволлар кейсдан кейин келтирилади)
- топшириқли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

### **ЎҚУВ ЛОЙИҲА МЕТОДИ**

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичида (битта ўқув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичида) таълим олувчи гуруҳли ёки якка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топшириғини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичида берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;

- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

## ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР

**КЛАСТЕР** (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

### Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Катта қоғоз варағи марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.

2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айлана-“йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизик билан “бош” сўзга боғланг.

3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзиб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

**«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ** –муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

### «Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммосабабини аниқлаш учун:

1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизигини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.


2) Саволга жавоб ёзиб нима учун сўроғини такрор ёзиб бораверинг. Бу жараённи муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом эттиринг

**«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ** – бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

### “Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

1. «Балиқ скелетини» чизинг:



2. «Суяк»нинг чап қисмида (ёки юқори суякда) муаммо ости муаммони ёзинг, ўнг қисмида (пастки суякда) – муаммо ости муаммони амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи далилларни ёзинг.

**«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ** - муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантикий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

**«Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига  
йўриқнома**

«Қандай?» диаграммасини тузишдан аввал, сиз қуйидагиларни билишингиз керак: кўп ҳолларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Буни қандай қилиш керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.

2. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйинг ва шу саволга жавоб беринг. Шу тартибда саволларни кетма-кет бериб бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирмасдан, солиштирмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

3. Диаграммани таҳлил қилинг: агар диаграммадаги тармоқланган “шоҳчалар”да ғоялар такрорланса, демак айнан шу ғоя муаммони ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

*Маслаҳат ва тавсиялар:*

Янги ғояларни график кўринишда қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

1. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили” Давлат дастуридан ўрин олган макроиқтисодий масалалар таҳлили ва уларнинг ижроси
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган устувор вазифалар мазмуни ва моҳияти
3. 2015-2019 йиллар учун ишлаб чиқаришни структуравий ислохотлар билан таъминлаш, модернизация ва диверсификациялаш бўйича чора-тадбирлар дастури асосида реал сектор корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг таҳлили.
4. Бизнес жараёнларини тадқиқ қилишда эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланиш
5. Товарлар бозори конъюнктура ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий таҳлилни амалга ошириш ва асосий кўрсаткичларни прогнозлаш (алоҳида олинган товарлар бозори бўйича).
6. Бизнес жараёнларини статистик тадқиқ қилиш
7. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва нарх белгилаш стратегиясини таҳлил қилиш (SWOT-таҳлил асосида).
8. Бизнес жараёнларини самарали ташкил этишда инновациялар
9. Маҳсулотга бўлган талаб ва таклифнинг эконометрик моделини тузиш ва 5 йилга прогнозини амалга ошириш.
10. Бизнеснинг жозибadorлигини баҳолаш усуллари
11. Бизнеснинг жозибadorлигини баҳолаш усуллари
12. Инновация ва инвестицияларни бошқаришни ташкил этиш
13. Бозор ҳажмини аниқлашда иқтисодий математик моделлардан фойдаланиш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш (Ансофф матрицаси асосида).
14. Фирманинг истиқболдаги стратегик режасини ишлаб чиқиш (алоҳида олинган фирмалар мисолида, BCG матрицаси асос қилиб олинсин).
15. Рақобат муҳитини таҳлил қилиш асосида фирманинг истиқболдаги ривожланишини прогнозлаш (алоҳида товарлар ва фирмалар мисолида).
16. Маркетингда CRM-технологиялари асосида қарорлар қабул қилиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.
17. Фирманинг ички ва ташқи бозордаги маркетинг стратегиясини таҳлил қилиш, келгусидаги ривожланишини аниқлаш (алоҳида товарлар, тармоқлар ёки фирмалар мисолида).
18. Фирманинг маҳсулот ассортиментини ривожлантириш бўйича таҳлилни амалга ошириш ва ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш (алоҳида фирмалар ва ABC таҳлили асосида).
19. Бизнес жараёнларини тадқиқ қилишда ижтимоий сўровлар ўтказиш
20. Ички ва глобал иқтисодий индексларни ўрганиш асосида тармоқ, компания, фирма фаолиятини келгусидаги ривожланишини прогнозлаш (иқтисодий ривожланиш индекслари: Doing-business, Dou Jons, Start-up ва бошқалар).
21. Бизнесда электрон тижоратнинг ўрни.

## ГЛОССАРИЙЛАР

ATAMANING O'ZBEK TILIDA NOMLANISHI	ATAMANI NG INGLIZ TILIDA NOMLANISHI	ATAMANING RUS TILIDA NOMLANISHI	ATAMANING MA'NOSI
Agent	Agent	Агент	ma'lum darajada doimiy asosda ish ko'ruvchi ulgurji savdo xodimi bo'lib, ko'p bo'lmagan funktsiyalarni bajaradi va tovarga nisbatan mulk huquqini olmaydi.
Ajiotaj talab	rush demand	Ажиотажный спрос	bozordagi shov-shuv va vahima ta'siri ostida sun'iy paydo bo'ladigan va shiddat bilan ortib boradigan talab.
Alyanslar	Alliances	Альянсы	raqobat kurashida g'olib chiqish g'oyasidan voz kechish va hamkorlik firmalari tarmog'ini shakllantirishga o'tish.
Assortimentni ishlab chiqish va rejalashtirish	Planning and production of a range	Планирование и производство ассортимента	bozor talablariga muvofiq ishlab chiqarishning assortiment tuzilmasini ishlab chiqish. Mahsulot raqobatdoshligini baholash. Texnik va iste'mol parametrlari o'zaro aloqasini o'rganish. Yangiliklar kiritish siyosati. Narx siyosati. Tovar qadog'i. Tovar belgisi.
Bozor kon'yunkturas	market conditions	Конъюнктура рынка	muayyan davrdagi bozor holati, bozorda muvozanatning mavjudligi yoki buzilganligi bilan xarakterlanadi.
Bozorni majmuaviy o'rganish	Compleks marketing research	Комплексное изучение рынка	korxonaning ishlab chiqarish, savdo, tovar, sotish, reklama, narx va boshqa sohalaridagi tadqiqot, tahlil va prognoz (bashorat). Raqobatdoshlar faoliyatini o'rganish.
Bozorsegmenti	Market segment	Сегмент рынка	таклиф этилаётган битта маҳсулот тури ва маркетинг комплексига бир хилда муносабатда бўлувчи истеъмолчилар гуруҳи мажмуи.
Bozornisegmentlash	Market segmentation	Сегментация рынка	iste'molchilarni, ularning ehtiyojlarini, imkoniyatlari yoki xulq - atvorlariga asosan guruhlariga ajratish jarayoni.
Bozorni pozitsiyalashtirish	market positioning	Позиционирование рынка	bozorda va maqsadli iste'molchilar ongida tovarni shubha uyg'otmaydigan, boshqalaridan aniq ajralib turuvchi, maqbul joy bilan ta'minlash.

<b>Bozor sharoitlarida sinash</b>	<b>Testing in market conditions</b>	<b>Тестирование в условиях рынка</b>	yangilik ishlab chiqish bosqichi bo'lib, bunda tovar va marketing strategiyasini real foydalanish sharoitlarida sinab ko'riladi. Bu sinov iste'molchilar va dilerlarning tovardan foydalanishda o'ziga xos qarashlarni aniqlash, ortiqcha sotilish muammosi, shuningdek bozor o'lchamlarini aniqlash maqsadida o'tkaziladi.
<b>Bozorning maqsadli segmentlarini tanlash</b>	<b>Selecting a target market segment</b>	<b>Выбор целевого сегмента рынка</b>	o'z tovarlarini olib chiqish uchun bir yoki bir necha bozor segmentlarini baholash va tanlash.
<b>Bozor muhofazasi</b>	<b>market protection</b>	<b>Защита рынка</b>	milliy bozorning yoki ayrim tovarlar bozorining, davlatning eksport-importni tartibga soluvchi tadbirlari vositasida himoya qilinishi.
<b>Vaziyatli tahlil</b>	<b>Situational analysis</b>	<b>Ситуационный анализ</b>	muvoffaqiyatlar va muvaffaqiyatsizliklarni hisobga olgan holdagi oldingi faoliyatini o'rganish: ishlab chiqarish va bozordagi vaziyat o'zgarish sabablarini aniqlash; xodimlar ishi samaradorligini baholash, ish ko'rsatkichlariga tashqi muhit ta'sirini hisobga olish; hozirgi kundagi vaziyat ta'sirini aniqlash va kelajak prognozi (bashorati).
<b>Vertikal marketing tizimi</b>	<b>Vertical marketing system</b>	<b>Вертикальная система маркетинга</b>	ishlab chiqaruvchi bir yoki bir necha ulgurji sotuvchi va bir yoki bir necha chakana sotuvchilar yig'indisi bo'lib, bunda taqsimot kanalining a'zolaridan biri boshqalarining egasi bo'ladi yo ularga tijorat imtiyozlarini beradi, ularning to'la xamkorligini ta'minlovchi qudratga ega bo'ladi.
<b>Differentsiatsiyalangan marketing</b>	<b>differentiated marketing</b>	<b>Дифференцированный маркетинг</b>	bir qator o'xshash mahsulotlar bilan, bozorning tegishli ixtisoslashtirilgan segmentiga chiqish. Bozor segmentlarining har biriga alohida ishlab chiqilgan takliflar bilan chiqish. Harakatlarni bir segmentga qaratish o'rniga butun bozorga birdaniga, bir taklif bilan murojaat qilish.
<b>Ishlab chiqarishni takomillashtirish kontsepsiyasi</b>	<b>The concept of improving production</b>	<b>Концепция совершенствования производства</b>	iste'molchilar keng tarqalgan va narxi qulay tovarlarga yaxshi munosabatda bo'lishini, shuning uchun rahbariyat o'z xarakatlarini ishlab chiqarishni takomillashtirishga va taqsimot tizimi samaradorligini ko'tarishga yo'naltirilishi kerakligi haqida tasdiq.
<b>Ijtimoiy - axloqiy</b>	<b>The concept of</b>	<b>Концепция социально-</b>	bu shunday tasdiqki, tashkilot oldida iste'molchi va jamiyat xotirjamligini

<b>marketing kontseptsiyasi</b>	<b>social-ethical marketing</b>	<b>этического маркетинга</b>	saqlagan yoki mustahkamlagan holda mo'ljaldagi bozor ehtiyojlarini, zaruriyatlarini va qiziqishlarini aniqlash, hamda itsalayotgan qoniqishni raqobatchilarga nisbatan samaraliroq va maxsuldor yo'llar bilan ta'minlash vazifasi turadi.
<b>Ijtimoiy marketing</b>	<b>Social marketing</b>	<b>Социальный маркетинг</b>	iste'molchilar zaruriyatlari, jamiyat omillari (atrof muhitni himoyalash, sog'-salomat muhit tarzi va b.) va mahsulot sifatini saqlab qolish asosida shakllanadi.
<b>Iste'molchilar ma'lumotlar bazasi</b>	<b>Base consumer data</b>	<b>База данных потребителей</b>	individual iste'molchilar xaridlari, ularning talablari, demografik ma'lumotlar va ta'minlanadigan foyda to'g'risida kengaytirilgan ma'lumotlar bazasini yaratish. Tegishli ma'lumotlar bazalari asosida, kompaniyalar mijozlar ehtiyojlarining turli hududlarini aniqlaydilar va ularning har biri uchun savdo takliflarini tayyorlaydilar.
<b>Makromarketing</b>	<b>macromarketing</b>	<b>Макромаркетинг</b>	davlat, bozor, mintaqa iqtisodiyotining butun ishlab chiqarish salohiyatini ishga solgandagi individual va jamiyat ehtiyojlarini qondirish bo'yicha hatti-harakatlar.
<b>Maqsadli marketing</b>	<b>target marketing</b>	<b>Целевой маркетинг</b>	iste'molchilarning maksimal keng doirasiga tovarlarni taklif etishdan, tanlangan maqsadli bozorlarga xizmat ko'rsatishga o'tish. Maqsadli marketing bo'yicha iqtisoslashtirilgan jurnallar, televizion kanallar va Internet axborotlarini qo'llash bilan engillashadi.
<b>Marka</b>	<b>mark</b>	<b>Марка</b>	bitta sotuvchi yoki sotuvchilar guruhi tomonidan belgilangan, tovar va xizmatlarni ajratish uchun mo'ljallangan, nom, atama, belgi, rasm yoki ularning uyushmasi. Marka belgilari: marka nomlari, marka belgilari, tovar belgisi, mualliflik huquqi. Marka nomlari eslatib qolish, sotuvlar, imidjni shakllantirishi, joy egallash, reklama funksiyalarini bajarishi lozim.
<b>Marketing</b>	<b>Marketing</b>	<b>Маркетинг</b>	bu tovarlarni bozorga chiqarish, talabni shakllantirish va sotuvlarni rag'batlantirish maqsadida, tovarlar, mahsulotlar, xizmatlar, qimmatli qog'ozlar bozori sohasida amalga oshiriladigan faoliyat
<b>Marketingni</b>	<b>marketing</b>	<b>Управление</b>	korxonada maqsadlariga erishishi uchun

<b>boshqarish</b>	<b>Managem ent</b>	<b>маркетингом</b>	ahamiyatli xaridorlar bilan foydali ayriboshlovlarni o'rnatish, mustahkamlash va qo'llab-quvvatlash yuz asidan qilingan tahlil, rejalashtirish, tadbiiq qilish va tadbirlar bajarilishini nazorat qilish harakatlari. Marketingni boshqarish jarayoni - quyidagilardan tarkib topgan bo'ladi: 1) bozordagi imkoniyatlarni tahlil qilish; 2) maqsadli bozorni tanlab olish; 3) marketing usulini ishlab chiqish; 4) marketing tadbirlarini hayotga tadbiiq etish.
<b>Marketing kontseptsiyasi</b>	<b>marketing concept</b>	<b>Концепция маркетинга</b>	tashkilotning maqsadga erishishi garovi va bu mo'ljallanayotgan maqsadli bozor, bozordagi zaruriyat va ehtiyojni aniqlash va itsalayotgan qoniqishni rag'batlantirishga nisbatan samarali va mahsuldor yo'llar bilan ta'minlash tasdig'i.
<b>Marketing tadqiqoti</b>	<b>Marketing research</b>	<b>Маркетинговые исследования</b>	firma oldida turgan marketing vaziyati bilan bog'liq bo'lgan, hamda to'plash, tahlil qilish va natijalar hisobotini tuz ish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlar doirasini tizimli ravishda aniqlash.
<b>Marketing axboroti tizimi</b>	<b>Information Marketing System</b>	<b>Информационная система маркетинга</b>	insonlar, jihozlar va uslubiy ta'minot o'zaro aloqadorligining doimiy faoliyat yurituvchi tizimi bo'lib, marketing sohasi bilan shug'ullanuvchilarning rejalashtirishni, tadbiiq etishni va tadbirlar bajarilishi ustidan nazoratini takomillashtirish maqsadida foydalaniladigan muhim, o'z vaqtidagi va aniq ma'lumotlarni tasniflash, tahlil qilish, baholash va tarqatish uchun mo'ljallangan.
<b>Marketing nazorati</b>	<b>marketing control</b>	<b>Маркетинговый контроль</b>	amaldagi ko'rsatkichlarni reja ko'rsatkichlaridan farqlanish qiymatlari va sabablariga bog'liq holda, to'g'rilovchi harakatlarni tayyorlash. Nazoratning uchta turini ajratadilar: - yillik rejalarni bajarish ustidan; - foydalilik dinamikasi ustidan; - strategik maqsadlar uchun foydalanilish mumkin bo'lgan, axborot yig'ish ustidan.
<b>Marketing sintezi</b>	<b>Synthesis marketing</b>	<b>Синтез маркетинга</b>	vaziyatli tahlil asosida tsrategik rivojlanish maqsadlarini oldinga surish; bozor kon'yunkturasi va korxonona (kompaniya) jon saqlash sharoitlarini hisobga olgan holda maqsadlarni baholash; qarorlarni tsrategik rejalashtirish asoslari sifatida tayyorlash.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР**

### **Электрон журналлар**

1. International Journal of Business Forecasting and Marketing Intelligence.  
www.inderscience.com
2. Ansoff matrix. www.free-management-ebooks.com
3. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий-электрон журнал.  
www.iqtisodiyot.uz
4. Экономическое обозрение. www.cer.uz
5. Journal of Marketing. www.ama.org
6. Journal of Marketing Research. www.ama.org
7. Journal of International Marketing. www.ama.org

### **Интернет сайтлар**

1. www.digitalmetricsplaybook.com
2. www.marketo.com
3. www.bizneslab.uz
4. www.study.com
5. www.inderscience.com
6. www.free-management-ebooks.com

**Ш.Султонов**

**“Бизнесни тадқиқ этиш усуллари”**

**Фани бўйича  
ўқув-услубий мажмуа**

**Маъруза машғулоти учун**

**Самарқанд: Иқтисодиёт кафедраси, 2019 йил, 213 бет.**